

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

Султонмурод О Л И М

**МИЛЛИЙ ҒОЯ,
МАФКУРА,
МАЪНАВИЯТ**

**ТОШКЕНТ
“ABU MATBUOT-KONSALT”
2014**

УЎК: 37.017.92

КБК: 74.200.51

О-49

Масъул муҳаррир:

Рўзимурод ЧОРИЕВ, педагогика фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

Акмал САИДОВ, юридик фанлар доктори, профессор,

Абдуллоҳ ТОҲИРИЁН, тарих фанлари номзоди

Олим, Султонмурод.

Миллий ғоя, мафкура, маънавият: /С. Олим; – Тошкент: “ABU MATBUOT-KONSALT”, 2014. – 176 б.

Ватан – муқаддас тушунча.

Ватанпарварлик ҳар бир мамлакат халқининг қон-қонига сингиб кетган. Ҳар бир фуқаро – ўзи туғилиб ўсган, яшаб турган юрти билан фахрланиш, уни жон-дилидан севиш, унинг равнақи учун фидойилик билан умр кечиришга ҳақли ва бурчдор. Ватанни севиш учун аввал у ҳақда имкон қадар кенг ва тўлиқ маълумотга эга бўлиш керак.

Истиқлол йилларини, *ислоҳотлар ва истиқболни белгилаш даври*, деб баралла айта оламиз. Таниқли адабиётшунос, публицист Султонмурод Олимнинг қўлингиздаги китобида Ўзбекистонимиз босиб ўтган шонли ва мураккаб истиқлол йўли, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги ислоҳотларимиз, жаҳонда эришаётган муносиб мавқеимиз, халқимизнинг бунёдкорлик қудрати тўғрисида ҳикоя қилинади, шу тариқа у мустақиллик йиллари моҳиятини янада теранроқ англашга кўмаклашади.

Ундан Президент Ислом Каримов яратган буюк таълимотнинг мазмун-моҳияти, унинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоблари таҳлили, мустақилликка эришиш арафаси(1989 йил 23 июнь – 1991 йил, 31 август)да Ўзбекистонимизда юз берган тарихий бурилишлар, истиқлол йилларида маънавий-маърифий меросга муносабатнинг тубдан ўзгаргани, халқнинг бу бебаҳо бойлигини ўрганиш борасида эришилган ютуқлар, 23 йилнинг асл моҳиятини ташкил этадиган буюк қадамлар, азим пойтахтимизда амалга оширилган мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларини ёритишга бағишланган махсус боблар ўрин олган.

Кўлланма таълим тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбарлар, маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул шахслар, барча ўқитувчилар, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари тингловчилари ҳамда талабаларга мўлжалланган.

Китоб Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти Илмий Кенгашининг 2014 йил 29 апоелдаги йиғилиши қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-4151-9-5

“ABU MATBUOT-KONSALT”, 2014 й.

**Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 23 йиллигига
бағишланади.**

Миллий зоя деганда аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиши ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз.

...Бугунги замонда **мафкура** полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга.

Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

Тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши – **жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривож**и ҳақида махсус адабиётлар яратиш тизимини янада такомиллаштириш зарур

**Ислом КАРИМОВ,
“Юксак маънавият – енгилмас куч” китобидан.**

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

(Сўзбоши ўрнида)

Содда, равон ва тушунарли тилда битилган бу китобда Ўзбекистонимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган шонли ва мураккаб истиқлол йўли, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги ислохотларимиз, жаҳонда эришаётган муносиб мавқеимиз, халқимизнинг бунёдкорлик кудрати тўғрисида ҳикоя қилинади, шу тариқа у истиқлолимиз моҳиятини янада теранроқ англашга кўмаклашади.

Муаллиф истиқлол йилларида маънавият давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, маънавий-маърифий меросга муносабатнинг тубдан ўзгаргани ва халқнинг бу бебаҳо бойлигини ўрганиш борасида эришилган ютуқлар, шунингдек, истиқлол йилларининг туб моҳиятини ташкил этадиган буюк қадамларни ёритишга махсус саҳифалар бағишлаган.

Келтирилган далил ва таҳлиллардан маълум бўладики, истиқлол йилларида мамлакатимизнинг ҳар бир минтақа ва ҳудудида катта-катта тарихий ўзгаришлар амалга оширилди. Қорақалпоғистон Республикаси, ўн икки вилоят ва Тошкент шаҳри муқаддас Ватаннинг узвий таркибий қисми сифатида ўз тараққиёт босқичларини босиб ўтди.

Ўнта бўлса, ўрни – бошқа, деганларидек, истиқлолнинг йигирма йили мобайнида азим Тошкент ҳам таниб бўлмас даражада чирой очди. Юртбошимиз раҳнамолигида пойтахтимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Қўлланмада бу ҳақда ҳам махсус саҳифалар ажратилган.

Бугун 50 ёшдан ошган кишилар умрининг бир қисми шўро даврида, қолган қарийб 23 йили истиқлол замонида ўтди. Қиёслаш учун бундан ортиқ имкон бўлмаса керак. Муаллиф таҳлилларда: *“Ким эдиғ-у, ким бўлдик?”* – деган саволга жавоб излаш асносида иш юритади. Шу қиёсда асл ҳақиқат очила боради. Нафс ил-амрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кўп бор такрорлаб келаётган: *“Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам”*, – деган умидбахш хулоса бўртиб чиқади.

Бу китоб олти бобдан иборат.

1-бобдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори матни ҳамда шу ҳужжат мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган шарҳ ўрин олган.

2-бобда муҳтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби мазмун-моҳияти атрафлича таҳлил этилган, унинг мустақилликка эришиш арафаси ва истиқлолнинг дастлабки тўрт ойида кечган тарихни теран англашдаги аҳамияти кўрсатиб берилган.

3-бобдан истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз моҳиятини англашга ёрдам берадиган таҳлилий материаллар ўрин олган.

4-бобда Президент Ислом Каримов асослаган таълимот мазмун-моҳияти ёритилади.

5-бобда мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, такомиллаштириш борасида қилинган ишларни кўрсатиш мақсад қилинган. Бу бобдан, жумладан, муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари мазмун-моҳияти ҳам изчил ёритилади.

6-бобда бевосита халқ меросига муносабат борасида амалга оширилган давлат сиёсати таҳлил этилади.

7-бобда мамлакат пойтахтида истиқлол йилларида юз берган оламшумул ўзгаришлар кўрсатиб берилади.

Азиз китобхон!

Қўлингиздаги нашрда қаламга олинган жараёнларга, баён этилган воқеа-ҳодисаларга сиз ҳам у ёки бу даражада дахлдорсиз, келтирилган далилларга ҳаммамиз бевосита гувоҳимиз. Бу нашр таълим тизимида, хусусан, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишида “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанини ўқитишда жуда асқотади.

Шу билан бирга, қўлланма таълим тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбарлар, маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул шахслар, барча ўқитувчилар, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари тингловчилари ҳамда талабалар учун миллий ғоя, мафкура, маънавият асосларини ўрганиш ва тарғиб этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

**Рўзимурод ЧОРИЕВ,
Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта
тайёрлаш ва малака ошириш институти ректори,
педагогика фанлари номзоди, доцент.**

**ҲОНОСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА
САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ҒЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА
УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

ПҚ-2198-сон. 2014 йил, 1 июль

Шу кунларда халқимиз Ватанзимизнинг шонли тарихидаги буюк ва ўчмас санани – Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Ана шу улуғ айёмни муносиб кутиб олиш ва ўтказиш мақсадида бугунги кунда олиб бораётган маънавий-маърифий фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини, аввало, биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида биз эришган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз аҳолиси ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, уларнинг кадр-қимматини чуқур англаш ташкил этиши даркор.

Шулар қаторида Ўзбекистонимиз барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, қўлга киритган улкан натижаларимизни бутун дунё тан олаётгани, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, ўзига муносиб ўрин эгаллаб олаётганини кенг ёритиш, бу ютуқларнинг асосий омили ва мезонини биринчи навбатда халқимизнинг дунёқараши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганида кўриш, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар томонлама асослаб бериш ва бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур.

Шу муносабат билан:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси бир ҳафта муддатда “Ҳонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, ғўзал Ўзбекистоним!” деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликларига, Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Нуроний” ва “Маҳалла” жамғармаларига Мустақиллик байрамининг йигирма уч йиллигини юксак савияда нишонлаш учун

жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш, Республика дастуридан ўрин оладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

3. Мазкур дастурни тузишда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин:

тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда “Ким эдигу ким бўлдик?” деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бош ғоя сифатида белгилаш;

мамлакатимизнинг ўтган аср охирида кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича собиқ СССРда энг охирги ўринлардан бирини эгаллаган, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли тус олган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, қолоқ аграр республикадан бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланганини очиб бериш. Бунинг тасдиғини мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ошгани, кейинги 9 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани ва бошқа шу каби рақам ва кўрсаткичлар мисолида қиёсий таҳлиллар орқали кўрсатиш;

юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолимизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини ёритиш;

ҳеч шубҳасиз, вақт ўтиши билан тобора ёрқин намоён бўлаётган, биз биринчилар қаторида амалга оширган ва давом эттираётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берганимиз мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустаҳкам фундамент яратиб берганига алоҳида эътибор қаратиш;

биз учун ўта муҳим бўлган соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида қўлга киритган ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётий омилларини очиб бериш;

мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларни замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга ошираётган кенг қўламли ишларимизни ҳаётий ва таъсирчан мисолларда ифода этиш;

бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали ва қалтис замонда, ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз

қорачиғидек сақлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини чуқур акс эттириш;

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган, яқин ва узоқ кўшниларимиз билан дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш бўйича ёндашув ва қарашларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш;

юқорида баён этилган бекиёс натижалар, Ватанимизнинг изчил ва барқарор тараққиёти негизида турган асосий омил ва мезонларни очиб бериш амалга ошириладиган барча ахборот-информацион ишларимизда, маънавий-маърифий учрашув ва мулоқотларда, жонли суҳбатларда катта ўрин тутиши лозим. Ушбу қарорнинг кириш қисмида қайд этилган фикр ва ғояларни чуқур маъноли, шу билан бирга, содда тилда ёритиш, одамларнинг қалби ва онгига сингдириш бу борада алоҳида аҳамият касб этиши табиийдир.

Мухтасар айтганда, биз мустақиллик йилларида қандай оғир ва машаққатли синовлардан ўтиб, мисли кўрилмаган ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси замирида фақатгина халқимизнинг фидоий меҳнати, чидамлилиги, олижаноблиги ва бағрикенглиги, матонати ва жасорати, эртанги кунга мустаҳкам ишончи мужассам эканини теран акс эттириш зарур.

4. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чоратадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган мутахассислар – сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиклолини тараннум этишга қаратилган энг яхши кўшиқлар,

муסיқа асарлари учун “Ягонасан, муқаддас Ватан!” анъанавий республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Бадиий академия, “Тасвирий ойина” уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда август ойининг охирида “Энг улуғ, энг азиз”, “Ватан учун яшайлик”, “Сени куйлаймиз, замондош”, “Ранглар жилосида – она диёр” каби кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Жаҳон” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. Каримов

Тошкент шаҳри

КИМ ЭДИГ-У, КИМ БЎЛДИК?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорини ўқиб...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” шу йилнинг 1 июлида қабул қилинган қарори ҳар биримиздан истиқлол моҳияти, мамлакатимиз шу давр мобайнида босиб ўтган шонли йўл ҳақида яна қайта мулоҳаза қилиш, амалга оширилган изчил ислохотлар мағзини чақишга ундайди.

Миллий давлатларнинг пайдо бўлиши XX асрнинг энг буюк ҳодисаси эди. Биз ана шу улкан жараёнга асрнинг сўнгги ўн йиллиги бошида дохил бўлдик. 1991 йил 31 августда мустақиллигимиз эълон қилинди. Ўтган 23 йил мобайнида дунё харитасидан *Ўзбекистон Республикаси* деган янги мустақил давлат муносиб ўрин эгаллади.

Даврлар ўтгани сари мустақиллигимиз тарихини ўрганиш, бу улуғ неъматга қандай эришганимиз моҳиятига етиш, истиқлолимиз кадрини чуқур англашнинг аҳамияти ортгандан ортиб бораверади.

Бугун ҳар бир фуқаро *“Тенглар ичра тенг Ватан”* да яшаётганидан ғурурланиши керак. Чунки, қарорда ҳам алоҳида қайд этилганидек, Ўзбекистонимиз барқарор суръатлар билан ўсиб борапти. Қўлга киритган улкан натижаларимизни бутун дунё тан оляпти. Халқаро майдонда мамлакатимиз обрў-эътибори тобора ортиб, у ўзига муносиб ўрин эгаллаб олаётир. Бу ютуқларнинг асосий омили ва биринчи навбатдаги мезони нимада? Қарорда бу *“халқимизнинг дунёқараши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганида”* деб кўрсатилади. Шундай экан, *“ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар томонлама асослаб бериш ва бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур”* лиги уқтирилади.

...Одам Ато билан Момо Ҳавво Ерни макон тутганидан бу ёғига, одам боласи борки, *Ватан* дейди. Ватан – жуда нозик ва муқаддас туйғу. *Ўз уйинг – ўлан¹ тўшагинг*, дейди халқ. Тирик жон борки, беватанликдан кўрқади. Ҳолбуки, биз халқ сифатида қарийб бир ярим аср Ватанда беватан бўлдик. Истиқлолгина бизни бу кўргуликдан халос этди.

Шу кунларда океаннинг нари ёғидаги узоқ Бразилия дунёнинг кўплаб мамлакатларидан борган минг-минглаб футбол ишқибозларини ўз бағрига олган. Бу кишиларни ишини, бизнесини, бола-чақасини ўз юртида қолдириб, каттадан-катта маблағлар сарфлаб, бу олис мамлакатга чорлаган нарсани нима? Ҳар ҳолда, фақат ишқибозликнинг ўзигина эмас.

Булар-ку – бевосита иштирокчилар. Уларни жамлаб келсангиз, миллиондан ошар. Ҳозирги кунларда бутун Ер юзидаги миллиард-миллиард аҳолининг кўзи Бразилия стадионларига қадалган.

Ёки фақат тирикчиликми футболчиларни майдонда жонини жабборга бериб тўп суриш, ўзини эмас, бутунлай бошқа нарсани ўйлаб бор-кучини ишга солиб, ҳаракат қилишга даъват этиб турган куч ёхуд омил? Йўқ!

Бу курашлару бу ёқа йиртиб, сакраб, бақириб-чақираётган ишқибозларни жунбушга келтирган, ўйинчиларга рағбат бағишлаб турган куч ҳам – Ватан шарафи. Узоққа бормайлик. Футбол бўйича жаҳон чемпионати финал ўйинларини биз – ўзбекистонликлар олдинлар ҳам мириқиб, қизиқиб томоша қилганмиз. Лекин 2010 йили Жанубий Африка Республикасида ва бу гал Бразилияда кечаётган ўйинлар, ростини айтганда, юрагимизга янада яқинроқ бўлиб қолди. Чунки икки галдан буён

¹Ўлан – “ўладиган” сўзининг шевадаги қисқарган шакли.

ҳамюртимиз Равшан Эрматов ёрдамчилари – юртдошимиз Абдуҳамидулла Расулов ва кўшни қирғизистондан бўлган Баҳодир Қўчқоров билан жаҳон чепионатининг энг муҳим учрашувларига ҳакамлик қиляпти. Дунёнинг ана шу энг нуфузли спорт майдонларида Ўзбекистон номи ҳам жаранглаб турибди. Демак, айнан Ватан бизни бу гал Бразилияга янада чамбарчас боғлаб турибди...

Дўппини олиб кўйиб ўйлайдиган бўлсак, халқаро турнирлардан ғолиб бўлиб қайтаётган спортчилари билан фахрланиш туйғуси бизга айнан мустақиллик шарофати билангина насиб этди. Мана, яқинда ҳали 10 ёшга ҳам тўлмаган ака-ука Жавоҳир ва Ислом Синдоровлар шахмат бўйича нуфузли халқаро турнирдан биратўла бир нечтадан олтин медаль олиб қайтди. Уларга муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг қимматбаҳо совғалари ҳам топширилди.

Шу машҳури олам болакайлар сенга кўшни маҳаллада яшаса, уларнинг отасига, ҳатто, бобосига ҳам дарс берган бўлсанг, бу ютуқ қалбга қанчалар яқинлигини ҳис этиш унчалар қийин бўлмаса керак...

“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарор ҳар биримизнинг ҳаёлимизни табиий равишда ана шундай кенг-кенг уфқларга етаклайди.

Бу қарорда, аввало, *“ана шу улуг айёмни муносиб кутиб олиш ва ўтказиш мақсадида бугунги кунда олиб бораётган маънавий-маърифий фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини, аввало, биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида биз эришган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз аҳолиси ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, уларнинг қадр-қимматини чуқур англаш ташкил этиши даркор”*лиги уқтирилган.

Кейинги йилларда ҳар йили бу *“энг улуг, энг азиз”* (Ислом Каримов) байрамимизни бир махсус шиор остида нишонлаш ажиб бир анъанага айланди. Масалан, ўтган йили бу байрамни: *“Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!”* – шиори асосида нишонлаган эдик. Шарҳланаётган қарорда, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдикланиб, унга бир ҳафта муддатда *“Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!”* – деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш юклатилди. Мустақиллик байрамининг йигирма уч йиллигини юксак савияда нишонлаш учун жойларда минтақавий-худудий комиссиялар фаолият олиб борадиган бўлди.

Қарорда мазкур дастурни тузишда алоҳида эътибор қаратиладиган устувор йўналишлар ҳам белгилаб берилган. Бу устувор йўналишларнинг

ҳар бири кишини алоҳида мушоҳадага ундайди, қилинган улуғвор ишлар, муайян маълумотларни хотирга келтиради.

Аввало, тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтдик. Ўз-ўзидан, ҳаёлан: *“Ким эдиғ-у, ким бўлдик?”* –деган ҳаётий саволга жавоб излаймиз.

Жавоб эса – тайин. Истиқлолга эришгунимизга қадар републикамиз иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, асосан, пахта хомашёси етказиб беришга мослаштирилган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган бир ўлка эди. Республика кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича собиқ СССРда энг охириги ўринлардан бирини эгаллар эди. Чунки иқтисодиётнинг “олтин” коидаси шуки, ҳеч қачон хомашё сотган бой бўлмайди. Ўзбекистонимизда ўша йиллари етиштирилган 6 миллион тонна пахтанинг атиги 8 – 10 фоизи гина ўзимизда қайта ишланган, қолган қисми қайта ишлаш учун олиб кетилган ва асосий фойда тайёр хомашёни қайта ишлаган мамлакатларга келиб тушган.

Мустақиллик йилларида републикамиз иқтисодиёти 4,1 баробар ўсди. Бу эса, авало, аҳолининг ялпи реал даромадлари кўпайишига олиб келди. Бу кўрсаткич жон бошига 8,2 карра ошди. Сўнгги 9 йил мобайнида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати эса 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда.

Ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 2000 йилда 14,2 фоизга тенг бўлган бўлса, ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Автомобилсозлик, моторсозлик ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлайдиган соҳаларга, нефть ва газни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқарадиган янги-янги саноат тармоқларига асос солинди.

Ҳар учта оиланинг биттаси энгил автомобилга эга эканлиги, ҳар 100 та оилага ўртача 80 та холодильник, 146 та телевизор тўғри келяпти.

Бундай ютуқларнинг адоғи йўқ. Хўш, уларга нималар эвазига эришдик? Аввало, оқилона олиб борилган сиёсат туфайли Ўзбекистонимиз саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланди.

2012 йил 12 – 14 сентябри кунлари пойтахтимиздаги “Маърифат маркази” мажмуасининг симпозиумлар саройида Президентимиз Ислон Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди. Халқаро форумнинг очилишида Президент Ислон Каримов нутқ сўзлади. Иштирокчилар мамлакатимизда кичик бизнес ва кичик тадбиркорликка берилаётган эътибор ва ғамхўрлик таҳсинга сазовор эканини қайд этишди.

2013 йил 18 мартада Президентимизнинг “Жиззах маҳсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Бу Навоий ва Ангрндан кейинги учинчи шундай зона бўлди. Сирдарё вилоятидаги

Сирдарё туманида Жиззах махсус индустриал зонасининг филиали ҳам очилди. Бу махсус индустриал зона қатнашчилари кўпгина солиқлар, мажбурий ажратмалар ва бож тўловларидан озод қилинди. Бундай зоналар иқтисодий тараққиётга, янги иш жойлари яратишга омил бўлади, мамлакатимизга хорижий инвестициялар киришини кучайтиради.

2011 йили Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида юксак технологияли, юқори тезликда ҳаракатланувчи “Afrosiyob” электрпоезди қатнови йўлга қўйилди. Дастлаб фақат чоршанба ва шанба кунлари қатнаган бу поезд кейинчалик ҳар куни юрадиган бўлди. 215 йўловчини ташиш имконига эга бу поезд 2 соатда манзилга етади.

Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб борапти.

Ўрни келгани учун бир ҳақиқатни очиб-ойдин айтиб ўтиш зарур. *Мустақилликка эришилди, дегани, бўлди, бу ёғи энди ўз-ўзидан, албатта, тараққиёт юз бераверади, дегани эмас.*

Бир неча йил олдинлар қўшни Қирғизистоннинг Фарғона водийсидаги вилоятларимизга чегара худудларида никоҳ тўйи ўтказилса, келин-куёв ва уларга ҳамроҳ куёв-жўраю келин-дугоналар давлат чегарасига келиб, Ўзбекистон худудидаги янги қад ростлаган, ҳамманинг ҳавасини келтириб турган академик лицей ёхуд касб-ҳунар коллежи биноси олдида суратга ва видеога тушишни илтимос қилишар экан. Сабабини сўрашганида: *“Бизда суратга тушишга лойиқ бирор тузукроқ иморат йўқ-да”,* – дейишар экан.

2008 йили январида бир сабаб билан Қирғизистоннинг Ўш шаҳрига бориб келишга тўғри келди. *Бу шаҳарда 1991 йилдан бу ёғига бирорта ижтимоий аҳамиятга эга иморат ростланмаган, десам, ишонаверинг.* Очиғини айтганда, ҳозир Ўзбекистонимизнинг туман марказларидаги ободончиликлар ҳам ўшликларнинг ҳавасини келтириши – тайин.

Аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Бугун туман марказларигина эмас, ҳатто, қишлоқларимиз ҳам замонавийлашиб, тобора обод бўлиб борапти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг *“Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”* 2009 йил 3 августдаги қарори асосида 159 қишлоқ туманида 900 дан зиёд янги уй-жой массиви барпо этилди, намунавий лойиҳалар асосида майдони 4,5 миллион квадрат метр бўлган 33,5 мингдан ортиқ яқка тартибдаги уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу янги массивларимизда аҳоли яхши яшаши учун қулайликлар туғдирган ижтимоий аҳамиятга молик объектлар қурилмоқда. Фақат сўнгги 5 йилда мамлакатимизнинг янги массивларида 750 километрлик автомобиль йўллари, узунлиги 1,6 минг километрдан зиёд ичимлик суви қувурлари, 1,2 минг километрлик электр ва газ тармоқлари, 800 дан зиёд ижтимоий, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектлари бунёд этилди.

2013 йил апрелида Тошкентда “Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш

ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзуидаги халқаро конференция ўтказилди. Унда нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, 60 дан ортиқ мамлакатдан 300 дан ортиқ олим, мутахассис ва эксперт иштирок этди. Конференция иштирокчилари, *Ўзбекистоннинг бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлари бошқаларга ибрат бўлишига арзийди*, деб тан олишди.

Инсон ҳаётга бир марта келади. Унинг бебаҳо умри ўзига уй қуриш билан ўтиб кетмаслиги керак. Биринчидан, ҳар ким ўз касби билан шуғуллангани – маъқул. Уйларни мутахассислар қурсин. Шунда ҳар кимнинг ўз соҳасини ҳадди аълосида ривожланган мутахассиси бўлиши учун имкон, яъни вақт пайдо бўлади. Ахир, кундузи ўз касбида ишлаб, кечаси билан эру хотин лой қориб, деворга лой суваб юрганлар каммиди? Иккинчидан, қинғир-қийшиқ, бетартиб, бережа қурилган уйларнинг даври ўтди. Энди қишлоқлар ҳам ҳар томонлама талаб даражасида, ҳам қулай, ҳам шинам, ҳам кўзни қувонтирадиган даражада кўркам бўлиши керак. Учинчидан, уй-жой узоқ муддатга хизмат қилаждиган қилиб бунёд этилиши, шу тариқа авлодлар меҳнати иқтисод қилиниши керак.

Германиянинг қадимий Мюнхен шаҳрида бундан беш аср олдин қурилган уйларда ҳам одамлар яшаётганини айтишди. Уй эгаси бу иморатни айнан қайси аждоди қурганини архив материаллари асосида аниқлай олади, албатта. Аммо иморат айнан нимадан қурилган, унга қанча куч ва маблағ сарфлангани ҳақида ўйлаб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Шу тариқа беш асрдан буён камида бир оила аъзолари уй қуриш ташвишидан халос ҳолда яшайди. Кучини, билимини, вақтини бошқа соҳани ривожлантиришга сарф этади. Шунинг учун ҳозирги намунавий лойиҳалар асосидаги қишлоқ уйлари пишиқ ғиштдан қуриляпти, бунда уларнинг узоқ йиллар хизмат қилиши кўзда тутилган.

Ҳар қандай мамлакат камоли комплекс ҳолда юз берадиган тараққиётни талаб этади.

Дунёда таълим тизимига сарфланган маблағ, *ҳеч қачон касодга учрамайдиган капитал*, деб ҳисобланади. Чунки тараққиётни ким амалга оширади? Одамлар. Таълим тизимини такомиллаштириш – *одамнинг сифатини ошириш*, деган гап.

Бу борада 1997 йилдан буён изчил амалга ошириб келинаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 – 2009 йилларда ижроси таъминланган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури алоҳида аҳамият касб этди.

Шу тариқа мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустаҳкам фундамент яратилди. Бинобарин, истиқлол йилларида таълим тизимини тубдан янгилаб, уни замон талаблари даражасига кўтариш мамлакатимизда маънавий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этиб келяпти. Президентимизнинг 20 майда имзоланган “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам шу йўлдаги саъй-ҳаракатларнинг узвий давом этаётганидан далолат беради. Шу қарор асосида 2011 – 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастур маъқулланди.

Мазкур қарорга асосан, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти – Андижон машинасозлик институтига, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти – Наманган муҳандислик-технологик институтига, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти – Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтига айлантирилди. Бу учала олий таълим муассасасининг янги йўналишида замонавий технологиялар сари модернизациялаш тамойили яққол кўриниб турибди.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2012 йил 16 – 17 феввали кунлари Тошкентда халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистонимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда давлатнинг роли ва бу борада тўпланган бой тажриба билан кенг таништириш мақсадида “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Унда дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар қатнашди. Конференциянинг очилиш маросимида Президент Ислом Каримов “Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад” мавзуида табрик нутқи сўзлади. Конференциянинг якуний ҳужжати – резолюцияси қабул қилинди. Унда, жумладан, шундай сўзларни ўқиймиз: *“Бундан 15 йил олдин (1997 йилда) қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг Ўзбекистон танлаган “ўзбек модели”нинг ажралмас таркибий қисми экани алоҳида таъкидланди”*. Халқаро конференция иштирокчилари резолюцияда Ўзбекистоннинг таълим тизимини ривожлантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича танланган ва муҳокама этилган маърузаларни ҳисобга олган ҳолда тавсиялар қабул қилди. Конференцияда Осие тараққиёт банки президенти Харухико Курода ҳам нутқ сўзлади.

2012 йил 28 майида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони, 28 декабрда эса уни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Шу тариқа мамлакатимизда бундан буён фан номзоди илмий даражаси берилмайдиган, фақат магистр ва фан доктори илмий даражаларини олиш учун диссертациялар ёқланадиган бўлди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида қўлга киритган ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётий омиллари ҳаммамизни қувонтиради.

Мустақиллик туфайли биз дунёдаги бой маданий меросга эга халқлардан бири эканимизни бутун дунёга кўрсатиш имконини қўлга киритдик. 2009 йили Наврўз ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатидан жой олган эди. 2010 йили эса БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида “Наврўз халқаро куни” деган резолюция қабул қилинди. 2013 йили Ўзбекистон Республикасининг БМТ хузуридаги доимий ваколатхонаси ташаббуси билан БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Наврўз байрами тантанали равишда нишонланди.

1991 йилдан буён мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими уч барабар камайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, оналар ва болаларга зарур даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими тўғри келиши керак. Ўзбекистонимизда бу кўрсаткич фақат шаҳарларимиздагина эмас, балки қишлоқларда ҳам халқаро стандартларга тўла мос тушади. Шу ва бошқа кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонимиз “Save the children” (“Болаларни асрайлик”) ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи 10 мамлакат қаторига киритилди.

Мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларни замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун кенг кўламли амалга оширилди.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимизда мустақиллик йилларида аёллар масаласида 80 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Президентимизнинг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434-сон фармони мамлакатимизда аёлларга муносабатнинг янги бир даражага кўтарилишини таъминлади. Шу фармонга биноан, маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқолларининг хотин-қизлардан тайинланадиган, маош билан таъминланадиган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари лавозими жорий этилди. 29 июнда эса Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-3434-сонли

фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Президентимизнинг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сон, “2009 – 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” 2009 йил 1 июлдаги ПҚ-1144-сон қарорлари ижросини таъминлаш борасида кўп эзгу иш қилинди. Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурида ишчи комиссиялар ташкил этилган ва улар қошида махсус жамоатчилик кенгашлари ва ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

2013 йилнинг 25 январида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Ана шу конференция қарори Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини тубдан яхшилашга ундайди. Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг барча минтақа ва ҳудудларида ана шу конференция қарори ижросини таъминлаш бўйича фаол иш олиб бориляпти.

Мазкур конференцияда Юртбошимизнинг табриги ўқиб эшиттирилди. Анжуман қатнашчилари, жумладан, мана бу самимий сўзларни айрича ҳаяжон билан тинглади: *“Мамлакатимиз олдида турган устувор вазифаларни амалга оширишда – бу жамиятни демократик янгилаш бўладими, иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият соҳаларини ривожлантириш бўладими – буларнинг барчасини мужассам қилиб айтганда, Ўзбекистонимиз эришган ва дунё ҳамжамияти тан олаётган марраларни эгаллаш йўлида бутун халқимиз қатори аёлларимизнинг ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳиссаси борлигини бугун яна бир бор чуқур миннатдорлик билан эътироф этишини зарур деб биламан”.*

Бу табрикда кўмита амалга оширган фаолиятни холис баҳолаш билан бирга, келгусида қилиниши зарур бўлган ишлар, амалий йўналишлар ҳам белгилаб берилди. Хусусан, мана бу сўзлар барчамизни хушёрликка, янада фаолроқ бўлишга ундайди: *“Ҳозирги вақтда дунёда ва минтақамизда вазият тобора кескинлашиб, ўзаро қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган бир шароитда оилаларда, маҳаллаларда фаол иш олиб бориш, ёш авлодимизни турли зарарли оқим ва таъсирлардан сақлаш, азал-азалдан халқимизга мансуб бўлган инсоний фазилатларни асраш қандай муҳим аҳамият касб этаётганини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз”.*

Биз бугун биз ўта таҳликали ва қалтис замонда яшайпмиз. Ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек сақлашимиз зарур. Миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада

мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш бугун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу ҳар биримиз чуқур ҳис этишимиз даркор.

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган, яқин ва узоқ кўшилларимиз билан дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш бўйича ёндашув ва қарашларининг мазмун-моҳиятини ҳар бир фуқаро теран англаши лозим. Шунинг ҳам унутмаслигимиз керакки, бугунги тинчлик-осойишталик ўз-ўзича таъминланаётгани йўқ.

Ҳар қандай тараққиёт давлат ва халқнинг жипслиги натижасидагина юз беради. Мана, Украинадаги аҳволни олинг. *Бу ерда юз бераётган воқеа-ҳодисалар бу ердаги ривожланишни ортга суриб ташламайди*, деб ким кафолат беради?

Президент қароридан тўғри қайд этилганидек, *“биз мустақиллик йилларида қандай оғир ва машаққатли синовлардан ўтиб, мисли кўрилмаган ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси замирида фақатгина халқимизнинг фидоий меҳнати, чидамлилиги, олижаноблиги ва бағрикенглиги, матонати ва жасорати, эртанги кунга мустаҳкам ишончи мужассам эканини теран”* фаҳмлаб олишимиз зарур.

Ягонасан, муқаддас Ватаним!

Севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Чунки Ватандан азизроқ макон йўқ бу дунёда.

Чунки Ер юзида Ўзбекистонимиз – яккаю ягона, биз у билан ҳар қанча фахр-ифтихор қилсак ҳам, кам. Бунга унинг бой ўтмиши ҳам, равақ топаётган бугуни ҳам, порлоқ келажаги ҳам тўла асос беради.

ИСТИҚЛОЛ ИШҚИ

*Кўҳна тарих зулматида кўкка нур сочган,
Шарқни Фарбга боғлаб, Буюк ипак йўл очган,
Эзгуликка жон фидою ёмондан қочган,
Савоб излаб умр бўйи елгану шошган,*

***Ифтихорим, ихтиёрим, оримсан, Ватан,
Қадр-қиммат, таянчимсан, боримсан, Ватан!***

*Кечмишингда баланду наст замонлар кўрдинг,
Ҳам доврўқли, ҳам аламли ҳар онлар кўрдинг,
Юртим дея адо бўлган не жонлар кўрдинг,
Охирида дориламон омонлар кўрдинг,*

***Юз йилларки истиқлолга зоримсан, Ватан,
Қадр-қиммат, таянчимсан, боримсан, Ватан!***

*Жайхун бўлиб, Сайхун бўлиб, ўшқириб оққан,
Не-не душман юрагида лахча чўғ ёққан,
Қон тўлса ҳам дарёсига, умидвор боққан,
Чечак асраб, гул ундириб чаккага тоққан,*

***Осмон ўпар тоғларда оқ қоримсан, Ватан,
Қадр-қиммат, таянчимсан, боримсан, Ватан!***

*Яратганни ёрлақай, яратгувчимиз,
Олам аҳли назарини қаратгувчимиз,
Биз азалдан маънавият таратгувчимиз,
Душман чиқса йўлимиздан, қийратгувчимиз,*

***Бунёдимсан, зурёдимсан, коримсан, Ватан,
Қадр-қиммат, таянчимсан, боримсан, Ватан!***

*Қимирлаган қир ошади, деган нақл бор,
Осилсанг гар, осил, дейди, қуриб баланд дор,
Юксакликни кўзлаганга Тангри мададкор,
Ҳам элу ҳам юрт бизга ҳам Юртбош ифтихор,*

***Лайлак, турнам, баландпарвоз соримсан, Ватан,
Қадр-қиммат, таянчимсан, боримсан, Ватан!***

*Ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, эмасмиз ҳеч кам,
Ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам, чекмаймиз ҳеч гам,
Имконият қўлимизда, эл тақдири ҳам,
Бир мушт каби бирлашганмиз, бўлиб жамулжам,*

***Буюк карвон йўлида зўр норимсан, Ватан,
Қадр-қиммат, таянчимсан, боримсан, Ватан!***

ЭЙ ГЎЗАЛ МАЪВОМ

*Истиқлол муборак, боғу бўстони,
Бутун олам аро мангу достони,
Пойқадам босарга тилло остони,*

***Эй азиз тупрогим, бошида осмоним,
Эй маъвом, эй гўзал Ўзбекистоним!***

*Ҳар кесак бағрида асрагай бир дур,
Осмонга таралар туну кун бир нур,
Ҳурлар ичра бўлган кундир бугун ҳур,*

***Эй азиз тупрогим, бошида осмоним,
Эй маъвом, эй гўзал Ўзбекистоним!***

*Иймоннинг ул саҳиҳ дурдона сўзи,
Башарнинг фалакка қадалган кўзи,*

*Кўринг, бек бугун у ўзига ўзи,
Эй азиз тупрогим, бошида осмоним,
Эй маъвом, эй гўзал Ўзбекистоним!*

*Сенгадир вобаста бу тан – баданим,
Момик пахтанг бўлар ҳамроҳ кафаним,
Ягонам, муқаддас, она Ватаним,
Эй азиз тупрогим, бошида осмоним,
Эй маъвом, эй гўзал Ўзбекистоним!*

*Сендайин топмадим олам нақшида,
Порлагин тоабод Қуёш раҳида²,
Севги-садоқатим сенга бахшида,
Эй азиз тупрогим, бошида осмоним,
Эй маъвом, эй гўзал Ўзбекистоним!*

²Раҳи – нур.

МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

(Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби мазмун-моҳияти)

Халқимизда: “*Ҳеч нарса беҳикмат эмас*”, – деган доно нақл бор. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига ҳам шу нуқтайи назардан ёндашсак, бу буюк неъмат бизга ўз-ўзича насиб этмаганини дилдидан ҳис қиламиз.

Халқимиз ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришган санасини муқаддас билиб, муносиб тарзда катта тантаналар билан кенг нишонлайди. Чунки бу бизнинг, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “*энг улуг, энг азиз*” байрамимиз ҳисобланади.

Ҳар йили бу байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида махсус қонуности ҳужжати имзоланади. Ҳар йили мамлакатимизда бу байрамни унинг мазмун-моҳиятини теран ифодаладиган муайян бир шиор остида ўтказиш ўзига хос анъанага айланиб улгурди. Ҳар йили шу байрам муносабати билан босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни бир сидра сарҳисоб қилиб оламиз, бундай ютуқ ва марраларга қандай оғир ва машаққатли меҳнатлар эвазига эришганимизни яна бир қарра кўз ўнгимиздан ўтказамиз.

2013 йил 12 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” ПҚ-1984-сон қарори имзоланди. Бу ҳужжатда байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқланди. Республика ва ҳудудий комиссияларга Мустақиллик байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган, “*Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!*” деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

Қарорда оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш вазифаси ҳам юклатилди.

Юртимизда бу байрам кенг ва муносиб нишонланди.

Истиклол – узоқ тарихга эга. Амалда миллий озодликка эришиш учун кураш чор армияси юртимизга ҳужум қилган дастлабки кундан бошланган.

Аммо 1989 йилнинг 23 июнидан, яъни мухтарам Ислом Каримов Ўзбекистонимизга раҳбар бўлиб келган кундан эътиборан бу кураш ўзининг сўнгги ҳал қилувчи палласига кирди. Шу кундан истиқлол ҳафта, ой, фасл, йил эмас, кун сайин яқинлаша борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мухтарам Ислом Каримовнинг 2011 йилдан буён халқ орасида атрофлича муҳокама этилаётган “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби айнан Ўзбекистон раҳбарининг мустақилликка эришиш йўлида жонини жабборга бериб олиб борган жасоратли, мардона, оқилона фаолияти билан атрофлича танишиш имконини беради.

Бу китоб – тўплам. У, “Сўзбоши ўрнида” сарлавҳаси билан берилган кириш мақоладан ташқари, жами 35 материални ўз ичига қамраб олган. Бу материаллар Ислом Каримовнинг икки ярим йилдан салгина ошиқроқ даврдаги фаолиятини кўрсатади. Шундан икки йилу икки ойи мустақилликкача бўлган, тўрт ойи эса – истиқлолга эришганимиздан кейинги муддатга тегишли. Чунки бу китобга Ислом Каримовнинг икки ярим йиллик (1989 йил 24 июндан – 1992 йил 4 январигача бўлган давр) фаолиятидаги чиқишлари, унинг ташаббуси билан қабул қилинган айрим қонунлар ва қонуности ҳужжатлари киритилган.

Назаримизда, тўпламдан ўрин олган ҳар бир чиқишда бўртиб кўринадиган икки муҳим фазилат бор: биринчиси – сиёсий арбобнинг таҳлил салоҳияти, икинчиси – унинг нотиклик маҳорати. Китобни шу икки масала юзасидан кузатган киши талай янги хулосаларга келиши мумкин.

Ислом Каримов ўта мураккаб бир пайтда, яъни 1989 йилнинг 23 июнида республикага раҳбар бўлди. Ана шу қалтис даврнинг ўзи Ўзбекистон раҳбаридан республика ҳаётини, унинг йиллар мобайнида йиғилиб қолган муаммо ва ташвишларини, Иттифокдаги ўрни ва мавқеини, халқнинг дардини теран таҳлил қилиб, тезроқ тўғри ечимлар топишни тақозо этар эди.

Китобдаги “Сўзбоши ўрнида” деб берилган кириш мақолада тўғри таъкидланганидек, *“юртимиздаги гоаят қалтис ва носозлом вазият, озгина учқун чиқса, бутун республика ловуллаб ёниб кетадиган, тўғри йўлни топиш ўта мураккаб бўлган бир шароитда инқироздан чиқиш, Ўзбекистоннинг тақдири ва келажакини ҳал этадиган энг муҳим масалалар бўйича улкан донишмандлик ва жасорат билан баён этилган концептуал ёндашувлар, амалий фикр-мулоҳазалар, хулоса ва таклифлар”*ни³ илгари суриш учун айнан республикага раҳбарлик қилаётган сиёсий арбоб кучли таҳлил салоҳиятига эга бўлиши лозим эди.

Халқимиз ўтмиши, жумладан, Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришиш арафасидаги тарихини ҳам яхши билиши, бунинг учун мухтарам Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида акс этган жараёнларни таҳлил этиб, мағзини чақиши лозим.

³Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2011. 4-бет. Бундан кейин шу китобдан олинган парчаларнинг саҳифаси қавс ичида бериб берилади.

Шунда бу буюк неъматнинг қадрига етишимиз, бугунги мутараққий кунларнинг шукронасини қилишимиз, истиқлол асосчиси муҳтарам Ислом Каримовнинг буюк хизматлари аҳамиятини янада теранроқ англашимиз осонлашади.

“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби билан танишган киши 1989 йилнинг 23 июнидан 1991 йилнинг 31 августига қадар мамлакатимизда мустақилликка эришиш йўлида кетма-кет ва изчил қадамлар ташлангани, ўтган ана шу шу икки йилу икки ойдан ошиқроқ давр мобайнида Ўзбекистонимизни қадам-бақадам истиқлол сари яқинлаштира борганини тушуниб олади.

1990 йилнинг 24 мартада ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида Ислом Каримов ЎзССР Президенти сифатидаги вазифаларини аниқ-тиник ифодалаб берар экан, жумладан, мана бу мақсадларни илгари сурди:

“1. Ўзбекистон ССРнинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, уни янги ва ҳаётий мазмун билан бойитиш (150-бет)...

2. Президент бошқарувининг муҳим вазифаларидан бири республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўзини ўзи идора қилишга ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишини таъминлашдир” (153-бет).

1990 йилнинг 16 июнида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республиканинг иқтисодий мустақилликка ва бозор иқтисодиётига ўтиши масалалари муҳокамасига бағишланган кенгаш бўлиб, унда Ислом Каримов нутқ сўзлади. Республика раҳбари масалани ўшандаёқ: *“Биз учун асосий йўналиш, барча вазифаларни ҳал этиш калити – Ўзбекистоннинг реал сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашдир” (234-бет), – тарзида кўйди.*

Шу нутқдаги мана бу сўзларда эса республикани мустақил давлатга айлантириш ҳаёт тақозоси экани аёнлашади: *“Бир томондан, бизни, Ўзбекистон – суверен давлат, деб ишонтириб келдилар ва ҳозир ҳам ишонтирмоқдалар. Бу гап, ҳатто, СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига ёзиб қўйилган. Бироқ, иккинчи томондан, Иттифоқ идораларининг сон-саноксиз низомлари ва йўл-йўриқлари республиканинг қўл ва оёғини бозлаб қўйганлиги – ҳар бир кишига аён. Биз, ҳатто, бир ёки икки минг тонна пахта толасини бир неча Иттифоқ идораларининг ижозатисиз ўз билганимизча сота олмаймиз” (239-бет).*

Бу воқеалар таҳлилисиз истиқлол тарихини мукамал тасаввур қилиш – амри маҳол.

Жами икки ярим йиллик муддатнинг икки йилу икки ойи мустақилликкача, тўрт ойи эса мустақилликнинг дастлабки даврига тўғри келади. Ана шу даврда, шартли равишда айтиш мумкинки, Ўзбекистонимизда қуйидаги бурилиш нуқталари юз берди:

1. 1989.23.06. Ислом Каримов Ўзбекистонга раҳбар бўлди.

Маълумки, 1989 йилнинг май ойида Фарғона вилоятида бузғунчи кучлар томонидан ташкил этилган оммавий тартибсизликлар июннинг

охирига келиб ниҳоятда авж олиб кетган эди. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов иш бошлаганининг эртасига, яъни 24 июнь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Фарғона водийси областларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашида нутқ сўзлади. Бу нутқ – китобдаги биринчи материал. У *“Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашига замоннинг ўзи йўл қўймайди”* (32 – 45-бетлар) деган сарлавҳа билан босилган. Бундан кўриниб турибдики, Ислом Каримов республикага раҳбарлик қилишининг биринчи кунидан Ўзбекистон ҳаётини ўзгартиришга, бу борада туб бурилиш қилишга киришди. Ҳали шўро давлати мустаҳкам турган бир даврда ярим мустамлака ҳолатидаги республика раҳбарининг масалани шу тарзда дадил қилиб қўйишининг ўзи бир жасорат эди.

Шу нутқида у, жумладан, шундай дея таъкидлади: *“Биз одамларни ташвишга солаётган масалаларни ҳал қилишга киришганимизни улар амалда ҳис қилиши лозим. Бугунги мажлис шу йўлдаги биринчи қадам бўлиб хизмат қилиши керак”* (44-бет). Республика раҳбари яна: *“Бугун фавқулодда заъриоддий йўллари топиб, тараққиётимиз истиқболлари тўғри белгилаб олишимиз зарур”* (45-бет), – деди.

Ҳақиқатан, амалда бу кенгаш ва унда республика раҳбарининг нутқи тарихга мустақиллик сари ташланган биринчи дадил қадам бўлиб кирди. Шундан бошлаб республика ҳаётининг турли масалаларида *“фавқулодда заъриоддий йўллари”* топилиб, изчил тарзда дадил қадамлар ташлана борди.

1989 йилнинг 19 августида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида сўзлаган нутқида Ислом Каримов Ўзбекистонимиз учун ўта долзарб бўлган бир масалани, яъни аҳолига уй-жой қуриши, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириши учун ер бериш муаммосини кўтарди. Бу ғоянинг нақадар долзарб эканини атрофлича исботлаш учун ҳаётнинг ўзига суяниб, таҳлилий фикрлар билдирди: *“Шахсий хўжаликдаги ернинг бир гектари жамоат секторидагига нисбатан тўрт баробар кўп самара беради”* (57-бет). Ҳолбуки, ўша пайтларда республикадаги ҳайдаладиган ерларнинг атиги 5 фоизигина шахсий ёрдамчи хўжаликларга берилган, аммо улар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқармоқда эди. Бу эса тезроқ аҳолига ер беришни тақозо этар эди, албатта. Шундай қилинди ҳам. Мустақилликдан олдин муҳтож аҳолига ер ажратилгани амалда ҳозиргача ҳам, хусусан, истиқлолнинг дастлабки йилларида кечган мураккаб даврларда юртимизда озиқ-овқат муаммосини ҳал этишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилди. Очиғини айтганда, бугунги бозорларимизнинг тўқинлиги қисман айнан ана ўша пайтда оқилона сиёсат амалга оширилгани, яъни аҳолига ер берилганининг ширин мевалари ҳам ҳисобланади.

2. 1989.21.10. “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинди.

Ўтган аср 80-йилларининг охирларида республика аҳолисининг 75 фоиздан ошиқроғи ўзбек миллатига мансуб эди. Бу ердаги барча туркий миллатлар, яъни қорақалпоқлар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар, татарлар, бошқирлар, месхети турклар, озарбойжонлар ва бошқалар,

шунингдек, тожиклар, Бухоро яҳудийлари, эронийлар вакиллари, русийзабон аҳолининг ҳам бир қисми ўзбек тилини билгани ҳолда давлат тили рус тили эди. Юқори доираларда буни қонуний деб биладиган тоифа ҳам катта қисми ташкил этар эди. Кейин оммавий ахборот воситаларида икки тилни давлат тили деб эълон қилиш ғояси билан чиқадиганлар ҳам топилди. Зиёлилар давраларида бунга қарши норозилик кучайди. Халқ вакиллари, хусусан, зиёлилар ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишини талаб этишдан чарчамади. Собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларида бўлгани каби, бизда ҳам республикага ном берган миллат тили давлат тили бўлиши талаб қилина бошлади.

Дастлаб расмий доиралар вакиллари оммавий ахборот воситалари орқали махсус чиқишлар қилиб, рус тилисиз тараққиёт бўлмаслиги, шунинг учун бу тил давлат тили сифатида қолиши кераклиги ҳақида сўзлашди. Ҳатто, бир таниқли олим айнан рус тилини билгани учун академик бўлгани, акаси эса рус тилини биламагани учун қишлоқда оддий ўқитувчи бўлиб юрганини ҳам уялмай гапирди. Ҳолбуки, қишлоқда ўзбек фарзандларига ўз тилида таълим бериб юрган муаллимни бундай камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эди.

Кейин вазият бир оз ўзгарди. Энди ана ўша расмий доиралар тарафини олаётганлар Ўзбекистонимизда ҳам рус, ҳам ўзбек тили давлат тили бўлишини айтиб чиқа бошлади.

Вазият яна ўзгарди. Энди расмийлар ўзбек тилини *давлат тили* деб эълон қилиб, рус тилига *миллатлараро алоқа воситаси* мақоми берилиши масаласини кўтаришди.

Ислом Каримов республикага раҳбар бўлиб келгандаги ҳолат шундай эди. Вазият кескин ўзгарди – зиёлилар билан расмий доиралар тарафдорлари ўртасидаги зиддиятга батамом барҳам берилди. Масала муайянлаштирилди: модомики, аҳолининг 75 фоиздан ошиғи ўзбеклардан иборат бўлса, модомики, яна 15 фоиз аҳоли бу тилни яхши билса, нима учун 90 фоиз аҳолининг тили эмас, 10 фоизни ташкил этадиган гуруҳнинг тили давлат тили бўлиши керак?! Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилади, вассалом!

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши амалда мустақиллик сари ташланган жуда катта бир дадил қадам эди. Бу моҳиятан республикада миллий кадриятларга муносабат тубдан ўзгарганидан ҳам далолат берар эди.

1989 йил баҳорида қадимий байрамимиз Наврўзга нисбатан қандай ҳужумлар бўлганидан ҳаммамиз хабардор эдик. Аммо 1990 йилга келиб республиканинг янги раҳбари Наврўзни умумхалқ байрами – дам олиш куни сифатида катта тантана билан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. СССР таркибида туриб, бир кунни дам олиш куни сифатида байрам қилиш, аслида, раҳбардан жуда катта жасорат талаб этар эди. Халқ бундай дадил қадамлар орқали истиқлол яқинлашаётганини ҳис этиб бораётган эди.

Шу тариқа 1989 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган “Давлат тили ҳақида”ги қонун истиқлолга яқинлаштирган энг муҳим қадамлардан бири

бўлди. Шундан кейин халқ қалби ва онгида ўз тақдирини ўзи белгилаши мумкинлигига комил ишонч пайдо бўлди ва кучая борди.

3. 1990.24.03. ЎзССР Президенти лавозими жорий этилди.

1990 йилнинг 24 мартида иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб бизда Ўзбекистон ССР Президенти лавозими жорий этилди. Бу республикамиз учун суверенитет ва давлатчиликда принцип жиҳатдан янги босқичга ўтилганини билдиради эди.

Собиқ Иттифоқ ҳар тарафлама инқироз ботқоғига ботиб бораётган ўша йилларда бошланғич синфлар ўқувчиларини бепул овқат, ҳомиладор бемор аёлларни эса қўшимча, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш жорий этилгани ҳам республикада сиёсат биринчи навбатда инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалишига қаратилганидан далолат беради эди.

Аввало, иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб бизда Президентлик лавозими жорий этилгани ўзига хос жасорат эди.

Қолаверса, Президентлик лавозимининг Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети биринчи секретари лавозимидан кескин фарқи бор эди. Биринчи секретарь бирон-бир масалада қарор қабул қилиш учун мустақил эмас эди. У масалани аввал Марказий Комитет, лоақал, унинг Сиёсий Бюроси аъзолари муҳокамасига қўйиб, кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватланганидан кейингина қарор қабул қила олар эди. Президент эса унга берилган ваколат доирасида яқка ҳолда қарор қабул қила олар эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ССР Президенти айрим масалаларда СССР Президентига маслаҳат қилиб ўтирмасдан ҳам қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эди. Бу эса амалда мустақиллик сари ташланган яна бир катта дадил қадам ҳисобланади эди. Иккитагина мисол келтириш билан бу масалага ойдинлик киритиш мумкин. Масалан, ЎзССР Президенти Ислом Каримов ҳали давлат мустақиллигига эришмасимиздан олдин 1991 йилни Ўзбекистонда “Навоий йили” деб эълон қилган эди. 1991 йилнинг 17 – 19 август кунлари тарихда илк бор ЎзССР Президенти мустақил равишда Ҳиндистонга расмий сафар қилди.

Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойида Ислом Каримов сўзлаган нутқ “Халқ сўзи”нинг ўша йилги 27 март сонидида *“Мустақиллик – энг аввало, халқ бирлиги ва ҳамжиҳатлигидир”* деган сарлавҳа остида эълон қилинди. Шу нутқда Иттифоқ тарихида биринчи марта сиёсий минбардан туриб *“улуғ ўзбек халқи”* эпитети қўлланди: *“Сизларни ишонтириб айтаманки, улуғ ўзбек халқининг қаддини, албатта, ростлаб оламиз, руҳини кўтарамиз, гурурини тиклаб, олдимишга қўйилган мақсадга эришамиз, албатта”* (-бет).

Истибдод даврида руҳи топталган, қадди букилган халқ учун республика раҳбарининг бундай даъватлари қанчалар муҳим кучга эга бўлганини бугун ҳис этиш, тасаввурга келтириш унчалар қийин эмас. Чунки биз бугун бу ваъдаларнинг вафосини кўриб, бу сўзларнинг ҳаётий исботига гувоҳ бўлиб турибмиз.

4. 1990.20.06. Мустақиллик Декларацияси қабул қилинди.

Бу ҳужжат мустақиллик тарихида айрича ўрин тутади.

Биринчидан, мустақилликка эришишимиздан 1 йилу 2 ой олдин истиқлолнинг ҳуқуқий пойдевори қўйилган.

Иккинчидан, Декларациянинг 4-бандида СССР парламенти қарорларини кўр-кўрона ва мутеларча қабул қилиш анъанасига чек қўйилган: *“СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланганидан кейингина Ўзбекистон ССР ҳудудида кучга эга бўлади”* (232-бет).

Учинчидан, Декларациянинг 8-бандида республика олдида тамоман янгилашиш вазифаси қўйилади: *“Ўзбекистон ССР ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этади”* (ўша бет). Ҳолбуки, Ўзбекистон ССРнинг ўша пайтда амалда бўлган байроғи ҳам, герби ҳам, мадҳияси ҳам бор эди.

Тўртинчидан, Декларациянинг 10-бандида республика парламентида мустақилликка эришиш учун зарур бўлган қонунлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилади: *“Ўзбекистон ССРнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти Ўзбекистон ССР давлат мустақиллигини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқади, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ва иқтисодий системалари таркибини ва қурилишини белгилайди”* (ўша бет). Бу амалда республика ўз йўлини ўзи белгилаши учун бир йўл очиш эди.

Бешинчидан, Декларациянинг 11-бандида республикада илк бор социализмдан воз кечилгани, ўрнига янги тузум барпо этишга киришилаётгани эълон қилинган: *“Ўзбекистон ССР Олий Совети умумхалқ муҳокамаси асосида демократик ҳуқуқий давлат тузишга қарор қилганини билдиради. Ўзбекистон ССРда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қонуний, сиёсий, иқтисодий, этник, маданий ҳуқуқларига ҳамда она тиллари ривожлантирилишига кафиллик беради”* (232 – 233-бетлар). Демократик ҳуқуқий давлат тузиш дегани амалда социализмдан воз кечишни англатади.

Олтинчидан, ушбу Декларациянинг 12-бандида унинг республика янги Конституциясини ишлаб чиқиш учун асос бўлиши қайд этилган.

Истиқлолга интилиш ҳаракатлари ана шу “Мустақиллик Декларацияси”ни қабул қилишга олиб келди.

Ислом Каримовнинг 1991 йил 12 июнида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқи матбуотда *“Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташиқлотига аъзо бўлишига аминман”* (330 – 343-бетлар) деган умидвор сарлавҳа билан чоп этилди. *“Ўзбекистон – мустақил республика, унинг ўзи танлаган йўли бор”* (338-бет), – дейилди ўшанда. Бу гаплар: *“Ўзбекистон – мустақил давлат”*, – дейиш учун жуда оз фурсат қолганидан далолат бериб турар эди.

1991 йил августининг сўнгги икки ҳафтасида Ўзбекистонимизда истиқлол эришиш иштиёқи шунчалар ошиб, жараёнлар шу қадар жадаллашдики, соатлар кунларга, кунлар ойларга тенг бўлди гўё.

17 август куни Ислом Каримов Ҳиндистонга жўнаб кетган, бу Ўзбекистон ССР Президентининг хорижга қилган биринчи мустақил – тарихий ташрифи эди.

18 август куни ўзини *Давлат фавқулодда ҳолат қўмитаси – ГКЧП* деб атаган бир гуруҳ сиёсий авантюристлар давлат тўнтаришини амалга оширишга уринди. ГКЧПнинг ноқонуний қарорларини қўллаб-қувватлаган раҳбарлар юртимизда ҳам топилди.

Аммо Ислом Каримов 19 август куни зудлик билан Ҳиндистондан қайтиб, аэропортдан тўғри ҳукумат биносига келиб, кечкурун ҳукумат аъзолари билан учрашди ҳамда Ўзбекистон ССР ҳудудида ГКЧПнинг қонунга зид қарорларини бекор қилиш ҳақида кўрсатма берди.

20 август куни Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов республика аҳолисига мурожаат билан чиқди. Бу ҳужжатнинг икки муҳим нуқтасини келтиришнинг ўзиёқ ўшандай ўта қалтис бир вазиятда қандай оқилона йўл тутилганини билиб олиш мумкин: *“Бошимизга тушган бу синовлар, ноаниқ давр ва шароитдан, авваламбор, ақл ва идрокимизни бир жойга йиғиб, инсоф ва виждонни йўқотмасдан, саросимага тушмасдан чиқишимиз керак”* (365-бет); *“Шундай оғир синовдан ўтаётган бир пайтда халқимиз сабр-тоқат ва бардош билан, вазмин бўлиб, тинчликни сақлаш мақсадида жипслашиши керак. Бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш керак. Тинчликни бузаётган, ўз манфаатини кўзлаётган ҳар хил шахсларга, муттаҳамларга қулоқ солмасдан, халқимиз ўзи танлаган йўлдан қолмаслиги керак”* (368 – 369-бетлар).

21 августда эса Ўзбекистон ССР Президентининг махсус фармони имзоланиб, унда, жумладан, қатъий тарзда: *“СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг СССР Конституцияси ҳамда қонунларига зид келадиган қонунлари ҳамда фармонлари ҳақиқий эмас, деб ҳисоблансин”* (24 – 25-бетлар), – деб белгиланди.

25 августда Ўзбекистон ССР Президентининг фармони қабул қилиниб, унга кўра республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинди, СССР Ички ишлар вазирлигининг республика ҳудудида жойлашган ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилди. Шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига жуда қисқа муддатда Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаб, уни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси муҳокамасига тақдим этиш таклиф қилинди.

28 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленумидаги маърузасида Ислом Каримов, жумладан, партия номини ўзгартириш тўғрисидаги масалани ўртага қўйди.

29 августда Ўзбекистон ССР Президентининг “КПССнинг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги мулки тўғрисида”ги фармони имзоланиб, унга кўра, *КПССнинг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги бутун мулки республика мулки, яъни умумхалқ мулки* (392-бет) деб эълон қилинди.

5. 1991.31.08. *Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинди.*

Нихоят 31 август куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди, у шу куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги қонун билан мустаҳкамланди. Президент Ислон Каримовнинг шу сессияда сўзланган тарихий нутқи “Мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади” (393 – 404-бетлар) деб номланган.

Бу тарихий нутқ шундай жарангдор сўзлар билан якунланади:

“Мен шу бугундан эътиборан 1 сентябрни республикамызда Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман.

Бу байрам сизга, халқимизга муборак бўлсин, азиз юртошларим!

Бу байрам абад ул-абад бўлсин!” (404-бет).

6. 1991.18.11. *Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинди.*

БМТда Ўзбекистон байроғи тикилган 1992 йилнинг 2 марти куни эса Америкада яшаётган қанчадан-қанча туркистонлик БМТ Бош Ассамблеяси биноси олдига тўпланди. Баъзи ҳамюртларимиз ҳаддан зиёд қаттиқ ҳаяжонларини яширолмай, ўпкалари тўлиб, дил сўзларини изҳор этишди.

Уларни нима бунчалар қувонтирди экан, дерсиз? Ўзбекистон байроғи кўтарилганда ватандошларимиз ҳаммадан кўра кўпроқ қарсак чалишди, худди байрам кунлари мушаклар осмонга отилганда болалар қувончларини қий-чувлашиб ифодалагандек, туркистонликлар тўдаси узра шовқин-сурон кўтарилди – ҳамма бир-бирини қутлаган, кучоқлаган, қалб тугёнлари бевосита тилга чиққан эди...

Уларни ҳаддан ортиқ хушнуд этган нарса – Ўзбекистонимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ўз МИЛЛИЙ БАЙРОҒИ билан боргани бўлди.

Шунда мазкур нуқтада ҳам Ўзбекистон янги мустақил бўлган қўшни давлатларга нисбатан аввалқадамлик қилгани аён бўлди. Чунки Марказий Осиёнинг БМТга ўша куни аъзо бўлган бошқа давлатлари ўзининг шўро давридаги ўроқ-болғали эски қизил байроғини кўтариб борди-да. Улар кейин миллий байроғини қабул қилиб, алмаштириб қўйишди.

7. 1991.29.12. *Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти сайланди.*

Ислон Каримов Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти этиб сайланганидан кейин, яъни 1992 йилнинг 4 январиди инаугурация маросими ўтказилди. Яъни Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IX сессиясида қасамёд қабул қилди. Сессиядаги унинг тарихий маърузасида истиқлолнинг бор-йўғи тўрт ойгина бўлган даврида эришган оламшумул ютуқларимиз бир-бир саналди. Маъруза “Ўзбекистон дунё харитасида ўзига муносиб жой олди” (425 –

435-бетлар) сарлавҳаси остида чоп этилган. Бу “Ўзбекистон мустақилликка эришиши остонасида” китобидаги сўнгги, яъни 35-материал.

Фанда таҳлил орқали хулосага келинади, хулосалар тавсияга айланади. Афсуски, ҳаёт ҳамиша ҳам илмнинг хулоса ва тавсиялари билан бақамти юравермаслиги мумкин. Аммо сиёсий арбобнинг таҳлил ва хулосалари тавсиялар билангина чекланиб қўя қололмайди. Бу ерда энди *таҳлил – хулоса – ижро* вобасталиги юз беради. Чунки давлат раҳбари зиммасига ҳаёт тарзини бутунлай ўзгартириш, халқ турмушини буткул яхшилаш, уни бир ҳолатдан иккинчисига олиб ўтиб, уни янги замон талаб этаётган юқори даражага кўтариш масъулияти юкланган бўлади.

Агар “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини шу жиҳатдан таҳлил этсак, бунга кўп бор амин бўламыз.

1990 йилнинг 20 январида Тошкент шаҳри фаоллари йиғилишида сўзлаган нутқида Ислом Каримов масалани: *“Тошкентни юксак маданият шаҳрига айлантиришимиз керак, замондошларимизгина эмас, фарзандларимиз ва набираларимиз ҳам у билан ҳақли равишда фахрланадиган бўлсинлар”* (96-бет), – деган тарзда кўндаланг қўйди. Пойтахтимиз тарихига *“жаҳон тарихининг бир қисми”* сифатида қараш лозимлиги уқтирилди. Бу ҳам амалда, *шу муқаддас юрт, унинг ҳар бир шаҳри ёки қишлоғи – ўзимизники, унинг тақдири учун ўзимиз масъулмиз*, деган туйғуни уйғотди ва мустаҳкамлади. Бугун англаб етишимиз керакки, Тошкент шаҳрини дунёнинг энг гўзал пойтахтларидан бирига айлантириш ҳаракати амалда ўшандан бошланган эди.

Бу саъй-ҳаракатлар ташаббускори Ислом Каримовда республикага раҳбар бўлган кунлариданоқ вазиятга реал баҳо бериш, ностандарт қарорлар қабул қилиш қобилияти, халқнинг азму шижоати, қатъий иродаси, бағрикенглиги, бунёдкорлик кучига бўлган чексиз ишонч мавжудлигидан далолат беради. Орадан йиллар ўтиб, буни халқимиз янада теранроқ англаб бормоқда.

Ислом Каримовда бугунни тарихдан келиб чиқиб таҳлил этиш, қарорни эса эртани ҳам ўйлаб қабул қилиш салоҳияти бор. Бу айнан унинг ана шу 1989 – 1992 йиллар фаолиятида ҳам ёрқин намоён бўлади.

Ўзбекистоннинг янги раҳбари ўз фаолиятини ишга муносабатни ўзгартиришдан бошлади. Республикани бошқаришга киришганининг эртаси кунини сўзлаган нутқи *“Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди”* деган сарлавҳа остида босилган. Масалани бундай кескин тарзда қўйиш учун инкор этилаётган ҳаёт тарзининг пухтапишиқ таҳлили керак эди. Республика ҳаётининг изчил таҳлили, ўтган даврга аниқ ташхис қўйиш, аслида, ана шу илк нутқдан бошланган.

Шўро даврида республиканинг олдинги бирор раҳбари чет мамлакатни таҳлил этиб, ундан ўрнатқ олишга чақирганмиди? Шу нутқида Ислом Каримов Хитойни мисол қилиб келтиради: *“...Хитойда аҳолининг сони – биздагига қараганда бир неча баробар кўп. Лекин Хитой қандайдир йўллари топиб, бу муаммоларни муваффақиятли ҳал этмоқда”* (36-бет).

Ислом Каримов ҳар бир масала ўртага қўйилганда муаммони четдан эмас, ичдан туриб, яъни жойида, ўша ердаги вазиятни ўнглаш орқали ҳал қилиш йўлидан боришни қатъий тарзда даъват қила бошлади. Бу амалда шўро даврида маддалаб кетган маъмурий-бўйруқбозлик тизимига, жамият тараққиётига зомин бўлаётган кўзбўямачилик, ўзибўларчилик ва шу каби бошқа кўплаб иллатларга қарши шиддатли кураш эълон қилинганидан далолат берар эди.

Фарғона фожиаларини таҳлил этар экан, Ислом Каримов: *“...Агарки биз халқимизга воқеалар жиловини қўлга олганимизни ва биз масалаларни ҳал этишига ҳаракат қилаётганимизни кўрсатмасак, агарки одамлар бу борада бизга ишонмаса, ишонинглар, ҳар қандай дақиқада ва ҳар қандай жойда ижтимоий портлаш юз бериши мумкин”* (44-бет), – дейди. Ана шу матндаги *“воқеалар жиловини қўлга олмоқ”* ибораси, бугунги назар билан қаралса, амалда зимдан мустақилликка очик даъватдек жаранглаган. Чунки шўро давлати иттифоқдош республикалар раҳбарларига *“воқеалар жиловини қўлга олмоқ”* ҳуқуқини бермаган ва буни асло-асло истамас ҳам эди.

1989 йилнинг 19 августидаги нутқида иттифоқдош республика раҳбари Иттифоқдаги умумий аҳволни кўрқмай таҳлил этади:

“Кейинги вақтларда иқтисодда пайдо бўлган бир қанча салбий тенденциялар вазиятни жиддий равишда чигаллаштирмоқда. Кўпгина халқ истеъмолчи моллари тақчиллиги сезиларли равишда кўпайди. Пул тобора қадрсизланиб бормоқда. Давлат бюджетининг камомади ўсиб бормоқда. Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми анча пасайиб кетди.

Ана шуларнинг ҳаммаси социал кескинликнинг кучайишига олиб келмоқда.

Миллий масала ҳамон ўткирлигича қолмоқда. Арманистон, Озарбойжон, Грузияда, Болтиқбўйи ҳамда бошқа республикаларда можаролар давом этмоқда” (46 – 47-бетлар).

Бундай таҳлилларда сабаб ва оқибат ўртасидаги узвий боғлиқлик асло назардан қочирилмайди.

Ислом Каримов таҳлилларини бойитган энг муҳим омиллардан бири – статистика. Статистик маълумотлар тингловчининг (бу ўринда ўқувчининг) таҳлил этилаётган масала ҳақидаги тасаввурларини ниҳоят даражада муайянлаштириб юборади.

1990 йил 4 июнидаги нутқида тилга олинган мана бу маълумотлар – ҳозир ҳам аҳамиятли, чунки улар истиқлолдан олдинги аянчли аҳволимизни кўз ўнгимизга келтиришимизга ёрдам беради:

“...Республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирида турибди. ...Ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса – Иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст.

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртача Иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан иттифоқдош республикалар орасида энг охирги ўринлардан бирида турибмиз.

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман, мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамызда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмаяпти” (5 – 6-бетлар).

Китобдан бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ўша кунлари Ислом Каримов республика муаммоларини хизмат хонасида ўтириб ҳал этишдек эскича, маҳдудона (консерватив) йўлдан воз кечиб, тўғридан-тўғри халқ ичига юриш қилди. Бу эса сиёсий арбоб нутқининг халқона руҳ билан йўғрилишига олиб келди. Чунки халқни ишонтириш, уни улўғвор ишларга чоғлаш учун самимийликка интилиш ва унга эришиш керак эди. Шу тарика сиёсий раҳбарнинг ўзбек тилидаги ўзига хос нутқ манераси юзага келди, шаклланди ва тобора такомиллашиб борди.

Уч минг йиллик миллий давлатчилик тарихига эгамиз. Лоақал, 2 минг 700 йиллар илгари яратилган буюк “Авесто” китобини эсга олганимызда ҳам, маънавиятимиз тарихи ҳам камида шунчага бориши аёнлашади. Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларини қўшмай, лоақал, фақат Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”ида келтирилган туркий адабиёт намуналарини Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”ини инобатга олганда ҳам, бизда қоғозда муҳрланган камида минг йиллик сўз санъати бор.

Лекин тарихга суяниб, дадил айтиш мумкинки, 1920 – 1924 йилларда фаолият олиб борган Бухоро Халқ Республикасида туркий (ўзбек) тили давлат тили деб эълон қилинганини ҳисобга олмаганда, 1989 йилнинг 21 октябригача ҳеч қачон ўзбек тили юртимизда давлат тили мақомига эга бўлмаган. Шу ҳам бевосита муҳтарам Ислом Каримов ташаббуси ва у дадил туриб бошлаган сиёсат билан чамбарчас боғлиқ ҳодиса сифатида юз берган эди.

Шунинг учун, очик тан олиш керакки, тарихда ҳеч қачон замонавий тушунчадаги ўзбек сиёсий тили шаклланган эмас. Ҳусайн Бойқаро туркий тилда адабий асарлар ёзиш ғоясини илгари сурди, ўзбек шоирларига бу борада оғзаки топшириқлар берди, ўзи ҳам ўзбекча шеърини девон тузди. Навоий бу буюк мақсадни ҳадди аълосида амалга оширди. Аммо Ҳусайн Бойқаро бошқарган Хуросон давлатининг ҳам расмий тили форсий тил эди. Форсийда давлат ишларини юритиш анъанаси Кўқон ва Хива хонликлари, Бухоро амирлигида ҳам давом этди.

Гарчи шўро замонида ўзбек тилида сиёсий руҳдаги жилд-жилд китоблар, минг-минг ҳужжатлар чоп этилган бўлса-да, булар, асосан, русчадан таржималар эди, холос. Боринги, шўро замонининг биз гувоҳ бўлган сўнги йиллари, аниқроғи, 1889 йилгача бўлган даврида Ўзбекистонга раҳбар бўлганларнинг деярли барча чиқиши, Ўзбекистон Коммунистик партияси ва республика ҳукуматининг аксар ҳужжатлари аввал рус тилида тайёрланиб, амалда оммавий ахборот воситалари учунгина ўзбек тилига ўтирилар эди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Раёсати мажлислар залининг забони бўлса, айтсин, 1984 йили ўзбек тили ва адабиётини тадқиқ этишга ихтисослашган жаҳондаги ягона илмий даргоҳ – Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига орден топшириш маросимида ўша пайтдаги республика раҳбари ҳам, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ҳам, Институт директори ҳам, бошқалар ҳам рус тилида сўзлаган эди. Ўзбек тили ва адабиёти тадқиқига бағишланган диссертацияларни ҳам рус тилида ёзиб, рус тилида ёқлашга мажбур эдик.

Ушбу сатрлар муаллифи 1985 йили Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ диссертациясини ҳам рус тилида ёқлаган. Ҳолбуки, ихтисослашган илмий кенгаш аъзоларининг аксарияти ўзбек, кенгаш аъзоси бўлган биргина Нинель Васильевна Владимировани айтадиган бўлсак, у киши ўзбек тилини унча-мунча ўзбекдан яхшироқ билар, ўзбек адибларининг кўплаб асарларини илмий таҳлил қилган олима ва русчага ўтирган моҳир таржимон ҳам эди.

Марҳум Шароф Рашидов – шундай ўзбек ёзувчиси ҳам бир йилда фақат бир бор, яъни қиш ойларида Тошкентдаги Санъат саройида ўтадиган қишлоқ хўжалиги ходимлари курултойидагина ўзбекча чиқиш қилар эди, холос.

Аччиқ ҳақиқат шуки, фақат таржима орқалигина бирон-бир халқ тарихида чинакам сиёсий тил пайдо бўлмаган, пайдо бўлмайди ҳам. Боз устига, давлат тили мақомига эга бўлмаган бирон-бир тил ҳеч қачон ростакамига сиёсий тилга айлана олмаслиги – *“Икки қарра икки – тўрт”*, – деганчалик муқаррар.

Ана шундай бир шароитда – 1989 йилнинг 23 июнидан, яъни муҳтарам Ислон Каримовнинг Ўзбекистонга раҳбар бўлган кунидан ўзбек тилининг сиёсий тилга айланиши жараёни ниҳоят даражада жадаллашиб кетди.

Биринчидан, тузум, шунга мутаносиб равишда эса дунёқараш ўзгаргани туфайли шўро даврида таржима тили сифатидагина шаклланган ўзбек сиёсий тилидаги кўп тушунча ва сўзлар амалдаги сиёсат тилидан “сиқиб чиқарилди”. Сиёсатнинг демократлашгани, яккамафкуравий тузум, синфий дунёқарашдан воз кечилгани, бозор иқтисодиётига ўта борилиши, хусусий мулк пайдо бўлиши, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш сари ташланаётган дадил қадамлар шунга ундади.

Айтайлик, *“ўртоқ”* сўзи – тилимизда азалдан бор. У *“Ўзбек тилининг этимологик луғати”*га ҳам киритилган. Ҳозирги Кўкон шевасида бу сўз – *жўра, шерик, улфат* маъносида жуда фаол. Бироқ у шўро замонида русча

“товарищ”нинг таржимаси тарзида сиёсий, аниқроғи, хос коммунистик атамага айланган эди. Ҳаммани тенглаштириш, ҳеч кимни “жаноб” демаслик ақидасининг бир кўриниши эди бу.

“Ўртоқ” атамаси мустақиллик йилларидаги ўзбек сиёсий тили таркибидан деярли чиқиб кетди⁴. Президент Ислон Каримов нутқида унинг ўрнини “хонимлар ва жаноблар”, “дўстлар”, “юртдошлар”, “ватандошлар”, “биродарлар”, “ҳамшаҳарлар”, “баракатонкурлар” каби самимий, халқона, юксак даражадаги ўзбекона муомала маданиятига мос сўзлар эгаллай борди. Юртбошимиз баъзан бу ифодаларни “азиз юртдошларим”, “муҳтарам ватандошларим” тарзида одамларни қалбга яқин олиб ёки булардан иккитасини “қадрли дўстлар, биродарлар” шаклида бақамти кўллаб, эҳтиросли ва таъсирчан воситага айлантиради.

Демак, сиёсий тил ривожининг бевосита дунёқараш билан чамбарчас боғлиқлигини Президентимиз асарлари тилида “синф”, “формація”, “капитализм”, “империализм”, “эксплуатация” каби илгари ўта фаол ва бевосита мафкуравий дунёқараш билан боғлиқ бўлган сўзлар учрамаслигида ҳам кўрамиз. Ҳатто, шўро сиёсатида фаол бўлган “меҳнаткашлар” атамаси мағзида ҳам синфий ажратиш бўлгани учун бу сўз ҳам Юртбошимиз нутқида мурожаат тарзида учрамайди. Унинг ўрнини, масалан, “азиз Хоразм аҳли”, “ҳурматли Самарқанд аҳли” ва бошқа шу каби бирикмалар эгаллади.

Сиёсий нутқ шундайки, сўз тугул, баъзида бўғин ё кўшимча ҳам жиддий маъно англатиб қолади. Кўпчилигимиз унчалар фарқлайвермаймиз. Лекин Ислон Каримов бундай нозик жиҳатларга ҳеч ҳам бефарқ эмас. Айтайлик, шўро замонида “Ўзбекистон халқлари” деган атама амалда эди. “Ўзбекистон халқлари тарихи” деб ишлатилганини эслайлик⁵. Бу шаклан федератив давлат бўлган шўро тузумининг мустамлакачилик сиёсатини хаспўшлаш учун жуда-жуда керак эди. Чунки Америка Қўшма Штатлари ҳам – федератив давлат. Лекин уларда ҳеч қачон “Америка халқлари” дейилмайди, “Америка халқи” деб ишлатилади⁶. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида бу масала узил-кесил ҳал этилди – мамлакатимизда битта, ягона халқ, Ўзбекистон Республикаси халқи яшайди: “Ўзбекистон Республикаси халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташиқил этади”.

Шунинг учун ҳам Президент Ислон Каримов, мамлакатимиз аҳли ҳақида гап кетганда, ҳамиша “халқимиз” дейди, уни бир бутун кўради.

Шу билан боғлиқ яна бир нозикликни айтиб ўтиш керак. “Халқ” атамаси Президент нутқида кўпинча ҳозир 31 миллионга етган мамлакат

⁴Бу ундалма ҳозирги пайтда фақат ҳарбий ва ҳарбийлашган тизимлардагина ишлатилади.

⁵Масалан, 1990 йил 20 июнида қабул қилинган “Мустақиллик Декларацияси”нинг бошланма(преамбула)сида: “Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда...” (231-бет) – деган сўзларга дуч келамиз. Шунингдек, Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида сўзланган маърузасида халқимизнинг буюк фарзандлари қолдирган буюк мерос ҳақида сўз бориб, жумладан, шундай дейилади: “Уларнинг мероси Ўзбекистон халқлари умуминсоний қадриятларининг равнақи ва бойишига хизмат қилиб келган эди ва бундан буён ҳам хизмат қилади” (224-бет).

⁶Ўзи АҚШда миллат тушунчаси – йўқ даражада. Аммо уларда “nation”, яъни “миллат” сўзи “халқ” маъносида (масалан, “АҚШ Президенти миллатга мурожаат қилди”, – тарзида) ишлатилаверади.

аҳлини ифодалайди. Ҳам Ўзбекистон халқини, ҳам ўзбек халқини кўзда тутишга эҳтиёж туғилгудек бўлса, Юртбошимиз “*халқимиз, миллатимиз*” тарзида икки сўзни бақамти қўллайди.

Яна бир хусусият шуки, ўзбек сиёсий тилида миллий тийнат(менталитет)имизга хос кўпдан-кўп тушунчалар, исломий қадриятлар фаоллашди.

Президент Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби – ана шу жараёнлар тўлиқ акс этгани билан ҳам жуда аҳамиятли.

Мана, мурожаатда ишлатилган сўзлар тартиби: “*ҳурматли ўртоқлар*” (1989.24.06; 1989.28.11; 1990.24.02; 1990.05.06; 1991.27.03; 1991.28.08; 1991.31.08), “*азиз ўртоқлар*” (1989.25.10; 1991.27.03), “*ўртоқлар*” (1990.20.01, 1990.24.02, 1990.24.03; 1991.20.08), “*ҳурматли депутат ўртоқлар*” (1990.24.03; 1991.15.02; 1991.27.03), “*қадрли юртдошлар*” (1990.24.03), “*муҳтарам жаноблар, юртимиз меҳмонлари, азиз ватандошлар*” (1990.14.09), “*азиз ўртоқлар*” (1991.27.03), “*азиз деҳқонлар*” (1991.27.03), “*азиз дўстлар*” (1991.27.03; 1991.20.08; 1991.01.10, 1992.04.01), “*депутат ўртоқлар*” (1991.12.06), “*ҳурматли халқ депутатлари*” (1991.12.06), “*азиз юртдошлар*” (1991.20.08; 1991.01.10), “*юртдошларим*” (1991.31.08), “*азиз юртдошларим*” (1991.31.08), “*узоқ-яқиндан келган меҳмонлар*” (1991.01.10), “*ҳурматли дўстлар*” (1991.01.10), “*қадрли дўстлар*” (1991.01.10), “*азиз дўстлар, ватандошлар*” (1991.01.10), “*юртимизнинг азиз меҳмонлари*” (1991.01.10), “*Алишер Навоийнинг муҳтарам ихлосмандлари*” (1991.01.10), “*азиз дўстлар*” (1991.01.10), “*азиз ака-укалар, опа-сингиллар*” (1991.03.12), “*муҳтарам биродарлар, ўртоқлар*” (1991.03.12), “*ардоқли дўстларим, ватандошларим*” (1991.03.12), “*азиз дўстлар, биродарлар*” (1992.04.01).

Дикқат қилинса, давр ўзгариши билан ундалмалар янгилашиб, аниқроғи, тобора миллийлашиб борган. Мустақилликка эришиш остонасидаги чиқишларда шўроча “*ўртоқлар*” сўзининг тобора камайиб борганини кузатамиз. Ўрнига “*дўстлар*”, “*жаноблар*”, “*ватандошлар*”, “*ака-укалар, опа-сингиллар*”, “*биродарлар*” сўзлари ишлатила бошлаган. “*Ҳурматли*” сифати ўрнига меҳрни ундан кўра кучлироқ тарзда ифодалайдиган “*азиз*”, “*қадрли*”, “*муҳтарам*”, “*ардоқли*” каби маънодошлар (синонимлар) ишлатилган.

Собиқ Иттифокда биттагина “*улуғ халқ*” бор эди. У “*оға*”, бошқалар “*ини*” саналарди. Ислон Каримов 1991 йил 27 мартадаги чиқишида илк бор халқимизни “*улуғ ўзбек халқи*” (329-бет) деб атади.

Давлат раҳбари илк бор 1991 йилнинг 31 августи куни халққа нисбатан учинчи шахсда эмас, биринчи шахсда “*юртдошларим*”, “*азиз юртдошларим*” деб, яъни халқни ўзиники ҳис этиб, унга ўзини чандон яқин олиб мурожаат қилади. Шу тариқа халққа нисбатан бетараф ҳолда, қуруқ, расмий, тепадан туриб муомалада бўлиш ўрнини эл-юртга қайишиш эгаллай бошлади.

Шу қисқа таҳлиллардан ҳам кўриниб турибдики, сиёсат ўзгармай туриб – тил, тил ўзгармай туриб – сиёсат ўзгармас экан. Ўта мураккаб бир шароитда – 1989 йил 21 октябрида дадил туриб ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши амалда Ўзбекистонимизда сиёсат туб ўзгаришлар босқичига кира бошлаганидан ёрқин далолат эди. Истиқлол эса амалда давлат ва халқ ҳаётидаги буюк ислохотларга старт берди.

Шунинг учун сиёсий онгимиздаги ўзгаришлар даставвал истиқлол ташаббускори, янги давлатчилигимиз асосчиси, ислохотларнинг бошловчиси, халқ раҳнамоси нутқида намоён бўлаётгани – жуда табиий.

Хуллас, қисқа кузатувларимиз ҳам Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби халқ ва Ватан, давлат ва унинг сиёсати тарихининг ўта муҳим бир даврида сиёсий раҳбардаги юксак таҳлил салоҳияти ва соҳир нутқ маҳоратининг турли қирраларини ёритиш учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Минг йиллар ўтар, миллион йиллар кечар, амин бўлайликки, шу муқаддас заминда одамзод яшар экан, келажак авлодлар айнан ИСТИҚЛОЛ даврини, хусусан, унга эришиш йўлидаги курашлар йилларини, албаттаки, унинг ташаббускори, РАҲНАМОси, асосчиси, бош ижросисини асло эсдан чиқармайди.

Бор гапни борича айтган – яхши: бугун жаҳонда *Ўзбекистон* деганда Ислом Каримовни, *Ислом Каримов* деганда Ўзбекистонни тушунишади. Чунки Президентимизни таниганлар мамлакатимизни танийди. Яратганнинг иродаси, халқнинг хоҳиши билан Ислом Каримов бутун дунё бўйлаб Ўзбекистон давлати, унинг халқи номидан сўзлаб, мамлакатимиз манфаатларини ҳимоя қилиб келяпти.

Шарқда халқ ўз раҳнамосини сидқидил хурматлашга, унинг сўзи ижроси учун жонини жабборга бериб меҳнат қилишга тайёр туради. Лекин мустамлака йилларида халқ шу имкониятдан ҳам маҳрум этилди, аксинча, адашиб, бировларнинг сохта доҳийларини ўзига раҳнамо билиб юрди.

Халқнинг раҳнамога меҳри – ноёб ҳодиса. Ғарб буни тушунмайди. Тушунолмайди. Лекин эл анойи эмас. У юртпарвар инсонгагина меҳр қўяди. Меҳрни эса сотиб олиб бўлмайди.

Халқнинг мамнуният билан ўз РАҲНАМОсига эргашаётганини, *олиб борилаётган адолатли, оқилона истиқлол ва ислохот сиёсатининг тантанаси*, деб ҳисоблаш керак.

Ҳамма замон ва маконларда сиёсатга давлат ва халқ бирлиги даражасига қараб баҳо берилади. Президентимиз – бу қатъиятнинг бошида турган шахс. Фуқароларимиз бу зотни, ичдан бўлсин, ташдан бўлсин, халққа, унинг давлатига қаратилган ҳар қандай ёвуз кучга қарши қалқон бўлиб келаётган буюк куч, юксак адолат тимсоли сифатида қадрлайди.

Китобдан жами 35 та материал ўрин олган. Ислом Каримовнинг 1996 йилдан эътиборан чиқарила бошлаган (ўшанда дастлабки тўрт жилд чоп этилган эди) жилдликларидан фарқли равишда, бу ерда, маъруза, нутқ, мусоҳаба, яъни интервьюларидан ташқари, республика раҳбарининг истиқлол бўсағасидаги фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган айрим

фармон, мурожаат, қонун, қарор, ахборотлар, шунингдек, “Мустақиллик Декларацияси” ва мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов қасамёди ҳам ўрин олган.

Китобдан ўрин олган сўнгги материал, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IX сессиясидаги маърузаси Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганидан кейинги илк жиддий чиқиши эди. Унда Юртбоши, биринчидан, мустақилликнинг дастлабки тўрт ойида мамлакатимизда амалга оширилган оламшумул ишларни таҳлил этиб, бу қисқа даврга ўзига хос тарзда ҳисобот бергандек ҳам бўлди, иккинчидан, Ўзбекистонимизнинг истиқболли йўлини белгилаб берди.

Қисқагина даврдаги катта ютуқларимиз қуйидаги беш бандда кўрсатилган:

“Маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Тарихни тикладик. Она тилимизни англадик. Улуг боболаримиз руҳини шод этдик. ...Удумларимиз, қадриятларимизга қайтдик. ...Динга муносабатимиз ўзгарди. Ўртадаги тушунмовчилик, қарама-қаршилик йўқолди. Бунинг ўрнига ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка ўтдик” (425-бет).

“Сиёсий йўлда бурилиш бўлди. Неча йиллик орзу-умидларимиз рўёбга чиқди. ...Ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажагини ўзимиз ҳал этиш имконига эга бўлдик. Ўз еримиз, бойликларимизга соҳиблик қила бошладик. ...Қарийб юз йилдан бери ёпиб қўйилган чегаралар очилди. ...Жаҳон жамоаси Ўзбекистонни, бизнинг Ватанимизни қучоқ очиб қабул қилди” (426-бет).

“Иқтисодий соҳада бурилиш бошланди. ...Иқтисодий эркинлик, корхоналар, хўжаликларга эркинлик, фермерларни қўллаб-қувватлаш, шахсий томорқа эгаларига ёрдам бериш бўйича фармонлар чиқардик. ...Шахсий мулк пайдо бўлди. ...Ўзбекистон ўзининг олтин хазинасига эга бўлди” (427-бет).

“Ижтимоий адолат ўз жойига туша бошлади. Одамларни меҳнати натижасидан рози қилиш йўли тугулмоқда. ...Одамлар ер олди. Қурилиш учун имконият берилди. Бир йилда 700 минг янги оила, хонадон пайдо бўлди. Буни фахрланмасдан айтиш мумкин эмас. Ўзини адолатли деб келган, лекин ўта адолатсиз бўлган Марказ Ўзбекистонга, ўзбек халқига қанча тамга босмади, қанча маломат тоилари отилмади. Лекин маҳкам туриб, адолатга эришдик. Ўзбек номини бадном қилиш ҳаракатларига барҳам бердик. Бугун мана шу минбардан сизларга ёруғ юз билан айтаманки, “пахта иши” билан қамалганларнинг ҳаммаси афв этилди!” (427 – 428-бетлар).

“Халқимизга минг раҳмат айтмоқчиман: фуқаролар ва миллатлар ўртасидаги тотувлик, тенглик, осойишталикни сақлаб, мустаҳкамлаб турибди. Дини, эътиқоди, миллатига қараб ажратиш фалокат эканини, офат эканини, у ҳаммани жарга қулатишини одамлар тушуниб олишди (428-бет).

Истиқлол тўрт ойда шунча эрк, шунча ҳуқуқ, шунча имконият берганини бугун ёдга олиш – ҳам қарз, ҳам фарз.

Ана шу тарихий маърузада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти халқ вакиллари хузурида масалани: *“Хўш, биз қайси йўлдан борамиз? Унинг йўналишлари нималардан иборат?”* (429-бет) – тарзида жуда аниқ-тиник қилиб қўйди ва ёш давлат олдида турган дастурий йўналишларни ўн бандда ифодалаб берди.

Улардан айримларини бугун эшлаш, биринчидан, ўша пайтданок мўлжал тўғри олинганини англаб етиш, иккинчидан, шу йўналишларда қилинган ишларни бир сидра назардан ўтказиш учун ҳам керак:

“...Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишида ўз йўлини танлаб олган ва бу йўлдан қайтмайди”.

“Президент тинчлик, тотувлик қўрғонининг меъмори бўлиши керак, деб ҳисоблайман”.

“Ҳозирги даврда халқимизни катта таълимга солаётган нарсаси – бу жинойатчиликнинг ўсишидир. Шу сабабли бугун Ўзбекистоннинг бу иллатга қарши кураши дастури устида ишляймиз. Одам ўлдириши, талон-торожлик, ўғрилик, порахўрлик, чайқовчиликнинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериши чораларини кўрамиз”.

“Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз. Маънавий ва ахлоқий покланиш, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг замирида тарбия ётади” (430-бет).

Мана, орадан шунча йиллар ўтиб, бир ортга қарасак, ана ўша мақсад-муддаолар изчиллик билан амалга ошириб келинаётганига гувоҳ бўламиз.

Бир нозик чизгига диққат қилайлик. Юртбошимизнинг ана шу тарихий маърузаси илк бора диний руҳдаги дуо билан яқунланади: *“Катта, масъулиятли йўлда Тангримиз бизга мададкор бўлсин!”* (435-бет). Шу даврдан бошлаб Ислом Каримов нутқида *“Аллоҳ”, “Яратган”, “иймон”, “виждон”, “охират”, “иншоолло”, “ор-номус”, “уят”, “андиша”, “шарм-ҳаё”, “қадр-қиммат”, “адолат”, “оқибат” “фидоийлик”* каби тийнатимиздан мустаҳкам ўрин олган муқаддас тушунчалар яна қайтадан сиёсат юргизишнинг, таъбир жоиз бўлса, миллий мезонларига айланиб, инсон ва унинг фаолиятини баҳолашнинг даҳриёна ўлчовларига батамом барҳам берди.

Яна бир нозик кузатишимизни баён этсак.

Ислом Каримов 1991 йилнинг 15 феврилида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессиясидаги *“Мураккаб вазиятда оқилона сиёсат юритайлик”* мавзуида сўзлаган нутқида Форс кўрфазидаги қирғинбарот уруш ҳақида тўхталиб, жумладан: *“Биз қурол ишлатишга ҳамиша қаршимиз. Жаҳолатни ақл-заковат билан енгиши тарафдоримиз”* (282-бет), – деган эди.

Орадан 7 йил ўтиб, “Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг миллий мафкура борасидаги саволларига жавобларида шундай деди: *“Демак, бугунги кунда зояни, фикрни тақиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб*

бўлмайди. Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиши, олишиши мумкин”⁷.

2008 йили Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари чоп этилди. Унда бу ғоя янада кучайтирилди, ҳатто, “*Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя*” сўзлари “*Маънавиятимизга таҳдид – ўзликчимиз ва келажагимизга таҳдид*” деган учинчи бобнинг иккинчи фасли сарлавҳасига чиқарилди. Фасл шундай сўзлар билан бошланади: “*Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиши ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда*”⁸.

Муҳтарам Юртбошимиз 2013 йилнинг 9 майи куни Хотира майдонида бўлиб, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказган суҳбати чоғида тинчлик ва осойишталик осмондан тушмаслиги, унга эришмоқ, уни бардавом тутмоқ тинимсиз ҳаракатни, ҳар бир фуқаронинг огоҳ ва сергак яшамоғини талаб этишини алоҳида таъкидлаб, жумладан, шундай деди: “*Ҳаётнинг ўзи бир ҳақиқатни такрор ва такрор исботлаб бермоқда. Яъни тарихни билмаган, тарихни унутган, тарихдан хулоса чиқармаган ҳар қандай инсон, ҳар қандай халқ ўз йўлидан адашиши, бир вақтлар йўл қўйган хатоларини яна такрорлаши мумкин*”.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, мустақиллик ҳар куни, ҳар соат ҳимоя қилиниши, мустаҳкамлаб борилиши керак. Давлатимиз раҳбари шу суҳбатида Ўзбекистонимизнинг қўшни Афғонистондаги вазиятни ўнглаш борасидаги мустаҳкам позициясини ҳам баён этди: *бу ердаги муаммони уруш йўли билан, яъни куч ишлатиб ҳал этиб бўлмайди, уни фақат мамлакатдаги барча сиёсий кучлар, гуруҳлар, аҳоли қатламлари, миллатлар, динлар ва қабилалар вакилларининг ўзаро манфаатли келишувига олиб борадиган тинч музокаралар йўли билан ечиш мумкин, вассалом.*

Истиклол – бизга, аввало, тинчлик-осойишталик, бунёдкорона меҳнат қилиш, изчил тараққиётга эришиш имконини бергани билан ҳам ўта кадрли.

Ҳар бир халқ ўз тарихий илдизларига суянган ҳолда равақ топади. Шу маънода мустақиллик тарихини ўрганишимиз бизни янада қувватлантиради, янги-янги марралар сари етаклайди.

Хуллас, “*Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида*” китоби бизни Ислом Каримов таълимотининг сарчашмаларидан бохабар этади, мамлакатни мустақил давлатга айлантириш концепциясининг ҳамиртуруши айнан ана ўша истиқлолга остона бўлган йилларда яратилганини англаш, сиёсий фаолиятнинг тадрижини кузатиш ва кейинги даврга қиёслаш имконини беради.

⁷Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 1998. 419 – 420-бетлар.

⁸Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият” нашриёти. 2008. 119-бет.

Истиклол – бир қўрғон. “Қўрғон” эса – тилимизда, асли, қўриқланиши учун ўраб олинган шаҳарни англатади.

Х аср тарихчиси Муҳаммад Наршахийнинг далолат беришича, сарой аёнлари Исмоил Сомонийга Бухоро қўрғонини мустаҳкамлаш, яъни шаҳарни ўраб турган деворни таъмирлаш ҳақида фикр билдиришганида, буюк ҳукмдор: “*Бухоронинг қўрғони менман!*” – деган экан...

Айтинг-чи, бирон-бир қўрғон меъморсиз бунёд этилганми?

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти фақат “*тинчлик ва тотувлик қўрғони*”нинггина эмас, умуман, мустақиллик қўрғонининг буюк меъмори янглиғ фаолият олиб борапти.

Шу муқаддас қўрғон ва унинг меъмори омон бўлсин!

ИСТИҚЛОЛ – БАХТИМ-САОДАТИМ

**ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА
САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ги қарорини ўқиб...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” шу йилнинг 1 июлида қабул қилинган қарори ҳар биримиздан истиқлол моҳияти, мамлакатимиз шу давр мобайнида босиб ўтган шонли йўл ҳақида яна қайта мулоҳаза қилиш, амалга оширилган изчил ислохотлар мағзини чақишга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “*Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида*” 2014 йил 1 июлдаги қарори ҳар биримиздан озодлигимиз моҳияти, унга эришиш учун кечган курашлар, мамлакатимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган шонли йўл, хуллас, истиқлол ҳақида яна қайта мулоҳаза қилиш, амалга оширилган изчил ислохотлар мағзини чақишга ундайди. Даврлар ўтгани сари мустақиллигимиз тарихини ўрганиш, бу улуғ неъматга қандай эришганимиз моҳиятига етиш, истиқлолимиз қадрини янада чуқурроқ англашнинг аҳамияти ортгандан ортиб бораверади.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов шу йилнинг 19 июнида Жиззах вилоятига ташрифлари чоғида ана шу ПҚ-1984-сон қарорда истиқлол туфайли айнан нималарга эришганимизнинг асосий-асосий йўналишлари аниқ-тиниқ кўрсатиб берилганини алоҳида таъкидладилар.

Шуни унутмайликки, ўтган йигирма уч мобайнида Ўзбекистонимиз, аслида, асрларга татигулик улкан тараққиёт босқичларини босиб ўтди. Тарихан жуда қисқа бу фурсатда мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини эгаллади. Ана шу оламшумул ютуқларимизнинг турли-турли қирралари мавжуд. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида алоҳида-алоҳида қўлга киритган ютуқларимиз бор. Масалани шу тарзда қўйиб таҳлил этсак, кўз олдимизда давлат ва халқ жипслигининг ширин ҳосиласи сифатида юзага чиққан улкан ишлар бор бўй-басти билан гавдаланади.

Истиқлолнинг 23 йиллиги ҳақида ўйлар экан, ҳар қандай фуқаро хаёлан: “*Халқимизнинг истиқлолга эришган йилларда кўнглидан кечган*

фикрлар қандай эди-ю, дунё нигоҳида Ўзбекистоннинг кўриниши қандай тасаввур қилинарди?” – деган саволга жавоб изласа, ажаб эмас.

Биз тенгилар шўро даврининг сўнгги йилларидаги истиқлол учун курашлар даврининг бевосита иштирокчиси бўлган авлод ҳисобланади.

1980 йили Тошкентда – Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўша пайтда А. С. Пушкин номи билан юритилган Тил ва адабиёт институти базасида Бутуниттифоқ туркология конференцияси ўтказилди. Шу илмий анжуман ҳақида “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали учун ахборот тайёрлашга тўғри келди. Топган журналистик бир ифодамдан ўзим қувониб кетдим: *“Туркийлар Иттифоқда славянлардан кейин турадиган катта этник бирликни ташкил этади”*, – деб ёзган эдим. Ахир, 15 республиканинг нақд учдан бири (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбойжон) туркий тилли республикалар эди-ку. Таҳрир жараёнида шу илман тўғри жумлам учун эшитганимни эшитганман...

1991 йили Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан Тил ва адабиёт институтига Алишер Навоий номи берилди. Ҳеч ким А. С. Пушкин номига қарши эмас, лекин қайси мантиқ, қандай боғлиқликка кўра ўзбек тили ва адабиётини тадқиқ этадиган дунёда ягона илмий даргоҳга рус шоири номи берилиши керак?..

Ҳар бир иттифоқдош республикада ўз халқи тили ва адабиётини ўрганадиган институт бор эди. Ҳолбуки, Озарбойжонда худди шундай илмий даргоҳ Низомий, Тожикистонда Рудакий, Туркменистонда Махтумқули, Қозоғистонда Абай... номи билан юритилар эди.

Яшириб нима қилдик, аҳолининг бир қисми, хусусан, шўро даврида муайян мавқе ва шараф топганлар Ўзбекистоннинг Иттифоқдан ажралган ҳолда яшаб кетишига ич-ичидан асло ишонмаган. Истиқлол ғоясининг асосий яловбардори сифатида Президент Ислон Каримовда эса чекиниш, шубҳа, ишончсизликнинг зарраси ҳам бўлмаган. Президентдаги шу буюк руҳ секин-аста ва мунтазам равишда халққа ўта борди. Биз шунга гувоҳимиз.

Аммо мустақил бўлсак, гўё ҳамма нарса ўз-ўзидан қўлга кириб келаверадигандек, истиқлолни халқ ва давлат тарихида табиий равишда амалга ошиб кетаверадиган осон ишдек тасаввур қилиб, тоза ҳовлиққан, республикага мустабид тузумдан мерос қолган оғир ва мураккаб вазият, минг-минг муаммолар гирдобидан фақат ва фақат оқиллик, босиқлик, сабот-матонат, меҳнат-машаққат билан чиқиб кетиш мумкинлигини тўла ҳис эта олмай, очиғи, дастлабки йиллардаги мушкулотлардан фойдаланиб, пашшадан фил ясамоқчи, арзон-гаров шуҳрат қозонмоқчи, сохта обрўй орттирмоқчи бўлганлар ҳам топилди.

Хорижда, *қарийб бир ярим асрлик мустамлака даврини бошидан кечирган халқ ўз йўлини ўзи топиб кетиши қийин кечади, шундай пайтда сувни лойқалатиб, бу юрт аҳлига йўл кўрсатган бўлиб, тезроқ ўз балигимизни туттишимиз керак*, деган қарашда бўлиб, юртимизга турли ғоя ва мафкуралари билан ёпирилганлар кўп топилди. Бундай ғаразли мақсадлар таъсиридаги бешафқат кураш, афсуски, ҳозир ҳам тўхтагани йўқ.

Лекин 23 йилда Ўзбекистон дунёга ҳам айтарини айтди. Бугун, катта-бўлсин, кичик бўлсин, Ер юзидаги ҳар қандай давлат – биз билан ҳисоблашишга мажбур.

Бугун буни баъзиларимиз унчалар ҳис этмасмиз, лекин истиқлолнинг ўтган йиллари миллий тарихимизга ҳам, жаҳон солномасига ҳам айнан ана шундай хизматлари билан киради.

Истиқлолга эришилганидан кейин сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда туб ислохотлар бошланиб кетди. Бу ҳаётнинг барча жабҳасини қамраб олди. Шу тариқа келажагимизнинг мустақкам пойдевори қўйилди ва қўйиляпти.

Халқ шўро тузумидан бошқа тузум борлигини биларди. Аммо у жамиятлар юзига фақат қора бўёқлар чапланган эди. Мустамлакачиликдан олдинги мустақиллик даврлари эса элнинг эсидан чиқариб ташланган эди. Руҳан жамиятнинг амалда барча соҳасидаги туб ислохотлар у ёқда турсин, ҳар қандай кичик ўзгаришга ҳам оғриниб қарайдиганлар кўп эди. Бундайлар дунё ўзгараётганини, ҳатто, социализмни тарихда илк бор барпо этганларнинг ўзи ҳам биринчилардан бўлиб ундан воз кечганини даб-дурустан ўзининг тор тасаввурига сиғдира олмас эди.

Ҳозир-чи?

23 йил қиларини қилди. Одамлар эрк, озодлик, шахсий манфаат, интилиш, ҳаракат, яратиш, дунёга боғланиш, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашнинг... ширин таъмини тотиб улгурди.

Энди халқни ҳеч ким, ҳеч қандай куч орқага қайтаролмайди. Энди фуқаролар орқага қайтиш ҳақида эмас, мавжуд муаммоларни оқиллик билан ечиб, қандай бўлмасин, тезроқ ривожланган давлатларга яқинлашиш мақсадида куйинаётибди. Шунинг замирида ҳам, билган биладики, эски тузум асоратларидан имкон қадар тез фурсатларда халос бўлиш илинжи ётибди.

“Ишламаган тишламайди”, – деган шиор шўро даврининг “мўътабар” дастурларида катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган эди. Бироқ бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузум барпо этган мамлакатларда бу ҳаётнинг энг оддий, ҳатто, бирламчи дастуриламали бўлиб кетган. Ҳар бир шахс табиий равишда шу тушунчага келмагунча чинакам бозор иқтисодиёти ва демократияга эришиш – амри маҳол.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонимизда шунинг мустақкам пойдевори қурилди, деб баралла айтиш ва бундан асло чарчамаслик керак.

Одам кундалик ташвишлар билан елиб-югуриб, баъзан ўн-ўн беш кун бурунги воқеани ҳам эслолмайди. Лекин бир ярим асрга яқин мустамлака зулмининг аччиқ-аччиқ аламларини чеккан халқ истиқлолнинг йигирма уч йилида босиб ўтган йўлини унутиши, таҳлил қилмаслиги, қадрига етмаслиги мумкин эмас.

Ўз-ўзидан, бир савол майдонга тушади: *ким эдигу ким бўлдик?*

Бу саволга тўлиқ жавоб бериш учун жилд-жилд китоб ёзиш керак. Қисман ёзилди, ёзиляпти, ёзилади ҳам. Бироқ ҳар ким бу масалада ўзича фикрлаб, ўзига хос мулоҳаза юритаверади.

Очиғини айтганда, мустамлакадан қутулиб, янги миллий давлат қуриш ҳеч бир халқ учун осон кечмаган. Биз ҳам худди шундай ўта мураккаб, машаққатли, синов-имтиҳонли йўлни босиб ўтдик. Инсоф билан айтиш керак – муваффақиятли босиб ўтдик.

Мамлакат ҳаётида юз берган ўзгаришларни учга – *сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислохотларга* бўлиб таҳлил этиш мумкин.

С и ё с и й жихатдан Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги тенг ҳуқуқли мустақил давлат сифатида юз кўрсатди. Халқаро майдонда муносиб ўрнини эгаллади. Ўз овозига, ўзига хос мавқеига эга бўлди.

Конституцияси, Байроғи, Герби, Мадҳияси, давлат тизими, миллий пули, миллий армияси... бор. 600 дан ошиқ янги қонун қабул қилинди. Уларнинг бари амалда жамиятни демократлаштириш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, ҳуқуқий давлат қуришдек эзгу мақсадларга қаратилган.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниши изчил демократик қатъиятлар асосида такомиллашиб, замонга мослашиб бормоқда. Кўппартиявий жамият барпо этилди. Халқ муқобиллик асосидаги сайловга ўрганди. Фуқаролар орасидан шундай сиёсий фаол шахслар етишиб чикдики, сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар улар номзодини депутатликка қўйди, улар сайловчилар ўртасида ўз дастури билан чиқиб, Ўзбекистонимизни ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлади. Халқ шунга кўра уларга овоз берди.

Бир қарашда, кимларгадир булар шунчаки расмият, шунчаки кампания бўлиб туюлар. Лекин бугун тараққий этган давлатларнинг ҳаммасида демократиянинг талаби – шу. Шу асосда табиий танланиш юз беради. Шу асосда фикрлар хилма-хиллиги учун реал омил юзага келади. Шу асосда халқ ғоянинг яхшисидан яхшироғини танлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Шўро даврининг охириги йилларига келибгина муқобиллик асосидаги сайлов жорий қилина бошлаган эди. Унгача депутатликка номзодлар тепадан тузилган сетка асосида рўйхатга олинар, бир жойга биттагина номзод кўрсатилар эди: хоҳласанг ҳам шуни сайлайсан, хоҳламасанг ҳам.

Бошқарувда жамият ташкилотларининг ўрни ва мавқеи кескин ошди. *“Кучли давлатдан – кучли жамият сари”*, – деган шиор изчил амалга оширила боряпти. Демократик тузумда давлат бошқарувнинг уч асосий йўналишинигина бўйнига олади. Биринчиси – **қ о н у н ч и қ а р у в ч и х о к и м и я т**. Бу халқаро атамада *“парламент”* дейилади. Бизда парламент – Олий Мажлис. У икки палатадан – Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат. Иккинчиси – **и ж р о и я х о к и м и я т**. Ҳокимиятнинг бу тури *“ҳукумат”* дейилади. Бизда Вазирлар Маҳкамаси ҳамда унга тегишли вазирлик ва ташкилотлар ҳукуматни ташкил этади. Учинчиси – **с у д ҳ о к и м и я т и**.

Қолган вазифалар жамият зиммасига юкланади. Жамоат ташкилотлари, керак бўлиб қолса, давлат ташкилотлари фаолиятини ҳам таҳлил этиши, ўрни келганда, жамоатчилик назоратини амалга ошириши, бошқача айтганда, давлат идоралари ишига ҳар тарафлама кўмаклашиши лозим.

Бу ўзгаришлар кишилар онгидаги ҳамма нарсани давлатдангина кутиш каби эски иллатни бартараф этишга олиб келди. Ҳамма нарса жой-жойига тушди: тарихда Одам Атодан то ҳозиргача ҳеч бир давлат халқини боққан эмас. Шўро давлати халқ кўлидан деярли барча мулкни тортиб олган, “*Сенларни мен боқяпман*”, – деб писанда ва миннат қилган. Ҳолбуки, амалда халқ ўзини ўзи ва давлатни ҳам боққан.

Жамият – давлатга нисбатан катта тушунча. Давлат жамиятга хизмат қилади.

И қ т и с о д и й жиҳатдан туб бурилиш юз берди. Инсон – мулкка эга бўлиш, уни кўпайтириш, бойиш учун тинмай ҳаракат қилиш, ақл-фаросати, истеъдод-салоҳиятини ишга солиб, турли-туман йўллар излаш, тадбиркорликнинг ҳар хил намуналарини кўрсатишга тўла ҳақли. Бу унинг бевосита конституциявий ҳуқуқлари сирасига киради.

Одамлар тушундики, инсон камбағалга эмас, бойга ҳавас қилиб яшаши керак экан.

Олмонияда қизиқ ҳодисани айтиб беришди. 1989 йили кузида Берлиндаги Иккинчи жаҳон урушидан кейин қурилиб, мамлакатни икки бир-бирига тамоман зид тузумга мансуб давлатга ажратиб ташлаган тарихий деворни бузишганида икки тараф ҳукумати ҳам бир-бирини соғинган олмонларнинг у ёқдан бу ёққа ўтишига катта ҳозирлик кўришибди. Бироқ, қарангки, Ғарбий Олмониядан Шарқий Олмонияга ўтганлар деярли топилмабди. Лекин Шарқий Олмония аҳолиси ёпирилиб Ғарбий Олмония ҳудудига томоша учун ўтиб кетибди.

Хўш, нега бундай биртомонламалик?

Ахир, ўзингиз айтинг: бойнинг кошонасини кўришга камбағал талпинадими ёки камбағалнинг ғариб кулбасини кўришга бой интиладими?..

Мамлакат, унинг халқи бой-бадавлат яшар экан, дунё ҳам у билан ҳисоблашиб гаплашадиган бўлади. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт юз бериши учун эса хусусий мулк ҳуқуқи кафолатланиши керак. Ўтган 22 йил бизда тадбиркорлик учун кенг йўл очди. Тамоман давлатга қарам бўлиб ишлашдан бошқа ҳуқуққа эга бўлмаган халқ учун буни изга қўйиш амалда инқилобий ўзгаришлар сирасига киради.

Ўзбекистон – асосан, қишлоқ хўжалиги мамлакати. Ер – бизда энг катта бойлик. Ерни эгасига – деҳқонга бериш сиёсати юритилди. Айниқса, кейинги йилларда фермер хўжаликлари тузиш бўйича жуда катта ўзгариш амалга оширилди. Албатта, бу осонликча кечаётган жараён эмас. Аммо бир нарса аниқ: стратегик йўл жуда тўғри танланган.

Қишлоқда алоҳида бир ишчан тоифа – фермерлар пайдо бўлди. Бугун қилинаётган ишлар эзгу уруғ қадашга ўхшайди. Униб чиқиб, экин ҳосилга кирсин, кейин кўрасиз натижани.

Бир қаламқаш сифатида очиғини айтсам, телевидениенинг “Ахборот”, “Давр”, “Пойтахт” ва шунга ўхшаш ахборий дастурларини яхши кўраман. Нимага десангиз, ҳар бир дастурда мамлакатимизнинг у ёхуд бу ерида бир-икки янги корхона ишга тушганини кўрсатади. Одам фуқаро сифатида ич-ичидан қувонади. Нега? Ахир, янги корхона дегани – жуда катта ҳодиса. Бу,

кимлардир иш билан таъминланди, унинг уйига файз, рўзгорига барака, ҳаётига рўшнолик кирди, деган гап. Даромад келмас экан, ҳеч нарса ишлаб чиқарилмайди. Бирон нарса ишлаб чиқариляптими, билингки, ундан фойда келяпти. Ҳар қандай фойдадан давлат хазинасига ҳам улуш тушади ва ҳоказо.

Мутахассисларнинг хомчўт қилишига қараганда, ҳозирги шароитда мамлакатимизда бир кишини иш билан таъминлаш иқтисодий маънода камида 4 – 5 миллион сўмни ташкил этади.

Мисоле бир кишига бир цех очиб бериш учун ҳам ускуна олиш, хомашё топиш, электр ва бошқа харажатларини қоплаш керак-ку. Демак, ҳар бир ўзбекистонлик, каттадир-кичикдир, мамлакатда пайдо бўлаётган ҳар қандай корхона учун хурсанд бўлиши, кўлидан келса, ўзи ҳам шу жараёни тезлатишга ҳисса қўшиши зарур.

Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг ўзгариб, чирой очиб бораётгани, қурилаётган коллеж, лицей, мактаблар, замонавий уй-жойлар, борингки, гузар, чойхона, тўйхона ва дўконлар ҳам иқтисодий салоҳиятимиздан далолат бермайдими?

Маънавий ислоҳотлар самараси ҳақида алоҳида тўхташ лозим. Тилга, тарихга, меросга, динга, урф-одатларга, анъана ва қадриятларга, адабиёт ва санъатга муносабатнинг қанчалар ўзгарганини бир тасаввурга келтирайлик.

Шўро давлати номини ҳам халқимиз ёдидан чиқариб ташлаш учун кўп уринган не-не буюқларимиз таваллуд тўйлари иншонланди, мероси ўрганилди, нашр қилинди, шарафига ёдгорликлар бунёд этилди. Уларни бу ерда алоҳида санаб ўтириш шарт ҳам эмас. Чунки истиқлолнинг деярли ҳар йилида бирор буюқ ватандошимиз юбилейини ўтказиб келяпмиз.

Мустақиллик ва Наврўз байрамларидаги, 1997 йилдан бошлаб Самарқандда ҳар икки йилда бир бор ўтказилаётган “Шарқ тароналари” мусиқа фестивалидаги, шаҳарларимиз юбилейлари тантаналаридаги театрлаштирилган оммавий сахна дастурлари санъатимиз равнақиға, унинг янги маъно-мазмун билан бойиб бораётганиға, амалда биз бу тадбирларимиз билан истиқлолимизни жаҳон аҳли юз-кўзи олдида баралла тантана қилаётганимизға бир ёрқин далил эмасми?

Мураккаб иқтисодий шароитларға қарамай, давлат халқ келажағи учун қайғуриб, таълим тизимиға қанча маблағ сарфлаётганини сарҳисоб қилиб кўрайлик.

Биргина жиҳатға диққат қилайлик. Шу кеча-кундузда мамлакатимизнинг идораларию таълим муассасаларию хонадонларида жами қанча компьютер ишлаб турибди? Уларнинг ҳаммаси ўзимизнинг маблағ ҳисобига келган. Бу ҳам иқтисодий бойлик, ҳам маънавий юксалишнинг буюқ техникавий воситаси. У амалда ақлни тезлаштиряпти, вақтни иқтисод қиляпти, одамни ўстиряпти, биз замон, демакки, илғор дунё билан бўйлаша бошладик. Бугун очиқ айтавериш керак: кимки компьютерда ишлашни билмаса, XXI асрга ўта олмабди.

Ҳозирги ҳаётимиз, эҳтимол, ҳали орзумиздаги даражаларда гуллаб-яшнаб кетмагандир, давлат ва халқ олдида ҳали қиладиган иш – жуда кўп, ҳеч бир халқ демократик тузум, бозор иқтисодиёти, ҳуқуқий давлатни 22 йилда қуриб битказмаган. Лекин, шунга қарамай, дадил айта оламизки, мустақилликнинг оғир синовлари даври ўтди. Одамларимизнинг кийиниши ҳам, еб-ичиши ҳам, ҳатто, тўйларимиз ҳам ўзгарди – изига тушиб олди.

Ишлайсан – тишлайсан!

Бутун дунё келган ягона хулоса – шу. Ҳозир бу гапни оддий-оддий касб-кор кишилари оғзидан ҳам эшитаётганимиз – катта ҳодиса.

Энг муҳими, энди халқни ҳеч ким орқага қайтара олмайди.

Истиқлол йилларида олиб борилган туб ислоҳотлар ҳосиласи сифатида бугун жамиятимизда аввалги даврдагиларга ўхшамайдиган тамоман янги шахс шаклланди, десак, хато бўлмайди. Бу бизнинг энг катта ютуғимиз. Ҳар биримиз энди бу шахснинг айнан нимаси, қайси фикри, қандай хусуиятлари, қай бир фазилатлари... янгилигини англаб олиши зарур.

Одамзод пайо бўлибдики, янгиликка интилиб яшайди.

Азбаройи янгиликка қизиқиш кучлилик қилганидан Момо Ҳаво Одам Атога буғдой едириб кўйган.

Одамзод пайдо бўлибдики, янгиликдан қўрқади.

Чунки айнан шу янгиликка қўл уриб кўйиб, жаннатдан қувилган-да.

Демак, башарият тарихи, бир қарашда, эскилик билан янгилик ўртасидаги курашдан иборатдек. Бу кураш тўхтамайди, абад ул-абад давом этади.

Аммо бу кураш икки маҳалда жуда кескин тус олади:

– бир давлат қарамлигидан кутулиб, янги мустақил давлат кураётганда;

– бир ижтимоий-сиёсий тузумдан воз кечиб, иккинчи бир ижтимоий-сиёсий тузумга ўтаётганда.

Истиқлол йилларида халқимиз эскилик ва янгилик кураши зўраядиган ана шу икки босқични бир даврда бошидан кечирди. Ҳолбуки, буларнинг ҳар бири фуқаро учун жуда катта масъулият ва синов билан кечадиган жараён эди.

Шунинг учун ҳам Президент Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” мавзуида қилган тарихий маърузасида қайта-қайта “эски” ва “янги” атамалари билан боғлиқ тушунчаларга бот-бот тўхталди, бу иккаласини ўзаро қиёсга тортди, уларга муҳим аниқликлар киритиб ўтди.

Келинг, аввал “эски” ва унга маънодош сўзлар қўлланган айрим парчаларни кўриб ўтайлик:

– *“Шуни таъкидлаш лозимки, мустақилликка эришиш даври ҳақида, эски тузум инқирозга дучор бўлиб, собиқ иттифоқ парокандаликка юз тутган бир пайтда мамлакатимизда тобора кескин тус олган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият, ўзлигимизни англаш ва топталган миллий гуруримизни тиклашга қаратилган интилиш кучайиб боргани, Ватанимиз*

мустақиллигини қўлга киритиши қандай шароитда кечгани ҳақида яхлит, ягона ва холис кўз билан қараб баҳо берадиган жиддий таҳлил-тадқиқот ҳозиргача амалда йўқлигини афсус билан айтишига тўғри келади”;

– “Биз мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган **эски** мустабид совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиши ва фуқаролик жамиятини шакллантиришига азму қарор қилдик”;

– “Тарихан қисқа вақт ичида совет давридаги **эски** маъмурий-бўйруқбозлик тизимига барҳам берилди, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиши жсараёни амалга оширилди”;

– “иккинчидан – давлатнинг ўзи **эски** тузумдан янги тузумга ўтиши даврида бош ислохотчи бўлиши, яъни унинг мамлакатни давлатчилик, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда янгиланишга қаратилган ислохотларнинг ташаббускори бўлиши вазифасини ўз зиммасига олиши”;

– “Янги уй қурмай туриб, **эскисини** бузманг”;

– “Биринчи галда **илгари** шакланган хўжалик, ишлаб чиқариши ва молиявий алоқаларнинг бутунлай узилишига барҳам бериши, оммавий ишсизликнинг олдини олиши зарур эди”...

Худди шундай, маърузачи “янги” ва унга маънодош атамаларни ишлатди:

– “Биз бугун юртимизда **янги** ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган зоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак”;

– “Мамлакатимизни 1991 – 2000 йиллар давомида ислох қилиши ва **янгилаш** борасида қўлга киритилган натижаларни сарҳисоб қилар эканмиз, бугун ушбу босқич миллий давлатчиликни шакллантириши ва республикамизни барқарор ривожлантиришида мустаҳкам замин бўлди, деб айтишига барча асосларимиз бор”;

– “Боз устига, амалдаги совет пули ўз қимматини йўқотиб бўлган, **янги** миллий валютамиз эса ҳали жорий этилмаган эди.”;

– “**Янги** давлат ва жамият қуришида амалда ўзини тўла оқлаган қуйидаги беш тамойил асос қилиб олинди”;

– “иккинчидан – давлатнинг ўзи **эски** тузумдан **янги** тузумга ўтиши даврида бош ислохотчи бўлиши, яъни унинг мамлакатни давлатчилик, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда **янгилаш**га қаратилган ислохотларнинг ташаббускори бўлиши вазифасини ўз зиммасига олиши”;

– “Бухорода нефтни қайта ишлайдиган **янги** замонавий завод барпо этилди, Фарғона ва Олтиариқдаги нефтни қайта ишлаш заводлари модернизация ва реконструкция қилинди, уларнинг барқарор ва ишончли фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратилди”;

– “Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиши соҳаси корхоналарининг бутунлай давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши натижасида мамлакатимизда амалда кўп укладли иқтисодиёт шаклланди, мулкдорлар ва тадбиркорларнинг **янги** синфи пайдо бўлди ва бу синф йилдан-йилга юртимиз ҳаётида тобора салмоқли роль ўйнамоқда”;

– “**Янги** уй қурмай туриб, эскисини бузманг”...

Булар маърузадаги “эски” ва “янги” қиёсида келган сўзларнинг ҳаммаси эмас. Президент “эски” ва “янги” сўзларини ишлатмай туриб ҳам бу икки давр ёки тушунча ҳақида талай фикр-мулоҳаза билдирди. Чунки маърузанинг асл моҳиятида янгиликнинг эскилик устидан галабаси йўлини кўрсатиб, таҳлил қилиб бериш ётибди, дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам “эски” ва унга маънодош сўзлардан кўра “янги” ва унга маънодош сўзлар кўпроқ ишлатилган. Ҳатто, мустақилликнинг 16 йили икки муҳим босқичга бўлинди ва иккинчиси (2001 – 2007 йиллар) айнан “фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври” деб аталгани ҳам бежиз эмас. Ахир, “модернизация” дегани – “янгилашиш” дегани.

Хўш, барибир, янги шахс ким? Уни истиқлол даврининг энг катта бойлиги ҳисоблай оламизми? У қандай ўзига хос жиҳатларга эга? Янгиланиши учун у айнан қандай хусусиятларидан воз кечишга мажбур бўлган? Бундан буён жамиятни ким янгилайди?..

Бир ерда буларнинг барини санашнинг иложи йўқ. Катта-катталарини эслашнинг ўзи билан ҳам анча варақни қоралашга тўғри келади:

– Янги шахснинг Ватан ҳақидаги тасавури ўта муайянлашди, “Ўзбекистон – Ватаним маним” деб баралла айтадиган бўлди, чунки мамлакатимиз мустақил миллий давлатга айланди.

– Сунъий равишда, башарият устида эксперимент ўтказиш йўли билан жорий этилган социализмдан қутулди. Англаб етдики, биз “капитализм” деб ёмонлаб юрган давлатлар ҳар тарафлама социалистик мамлакатлардан ўзиб, баъзан, ҳатто, ақл бовар қилмас даражаларда ривожланиб, юксак турмуш фаровонлигига эришди.

– Одамларни синфий тоифаларга, яъни бой ва камбағалга бўлиб олиб муносабатни шакллантириш қатъиятидан воз кечди. Тушундики, интилмаса, тинмай изланмаса, меҳнат қилмаса, бой камбағал бўлиб қолиши, тиришса, оқилона йўллар излаб, меҳнат-машаққатдан қочмаса, камбағал чексиз даражаларда бой бўлиши мумкин экан.

– Ишлаб чиқаришни кимлардир тепадан туриб олдиндан тузган режа бўйича эмас, бозор иқтисодиёти, яъни талаб ва таклиф муносабатларидан келиб чиқиб, рақобат қонуниятларига амал қилган ҳолда ташкил этиш орқалигина чинакам тараққиёт содир бўлишини тушунди.

– Давлатни қандайдир бир гуруҳ, яъни партия эмас, халқ муқобиллик асосида сайлаган Президент бошқариши лозимлиги, муқобиллик асосида халқ сайламаган бирон-бир киши қонун қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлолмаслиги унга аён бўлди.

– Ҳеч бир давлат ё халқ ўзининг тор қобилларига ўралиб олиб яшаши, раванқ топишининг асло имкони йўқлигини, Ўзбекистон ҳам дунёнинг бир узвий, ажралмас қисми, унинг халқи ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмаслигини обдон билиб олди. Бу эса янги шахсни дунё билан боғланишга, дунёдан ўрганишга, бор бисотини дунёга олиб чиқиб, керак бўлса, кўз-кўз қилишга, халқнинг башарият тамаддунига қўшган буюк ҳиссасини билдириб қўйишга ундади.

– “*Давлат халқни боқади*”, – деган хато гапни шўро давлати халқни алдаш учун чиқарганини, аслида эса халқ меҳнати билан ўзини ўзи боқиши ва топган даромадидан солиқ тўлаш орқали давлатини ҳам мустақамлашини тушунди. Бу эса мамлакат тараққиёти учун ҳар бир фуқаро ҳам масъул эканини, ривожланишининг бевосита унга ҳам боғлиқ жойи борлигини теран ҳис этишга чорлади. Бундан буён завод-фабрикаларнинг аксариятини давлат эмас, айнан одамлар куриши лозимлигини ҳис этди.

– Динни “*оғу*”, “*афюн*” деб эмас, *муқаддас маънавий қадрият*, *буюк ахлоқий мезонлар мажмуаси*, *юксак инсоний эътиқод* деб қабул қилиш, эмин-эркин диний маросимларни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди.

– Ҳар бир халқ ўз меросидан озиқланиши, у билан фахрланиши, уни ўрганиши, керак бўлса, дунёга кўз-кўз қилиши мумкин эканини ҳис қилиб яшай бошлади.

– Вақт инсоннинг қўлидаги энг ғанимат, энг улуғ бойлик эканини, бутун башарият бир-бири билан айнан шу вақтдан ютиш ўйини ўйнаётганини, ақлни, бутун салоҳиятни айнан онг-тафаккур кучини ишга солиб, кам меҳнат сарфлаб, кўп самара оладиган усул ва услубларга, техника ва технологияга ўтиш зарурлигини, Президент Ислон Каримов айтганидек, “*Куч – билим ва тафаккурда*” эканини теран англади...

Бу санокни ҳали анча давом эттириш мумкин.

23 йил учун шуларнинг ўзи ҳам кам ўзгариш эмас. Шунинг учун Президент Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги “*Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли*” мавзуидаги маърузасида “*аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берган*”ини энг муҳим ўзгариш сифатида қайд этган, хатто, буни лўнда қилиб: “*Одамларнинг ўзи ўзгарди*”, – деб баҳолаган эди.

Аммо бир аччиқ ҳақиқатни тан олиб айтиш керак: ҳаётимизда “эскилик” билан “янгилик” ўртасида бағоят кескин кураш кетяпти. Биз янгилик тарафида турган шахсни таҳлил қилган бўлдик. Хўш, “эскилик” тарафдорлари йўқми? Уларни, шартли равишда, бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:

- эскиликдан манфаат кўрганлар, уни қўмсаётганлар;
- янгиликни ҳазм қилолмай, тушунолмай юрганлар;
- янгиликни ўзлаштира олмаганлар, орқада қолаётганлар...

Бир нарсага амин бўлайлик: истиқлол ўз марраларини эгаллагани сари бундайларнинг сони камайиб, улар янгилик тарафдорлари сафига ўта боради. Аммо онгда бу жараёнлар силлиқ кечавермайди. Силлиқ кечиши учун эса истиқлол йилларида юз берган улкан ўзгаришлар жараёнларининг кўп-кўп кирраларини атрофлича таҳлил қилиб, тушуниб олишга тўғри келади.

Мисол тариқасида: *“Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун”*, – деган ғояни олайлик. Мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг тўқис ҳаётини барпо этиш, аҳоли турмуш фаровонлигига эришиш эмасми? Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида айнан қуйидаги сўзлар битиб қўйилгани ҳам бизда инсон манфаатлари бош масала эканидан яққол далолат беради:

“Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”.

Айнан шунинг учун ҳам мустақиллик – аввало, ҳуқуқ. Буни ҳар тарафлама ва чуқур англаб етмоғимиз зарур. Истиқлол йилларида демократик фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат барпо этиш, янги-янги қонунлар қабул қилиб, миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида эришилган улкан ютуқларимиз демократия борасида қандай юксак даражаларга етганимизни исботлаб турибди.

Ўзбекистон – кўпмиллатли мамлакат. Бу бизнинг улкан ютуғимиз. Бизда ҳар бир миллат ва элат вакилининг ўз миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини асраб-авайлаши, ривожлантириши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистон Байналмилал маданият маркази мамлакатдаги миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштиради. Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов ўртага ташлаган: *“Шу азиз Ватан – барчамизники”*, – деган шиор ана шу байналмилал сиёсат моҳиятини тўла акс эттиради.

Конституция ва қонунларимиз асосида барча фуқароларга, миллатидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликлар берилган, миллатлараро тотувлик миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири ҳисобланади, турли миллат вакиллари бўлган фуқароларимизнинг мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Ишлаб чиқаришни оласизми, илм-фан ва техника деймизми, маданият ва спорт, адабиёт ва санъат соҳаларига назар ташлайсизми, турли миллат вакиллари бўлган фуқароларимизнинг фидоийлигини кўрамиз. Давлат мукофотлари билан тақдирланганлар,

давлатнинг сайлаб қўйиладиган органларида меҳнат қилаётганлар орасида ҳам ҳар хил миллат ва элатлар вакиллари бор.

Истиқлол кадр-қиммат, ор-номус, ғурур экани – ҳаммамизга аён. Шунинг эътиборига эришилди, мустамлакачилик сиёсати даврида халқимизнинг кадр-қиммати ерга урилди, ор-номуси ва ғурури топталди. Айнан истиқлол туфайлигина унинг кадр-қиммати, ор-номуси ва ғурури жой-жойига қўйилди, уларни тиклаш учун изчил ва оқилона сиёсат олиб бориляпти.

Биз ҳам мустақил давлат барпо этишимиз, ҳам бира-гўла эски социалистик тузумдан тамоман воз кечиб, ўрнига бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузум – эркин фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат қуришимиз. Бунинг учун олдиндан иқтисодий ислохотлар стратегиясини аниқлаштириб олиш керак эди.

Жаҳонда “Ўзбек модели” дея тан олинган, мухтарам Президентимиз Ислам Каримов томонидан шакллантирилган ўтиш даврининг беш машҳур тамойили, яъни иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, ишлаб чиқаришни мафкурадан холи қилиш; давлатнинг бош ислохотчилиги; қонун устуворлиги; аҳолининг мураккаб демографик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий ҳимоя тизимини жорий этиш; бозор иқтисодиётига тадрижий асосда, яъни босқичма-босқич ўтиш мамлакат учун жуда мураккаб бўлган йиллар, жумладан, жаҳонда 2008 йилдан буён кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида ўзини тўла оқлади.

Иқтисодиётимизнинг тубдан ислох қилингани, бозор муносабатларига ўтилгани, ўзаро рақобат ва бевосита манфаатдорлик асосидаги иқтисодий сиёсат олиб борилаётгани, бу эса ўзининг катта самараларини бераётгани, жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, мамлакатимизда кейинги олти йил мобайнида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўртача 8 фоиздан ошиқроқ ўсишга эришилаётгани, импорт ҳиссасининг камайиб, эксперт улушининг ошиб бораётгани, инвестициялар кириши кучаяётгани, эркин иқтисодий зоналар (Навоий, Ангрен, Жиззах) барпо этилаётганини, янги-янги замонавий завод ва фабрикалар қурилиб, ишга туширилаётганини ўйласак, Ўзбекистонимизни қандай порлоқ истиқболлар кутаётгани янада ойдинлашади.

Мухтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йили чоп этилган бир китоби “Маънавий юксалиш йўлида” деб номланган. Биз маънавий юксалиш йўлида мисли кўрилмаган даражадаги ютуқларга эришдик. Мамлакатимизда маънавий ислохотлар (ёшлар тарбияси, ўзликни англаш, миллий қадриятларни тиклаш, дин, тарих, миллий мерос, адабиёт ва санъатга янгича муносабат, маданият, жисмоний тарбия ва спорт, таълим тизими, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва ҳоказолар) борасида қилинган ишларни айтиб, адоғига етиш – мушкул.

Истиқлол бизга: “*Ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам*” (Ислам Каримов) деган фикрни баралла айтиш имконини берди. Ҳар биримиз ана шу шиор туб моҳиятини тушуниб олишга, бунинг учун тарихда халқимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган ниҳоятда улкан ҳиссасини, истиқлол йилларида эришган

ютуқларимизни, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаганимизни, истиқболимизда кутилаётган буюк ўзгаришлар моҳияти ва аҳамиятини чуқур англашга киришдик.

Ўзбекистон – ёшлар мамлакати. Чунки бизда аҳолининг тенг ярмини 18 ёшгача, учдан икки қисмини эса 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ёшлар – келажагимиз.

1997 йили “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури” қабул қилиниб, таълим тизими замон талаблари асосида тубдан ислоҳ этилди, бу борада катта ютуқларга эришдик, соҳани янада такомиллаштириш, замонавийлаштириш, таълим муассасалари моддий-техникавий базасини кучайтириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Ёшларимиз вакиллари эришаётган ютуқлар, айниқса, уларнинг илм-фан, маданият, спорт соҳаларида жаҳон миқёсида ўзини кўрсатаётгани бу сиёсат замирида теран маъно-мазмун ётганидан далолат беради.

Бизда: *“Муқаддас ва мўътабарсан, аёл”*, – деган ақидага қатъий амал қилинади. Бинобарин, ҳар бир жамиятнинг маданий қиёфаси, аввало, хотин-қизларга муносабат даражасига қараб белгиланади. Мамлакатимизда аёлларга яратилган чексиз имкониятлар, уларга берилган имтиёзлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу борадаги 3434-сон фармони (2004) аҳамияти, истиқлол йилларида фидоийлик билан меҳнат қилган аёлларимизнинг муносиб тақдирланиши, Зулфия мукофотининг жорий этилиши ва бошқаларни эсдан чиқаришга ҳаққимиз йўқ.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2013 йилнинг 25 январиди бўлиб ўтган навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясида мамлакатимизда амалга оширилаётган кўламли ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашда хотин-қизларимизнинг ўрни ва мавқеи беқиёс экани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Конференция иштирокчиларига йўллаган табригида, жумладан, шундай дейилади: *“Бу ташкилотнинг мамлакатимиз аёлларининг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш борасидаги кўп қиррали фаолияти, жаҳон хотин-қизлар ҳаракатининг эътибор марказида турган долзарб масалаларни ҳал қилишга қўшган ҳиссаси, айниқса, охириги йилларда унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кучайтриришга олиб келди”*.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлиги, соғлом турмуш тарзини барпо этиш йўлида ҳам катта ишлар қилинди. Буни дунё ҳамжамияти ҳам тан олди. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш борасидаги ислоҳотлар Тошкентда ўтказилган халқаро конференцияда ҳам алоҳида ва қайта-қайта қайд этилди.

Ўзбекистонимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, тобора такомиллаштириш, аҳоли тиббий онгини юксалтириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар айнан истиқлол берган имкониятлар эмасми?

“Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш” – миллий мафкурамизнинг бош ғояси, *“Ватан равнақи”* эса – унинг асосий ғояларидан бири. *“Озод юртим – обод юртим”*, – деган сўзлар бугун ўзига

хос бир шиорга айланган, десак, муболаға бўлмас. Аммо бу гоё бизни изчил ҳаракатга ундайди. Шаҳар, қишлоқ ва овулларимизда амалга оширилаётган улкан ободонлаштириш ишлари, хусусан, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий уй-жойлар барпо этиш бўйича қилинаётган тизимли бунёдкорликларни қаранг. Биринчидан, бу уйлар замонавий ва миллий талабларни ўзаро уйғунлаштирган ҳолда қуриляпти. Иккинчидан, имтиёзли кредит асосида бунёд этиляптики, бу, хусусан, ёш оилаларга жуда-жуда қўл келяпти. Учинчидан, уй эгалари йиллаб лой қориб, ғишт ташиб, уста боқиб юриши шарт эмас. Тўртинчидан, ҳаммаси пишган ғишт билан солиняптики, бу уларнинг узоқ муддат хизмат қилишини таъминлайди ва ҳоказо.

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати жаҳон ҳамжамиятида юксак қадрланади. Давлатимиз раҳбарининг минтақамиз ҳамда жаҳон миқёсида тинчликни таъминлаш бўйича ўртага ташлаган кўплаб ташаббус ва саъй-ҳаракатлари, жумладан, Марказий Осиёни ядросиз зонага айлантириш, Афғонистон муаммоларини фақат сиёсий йўл билан ҳал этиш бўйича амалга оширган ишлари, 2012 йил сентябрида “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилингани, ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда тинчликни сақлаш ва қадрлашнинг аҳамияти ҳақида ҳар қанча гапирсак – оз.

“Нон – ризқ-рўзимиз”. Бу бизга ота-боболардан келаётган ҳикмат. Истиқлол йилларида бу ҳикматнинг қадри янада ортди. Чунки биз ғалла мустақиллигига эришдик, кейинги йилларда ҳар йили камида 7,5 миллион тонна ғалла етиштириляпти. 1991 йили ғалламиз 1 миллион тоннага ҳам етиб-етмас эди. Чунки пахта яккаҳукмронлиги мавжуд эди. Ҳозир эса ҳар йили киши бошига камида 250 килограмм ғалла етиштиряпмиз. Бу камида ҳар куни киши бошига камида 0,5 килограмм ун (бир буханка нон) бор дегани. Ўзбекистонимизда ҳеч қайси замонда бу қадар кўп ғалла етиштирилмаган. Бу амалда давлат ва халқ жипслигининг ёрқин бир кўриниши ҳам ҳисобланади.

Фақат ғалла эмас, умуман, истиқлол йилларида мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мисли кўрилмаган даражада кўпайди. Ҳозир қишин-ёзин бозорларимизда помидор, бодринг, булғори ва бошқа маҳсулотлар мавжуд. Картошка мустақиллигига эришдик.

Президент Ислом Каримовнинг 2011 йили чоп этилган “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобидан яхши хабардор киши биладики, Ўзбекистонимиз шўро даврининг охирги йилларида гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухумни умуман Иттифоқ аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилган (5-бет). Ҳозирги кунда йил-ўн икки ой бозорларимизда тухум сероб. Мамлакатимиз бўйича 50 миллион бош товуқ бор. Бу, *ҳар бир фуқаро учун ҳар куни бир яримта товуқ тухум беряпти*, дегани. Ҳар биримиз фуқаро сифатида шунга имкон яратиб берган давлатга ҳам, шу меҳнатни ташкил этган халққа ҳам раҳмат айтишимиз керак.

Истиқлол йилларида бизда йўл стратегик масалалардан бирига айланди. Мамлакат тараққиётининг йўл-коммуникациялар даражасига бевосита боғлиқлиги, юртимизда истиқлол йилларида Қамчиқ довони қурилгани,

шимолда Нукусгача, жанубда Термизгача жами қарийб 1000 километрга яқин масофадаги янги темир йўллар тортилгани, Тошкентдан Самарқанд, Бухоро, Қаршигача тезюрар поезде, Самарқандга эса тезюрар замонавий электр поезде катнови йўлга қўйилгани, бу соҳанинг истиқболлари барчамизни қувонтиради, албатта.

Шўро даврида фақат ва фақат давлат мулки бор эди. Истиқлол йилларида бизда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесга *тараққиёт омили* деб қаралди. Чунки *бозор иқтисодиёти* дегани – аввало, *хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес* дегани. Бу борада амалга оширилган улкан ишларни, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг катта қисми шу соҳага тўғри келаётганини фуқаро сифатида, шу она юрт фарзанди сифатида ҳар биримиз англаб етишимиз зарур.

Истиқлол йилларида, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Тошкент шаҳрида ҳам мисли кўрилмаган даражада улкан ишлар амалга оширилди. Очиғини айтганда, бундан чорак аср олдин бу ерда бўлган киши қайтиб келиб, шаҳримизни мутлақо танимай, кўчаларимизда адашиб қолиши – аниқ. Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов 2013 йилнинг 19 июни куни бўлиб ўтган Жиззахдаги учрашувларда фақат пойтахт эмас, амалда мамлакатнинг барча шаҳар ва қишлоқлари замон талаблари даражасида обод бўлиши зарурлигини, жумладан, Жиззах шаҳрини ободонлаштириш бўйича айнан қандай лойиҳалар амалга оширилиши лозимлигини уқтирди. Бош мақсад – одамларни, фуқароларимизни хурсанд қилиш, уларнинг бахтли ҳаёт кечириши учун барча имкониятларни яратишдан иборат эканини алоҳида қайд этди.

Истиқлол йилларида эришган энг катта ютуғимиз – одамларнинг онг-тафаккури ўзгаргани. Бугунги мураккаб ва таҳликали дунёда одамларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун катта кураш кетаётган бир паллада бу бизнинг ниҳоятда катта муваффақиятимиз ҳисобланади.

Бироқ онгдаги тағйиротни кўл билан ушлаб, кўз билан кўриб, тўр билан тутиб... бўлмайти-да. Уни фақат тафаккуру тасаввур кучи билан сезиш, ҳис қилиш мумкин. Бунинг учун эса, аввало, ҳаётимизнинг мазмун-моҳияти қандай ўзгарганидан келиб чиқиш керак.

Йигирма уч йил ичида халқ ўзини ўнглаб олди. Ватан бевосита тараққиёт босқичига кирди. Миллий давлат қурилди. Мамлакат мустақил ҳолда ўз тақдирини ўзи белгилаб, халқона ифода билан айтганда, ўз кунини ўзи кўраётир.

Халқимиз донни бекорга ризқ-рўз демас экан. Дон борки, уни қайта ишлайдиган саноат корхоналари кўпайяпти. Дон борки, нон бор. Бироқ ғалланинг кўпайгани шарофати шулар билангина ўлчанмас экан.

Шўро даврида камина бор-йўғи икки марта қирғовулни кўзим билан кўрганман. Биринчиси – Тошкентдаги хайвонот боғида. Иккинчиси – Бухоронинг Шофиркон туманидаги Вардонзе қалъаси кўриқхонаси ҳудудида. Ҳозир Бухоронинг чўлга туташ туманларида тустовуқ шу қадар кўпайганки, ҳатто, одамларнинг томорқаларидаги тоқзору макказорларда

ёзда икки мартадан жўжа очяпти ҳам. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразмда, бошқа вилоятларда ҳам шу нарсани кузатиш мумкин.

Чунки бу қушнинг бахузур кўпайиши учун бир неча омил бор. Биринчидан, ғалла, яъни қушлар учун етарли озуқа пайдо бўлди. Иккинчидан, пахтазорларни кимёвий заҳарли моддалар билан дорилаш тўхтади. Учинчидан, чўлнинг суғориладиган ерларга яқин жойларида ёввойи табиат жонланди – юлғунзору саксовулзорлар кўпайди. Тўртинчидан, ноқонуний овчиликка барҳам берилди, аҳоли кўлидаги хужжатсиз милтиқлар териб олинди. Бешинчидан, ўқ-дори қимматлашди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан тайёрланган “Ўзбекистон Республикасида атроф муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида миллий маъруза (2002 – 2004)” мазмунида ҳам бу алоҳида қайд этилган. Ҳатто, 2004 йилдан кўп йиллар давомида биринчи бор бутун Ўзбекистон ҳудудида қирғовулларга лицензияли спорт-ишқивозлик ови очилди.

Бу ҳам – бир барака.

Истиқлол даврининг йилма-йил таҳлили яна бир муҳим хулосани айтишга асос беради: йигирма уч йилда Ўзбекистонимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий кифоаси батамом ўзгарди. Одамлар тафаккурида кескин сифат ўзгариши содир бўлди. Бугунги халқ ўн олти йил бурунги халқ эмас.

Бу ўзгаришлар, борингки, яна ўн-ўн беш йилдан кейин яна қандай ширин мевалар беришини бир кўз ўнгимизга келтириб кўрайлик. Шунда кўнгилга беихтиёр умидбахшлик, шукр ва фахр ҳисси инади.

Биз “*халқимиз*”, “*Ватанимиз*” деган улуғ сўзларни ишлатиб ўрганганмиз. Ўтган йигирма уч йилнинг буюк шарофати шуки, энди шунинг ёнига “*давлатимиз*” деган яна бир улуғ сўзни қайта-қайта айтадиган бўлдик. Чунки мустақиллик бизга ана шу миллий давлатни қуриш имконини яратди. Давлат – халқнинг мислсиз бойлиги. Бу буюк бойлик халққа хизмат қилиши керак.

Истиқлол амалда фуқароларда дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга, уларни янги-янги марралар сари илҳомлантиришга даъват этади. Чунки ҳар қандай тараққиётнинг туб замирида улкан меҳнат-машаққат ётади. Ҳар биримиз – шуни обдон тушуниб олишимизга бурчлимиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллигини муносиб нишонлашдан кўзланган бош мақсад ҳам – шу.

Байрамона кайфият дилнинг туб-тубидаги айрим фикрларни баралла айтиш учун айрича бир руҳ бағишлайди.

Мустақил Ўзбекистон, кадр-қимматимсан!

Чунки ҳар ким, аввало, ўз Ватанида кадр-қиммат, ҳурмат-эҳтиром, бахт-саодат топади.

Мустақил Ўзбекистон, таянчимсан!

Чунки Ватандан азизроқ маъво йўқ бу дунёда.

Мустақил Ўзбекистон – ифтихоримсан!

Чунки Ер юзида Ўзбекистонимиз – яккаю ягона, биз у билан ҳар қанча фахр-ифтихор қилсак ҳам, кам. Бунга унинг бой ўтмиши ҳам, равнак топаётган бугуни ҳам, порлоқ келажаги ҳам тўла асос беради.

Ич-ичдан ўз-ўзингга даъват қилгинг келади:

*Абадий уйқуга келар вақт,
Эрталаб эртароқ турайлик.*

*Югурик пойгадир бу дунё,
Кел, эй дўст, биз ҳам от сурайлик.*

*У ёнга, бу ёнга ташламай,
Мақсадга яқинроқ юрайлик.*

*Солланиб, ёлланиб на қилдик –
Мўлжални аниқроқ урайлик.*

*Умрнинг минорин тошданмас,
Дилдаги гуллардан қурайлик.*

Шунча мулоҳазадан кейин бир хулосани дадил айта оламиз: халқ “*Истиқлол – бахтим, саодатим!*” – дейишга тўла ҳақли.

ВАТАНИМСАН, ВАТАНИМ!..

Ноихтиёрийлик

Қайси юртда дунёга келишимизни Яратган биздан сўрамайди. Фақат шунинг ўзинигина ҳисобга олганда ҳам, Ватан ҳақида оғиз кўпиртириб гапириш яхши эмас. Бу мавзуда, ҳатто, биргина баландпарвоз сўз қўллаш ҳам носамимийликка сабаб бўлади. “*Ватанни севиш керак*”, “*Ватан учун жон берса – арзийди*”, “*Ватанпарвар бўлайлик*”, “*Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялайлик*”, – дегандек гаплар шиорларгагина ярашади. Она юрт ҳақида “*Ватан*” сўзини қўлламай ҳам гапиравериш мумкин.

Халқ билиб айтади

Лекин икки жилдли “Ўзбек халқ мақоллари” тўпламида “*Ватан*” сўзи билан 16, “*юрт*” сўзи билан эса нақд 22 мақол бошланади. Ҳар бирининг оламча маъно-мазмуни бор. Шулардан баъзиларининг ҳаётий мағзини чақиб кўрайлик.

“Ватан гадоси – кафан гадоси”, “Ватангадо бўлгунча, кафангадо бўл”, “Ватандан йироқлашган номусдан ўлар”, – дейди халқ. Бекорга айтмайди.

...Қишнинг чилласида бир ватандошимиз қари отасини ҳам олиб, Остонадан нари тарафларда яшайдиган қариндошларидан хабар олгани борган экан, тақдир тақозоси билан отаси ўша ерда бандаликни бажо айлабди. Яқинлари маслаҳати билан ўша ерга дафн қиладиган бўлишибди. Овул катталари келишиб, таъзия соатини ҳам белгилашибди. Одамлар йиғилибди, у ерларда бошқаларнинг таъсирида аллақачон таомилга кириб бўлган анъанага кўра, бир яшик ароқ ҳам дастурхонга тортилибди. Магнитофонда Арабистондан келтирилган кассета қўйилиб, “Қуръон” тиловат қилинган бўлибди. Кейин дуо ўқилиб, ширакайф одамлар уй-уйига тарқай бошлабди. Соҳиби таъзиянинг боши қотиб, овул оқсоқолини тўхтатиб-да:

– *Майитни кўмиб келмаймизми, ахир?* – деб сўрабди.

– *Уни энди кўкламда кўмамиз. Ер қақшаб, яхлаб ётибди-ку, гўр қазиб бўладими шу қишда?! Ўликни наमतга ўраб, бир бўш хонанга ташлаб қўй, апрелгача тарашадай яхлаб ётаверади,* – дебди.

Ўзбекистонлик киши умрида шундай ҳолатга тушганми? Йўқ. Отангнинг майити нариги хонада яхлаб ётса, сен энди қўшни хонада қандай ухлайсан?

Ўша кечаси магистраль йўлга чиқиб, юртга келаётган бир катта машина ҳайдовчиси билан гаплашибди. *“Нарсаларимни шу наमतга ўраб олдим”,* – деган баҳона қилиб, бояги ўралган наमतни ҳам ортиб, Ватанга қайтиб келибди...

...Тижорат йўли билан Бирлашган Араб Амирлигига борган бир ватандошимиздан ўша ерлик боёнлардан бири:

– *Сен қаерликсан ўзи? Оиланг, бола-чақанг, ҳовли-жойинг борми?* – деб сўраб қолибди.

Юртдошимиз Ўзбекистонимизни, ўзи туғилиб ўсган гўзал водийни, сўлим қишлоғини, сўнг ҳовли-жойини таърифлаб кетибди:

– *Саккиз сотихли ҳовлим, олти хонали уйим, аёлим, икки ўғил, бир қизим бор. Ҳовлимизнинг ўртасидан ўтган ариқда қишин-ёзин зилол сув оқади. Иморатимизнинг атроф-жойиби ток сўри. Уч-тўрт тупдан гилос, ўрик, олма, нок, анжир, анор... экиб қўйганман. “Жигули”м, бир сигир, икки бузоқ, тўрт-беш қўйим бор...*

– *Рост гапиряпсанми, ёлгонми?* – дебди хўжайин унинг гапини шарт кесиб. – *Ахир, бу нарсалар жаннатдагина бўлади-ку! Бу – биринчидан. Иккинчидан, шунча ноз-неъматга эга имкониятни, жаннатдай Ватанингни ташлаб, нима қилиб бу қуп-қуруқ, жазирама юртларда санқиб юрибсан?..*

Ватан қадри

...Бухоронинг Кумушкент қишлоғида тўйда эдик. Дунё кўрган биродаримиз табрик сўзида ғалати мисол келтирувди, ғала-ғовур босилиб, тўйга йиғилган тумонат одам бирдан тинчиб қолди:

– *Агар Макка ё Мадинада яшаётган бир арабни уйқусида қишлоғимиздаги ости кўм-кўк майсазор бўлиб ётган ҳув манави ўрикзорга олиб келиб, уйғотсалар-у, ана шу кўз очиб кўрганнинг жаннат бўлади, жўра, десалар, чиппа-чин ишонади. Чунки Арабистондек иссиқ ўлкада бунақа бозроғ тушгагина кириши мумкин, холос.*

“Ватанимдур, Ватанимдур, Ватанимдур, Ватаним!..”

...2004 йил апрелида Бокудаги Рашид Бехбудов таетрида “Навоий ва Фузулий” адабий кечасига қатнашиш насиб этди. Анжуманнинг энг ҳиссий нуқтаси – ҳадди аълоси шу бўлдики, суҳандон қиз Фузулийнинг:

*Пунбайи доғи жунун ичра ниҳондур баданим,
Дери ўлдуқча либосим будур, ўлсам кафаним, –*

деган матла билан бошланадиган машҳур ғазалини ўқиб келиб, охириги сатрни ширин озарбойжон талаффузида кироий маҳорат билан икки карра такрорлади:

*Ватанимдур, Ватанимдур, Ватанимдур, Ватаним!
Ватанимдур, Ватанимдур, Ватанимдур, Ватаним!*

Ғазалда Муҳаммад Фузулий “*Ватаним*” сўзини қўллаш орқали ёрнинг кўчасини кўзда тутган эди. “*Ёр*” деганда эса зимдан Аллоҳ назарга олинади. Лекин, айтсам, ишонмайсиз – театр бу сатрдан мутаассир бўлиб, тамом жунбушга келди. Аксар томошабинлар азбаройи Озарбойжонга бўлган меҳр-муҳаббати жўшганидан бош силкишга тушди. Ҳолбуки, Фузулий, асли, Ироқнинг Карбало шаҳрида туғилиб, ўша ерда яшаб, ижод қилган шоир эди, агар у бу сўз билан ўз юртига меҳрини ифодалаган тақдирда ҳам, аввало, Ироқ Карбалосини ўйлаган бўлар эди, албатта.

Бу буюк сатр театрдаги биз – ўзбекистонликларни ҳам бетаъсир қолдирмади. Аммо “*Ватаним*” деганда биз ҳаммамиз Ўзбекистонимизни ўйладик, ҳар биримиз унинг ўзимизга таниш гўзал гўшаларини кўз олдимизга келтирдик, бу бирдан соғинчга, фаҳрга, меҳрга айланди, юраклар гупирлаб кетди.

Ватан шунақа нарса: “*Ҳар кимники ўзига – Ой кўринар кўзига!*”

Тараққиёт ҳуқуқи

Тарихда қайси мустамлака мамлакат гуллаб-яшнабдики, қарийб бир ярим асрлик истибдод даврида биз ўнгланиб кетган бўлсак?! Мустабид тузумдан бизга оғир бир ижтимоий-иқтисодий аҳвол мерос бўлиб қолди. Ватан ўзиники бўлмаганида, яъни мустақиллик қўлга кирмаганида эди халқ бундай мушкулотлар исканжасидан ҳозирги даражада қутулиб кета олмаган бўлар эди. Шунинг учун истиқлол ва Ватан – бир-бирига чамбарчас боғлиқ тушунчалар.

Аммо, *мустақилликка эришсак, бас, ҳамма нарса ўз-ўзидан бўлиб кетаверади*, деб ўйлаш – ўта содда одамнинг мулоҳазаси. Мустабид тузум асоратларидан оқиллик, сабот-матонат, меҳнат-машаққат билан, давлат ва халқ бирлиги орқалигина қутулиш мумкин эди.

Айтарини айтган юрт

Ўтган тарихан қисқа даврда Ўзбекистон дунёга айтарини айтди. Ер юзидаги катта-кичик ҳар қандай давлат бугун биз билан ҳисоблашишга мажбур. Бугун буни ҳар ким ҳар даражада тушунар, лекин истиқлол миллий тарихимизга ҳам, жаҳон тарихига ҳам айнан шундай маънода киради.

Ватан, эҳтимол, менсиз ҳам яшайверар. Лекин, ҳақиқат шуки, мен Ватансиз яшай олмайман!

Шундай деб ўйлар эканмиз, бошқа бир жиҳат ойдинлашади: демак, мен ҳам Ватанга керак фарзандга айланишим лозим.

Ватанга керак бўлиш даражасини ҳар ким ўз интилиши, малакаси, меҳнати билан таъминлайди.

Доҳиллик

Маҳаллангизда бака-банг тўй бўлиб ётса-ю, биров сизни унга чақирмаса, ҳар қандай кишининг кўнглидан аллақандай туйғу кечадими? Мустақиллик йилларида шунча иш қилинаётган бўлса – камида, бу ёғи Нукус, бу ёғи Термизга борадиган темир йўл қуриб битказилса, Қамчиқ довонидан ғизиллаб автомобиллар кечасию кундузи Фарғона водийсини Тошкент ва бошқа минтақаларга, бу ёқни эса водийга улаб турган, Асакада ЎзДЭУ, Бухорода нефтни қайта ишлаш, Қўнғиротда сода заводи қурилиб, ишлай бошлаган, шаҳарлар, қишлоқлар, йўллар, кўчалар, ўқув даргоҳлари, мақбаралар, зиёратгоҳлар... обод бўлаётган бўлса-ю, ўзингни бу ишларга асло дахли йўқдек сезиб турсанг, сени худди ўша тўйга чақирилмагандек бир ҳис-туйғу чулғамайдими?

Айнан Ватан бизда ўттиз бир миллиондан ортиқ кишини бир-бирига чамбарчас боғлайди. Рустам Қосимжонов шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритганида дунёнинг қайси мамлакати халқи қувонди? Жаҳон чемпиони билан халқни боғлаб турган ришта нима?

Ватан, албатта.

Ҳар қандай меҳнатга муносиб ҳақ тўланадиган замонни аввал яратиб олиш керак. Мустақилликни қонунсиз равишда бойиб олишнинг Худо берган қулай имконияти санаб юрганлар ўзи билсин, жавобини ўзи берсин. Бошқаларни билмадим-у, ҳар ҳолда, *мустақиллик миллион-миллион фуқаронинг фидоий меҳнати, жасорати билан қўлга киради, мустаҳкамланади, юрт шу тариқа оёққа туриб, ўнгланиб, тараққиётнинг катта равон йўлига чиқиб олади*, деб ўйлайман.

Бошқача бўлишини тасаввурга келтириш – қийин.

ЙИГИРМА УЧ ЙИЛНИНГ БУЮК МОҲИАТИ

Уч буюк замон бирлиги

Замон мавҳум тушунча эмас. У мантиқан учга – *ўтмиш, бугун ва келажакка* бўлинади. Халқ – ҳамиша тарихи билан тирик. Тарих фақат ўтмишгина эмас. У халққа, албатта, бугуни, эртаси учун керак. Бу уч замон орасида нақди – ҳозирги замон. Чунки тарих ўтиб бўлган, келажак эса – ҳали олдинда. Биз бугунимиз билан тирикмиз.

Шунинг учун ҳам буюк мутафаккир Алишер Навоий “Махбуб ул-қулуб” асарида номаълум бир муаллифнинг мана бу шоҳона байтини келтиради:

*Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,
Не учунким, дам – бу дамдур, дам – бу дамдур, дам – бу дам.*

Ҳар ким ўтиб бораётган вақтининг нақдлигини унутмаслиги, уни ғанимат билиб, имкони борича мазмунли, фойдали ўтказишнинг тадоригини кўравериши керак.

Уч буюк қудрат

Дунёда буюк тушунчалар, муқаддас қадриятлар – кўп. Лекин уч тушунчанинг булар орасида ўзгача ўрни ва алоҳида аҳамияти бор.

Бу – халқ, Ватан, давлат.

Уларни бир-биридан алоҳида тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Халқ бўлмаса, Ватан ва давлат тушунчаларига эҳтиёж ҳам қолмайди. Ватан бўлмаса, халқ қаерда яшайди-ю, қай гўшада давлат қуради? Халқ бўлса-ю, Ватан бўлса-ю, давлат бўлмаса, бу халқ ва Ватаннинг бахти – кемтик...

Ўзбекистон деган буюк тушунча – аслида, ана шу уч тимсолнинг бирлигидан иборат.

Тўғри, 1991 йилнинг 31 августига қадар ҳам халқимиз бор эди. Ўзбекистон деган ҳудуд шу-шу эди. Демак, Ватан ҳам бор эди. Фақат нима йўқ эди? Халқнинг қўлида миллий давлати йўқ эди. Бошида ўз давлати йўқ

халқнинг пешонаси – шўр, бахти ҳам – яримта. Ўз-ўзидан, нони ҳам бутун эмас.

Ахир, Ватан бўлса-ю, унга ўзинг эга чиқолмасанг. Халқинг бўлса-ю, юрак ютиниб: “*Халқим!*” – деёлмасанг. Республика мадҳиясини аввал ўзингдек бошқа бир халққа салом бериб, бошласанг...

Мустақиллик халқни ДАВЛАТга эга қилди. Шундан буён 1 сентябрни Ўзбекистон Республикасининг ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ куни сифатида катта тантаналар билан нишонлаймиз.

Уч буюк ислохот

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августида навбатдан ташқари бўлиб ўтган ўша тарихий сессиясида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги билан бирга халқ ва мамлакат тарихидаги яна бир янгиликни – собиқ социалистик тузумдан воз кечиб, унинг ўрнига янги демократик тузум, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этишни эълон қилди. Ана шу янги жамиятни қуриш учун уч йўналишда – *сиёсий, иқтисодий ва маънавий* соҳаларда ислохотлар олиб борилиши қайд этилди.

Ўтган 20 йил мобайнида мамлакатимизда ана шу уч ислохот изчиллик билан амалга ошириб келиняпти.

Уч буюк рамз

Давлат бўлганидан кейин унинг рамзлари ҳам қабул қилиниши керак эди. Бу давлат рамзлари қаерда бўлса ҳам, давлатни англашиб, уни ифодалаб туради.

1991 йилнинг 18 ноябрида *Давлат байроғини*, 1992 йил 2 июлида *Давлат гербини*, 1992 йил 10 декабрида эса *Давлат мадҳиясини* қабул қилдик.

Ватан каби Давлат рамзлари ҳам муқаддас саналади.

Уч буюк босқич

Инсонда хотира ҳар хил бўлади.

Истиклолнинг 23 йили – тарихан жуда қисқа бир давр. Шунга қарамай, мамлакат улкан ютуқларни қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу ҳақда айтган мана бу сўзлар бизни сергакликка ундайди: “...*Ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни холисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини*

кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуурига етказиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман”.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг 2007 йилнинг 30 августида бўлиб ўтган Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” мавзuida қилган маърузасида яқин ўтмишга ҳолисона ва таҳлилий баҳо берилди, келажак стратегияси белгилаб олинди.

Президент илк бор истиқлол даври босқичларини икки даврга ажратиб берди. Биринчи давр 1991 – 2000 йилларни қамраб олади. Уни Юртбошимиз “*миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган – мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтмиш даври*” деб номлади. Иккинчи давр эса 2001 – 2007 йилларни қамраб олади. У “*фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври*” дейилди. Айнан ана шу иккинчи босқич иқтисодий-саноатимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим ўрин тутди.

Масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, 2008 йилдан мамлакатимизда янги, яъни учинчи босқич бошланди. Шу нарса аниқки, бу босқичда мамлакат барқарор ривожланиш, яъни юксалиш даврига кирди.

Юксалиш даврида ҳаммамизга истиқлол йиллари мобайнида қадалган уруғлардан униб чиққан экинларнинг ширин-ширин ҳосилларидан баҳраманд бўлиш насиб этади, албатта.

Ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, мамлакатимизда 8 миллион тоннадан зиёд ғалла йиғиб олинди. Жаҳонда молиявий инқироз бўлиб турган бир маҳалда Ўзбекистонимизнинг бу ютуғини ҳаммамиз қувонч билан ҳис этиб, бунинг замиридаги оқилона сиёсатни қадрлашимиз керак.

Уч буюк иншоот хосияти

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кўплаб йирик корхоналар ва иншоотлар барпо этилди. Улар қаторида уч буюк корхона ҳам бунёд қилинди.

1996 йили Асакада автомобиль ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилди. Бу билан юртимиз жаҳондаги автомобилсозлик йўлга қўйилган 28 мамлакатнинг бирига айланди. Ҳозир мамлакатимиз йўлларида юрган автомобилларнинг ярмидан кўпи ўзимизда ишлаб чиқарилган.

Энди шунча машинага етадиган ёнилғи ишлаб чиқариш, мамлакатнинг нефть мустақиллигига эришиш керак эди. 1997 йили Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилиши билан нефть мустақиллиги қўлга кирди.

2006 йили ишга туширилган Қўнғирот сода заводи эса бу гигант саноат марказларининг учинчиси бўлди. Оролнинг қуриши оқибатида жуда катта майдонларни туз қоплади. Олимлар ўрганса, бу тузларда ойна, яъни шиша

ишлаб чиқаришда керак бўладиган сода учун зарур таркиб бор экан. Захираси 100 йилга етар экан. Қувасойдаги ойна заводи сода хомашёсини четдан олиб келар эди. Энди эса бундай ноёб сода ҳам ўзимизга етпти, ҳам уни четга экспорт қиляпмиз.

Яна уч янги завод

Кейинги йилларда яна уч янги завод бу буюк иншоотларга ҳамоҳанг бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 майдаги қарори асосида барпо этилиб, **2010 йили ишга туширилган Дехқонобод калийли ўғитлар заводи** нафақат республикамиз, балки бутун Марказий Осиёда ягона бўлган ноёб саноат мажмуаси ҳисобланади. У йилига 700 минг тонна рудани қайта ишлаб, 200 минг тонна калий ўғити тайёрлаш қувватига эга.

2012 йили заводнинг амалдаги қуввати яна 20 минг тоннага оширилди.

2011 йили ишга туширилган «General Motors Powertrain Uzbekistan» кўшма корхонасида йилига 225 минг дона янги авлод двигателлари ишлаб чиқарилади. Шу тариқа Ўзбекистонимиз автомобилларга мотор ишлаб чиқарадиган 19-давлат бўлди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги **Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё комплекси** бунёд этилди.

Умумий қиймати 4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги мазкур лойиҳа тўлиқ амалга оширилса, бу 2016 йилга бориб 4,5 миллиард куб метр табиий газ, 400 минг тонна мустаҳкам полиэтилен, 100 минг тонна полипропилен, 110 минг тонна бензин ишлаб чиқариш, шу тариқа минг кишилиқ янги иш ўрнини яратиш имконини беради.

Бундай хайрли ишлар давом этмоқда.

Уч буюк йўл

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда уч буюк йўл қурди. Биринчиси – Фарғона водийсини Тошкент вилояти ва шу орқали мамлакатнинг бошқа минтақалари билан боғлайдиган Қамчиқ довони. 1998 йили бошланиб, қисқа бир муддатларда фойдаланишга топширилган бу улкан йўл қурилиши – мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга. Шу тариқа мамлакатимиз орқали автомобиль йўли билан Хитойгача бориш учун зўр имконият очилди.

Фарғона водийси – соф жўғрофий тушунча. Чор атрофи тоғ билан ўралган бу ҳудудда Ўзбекистонимизнинг уч (Андижон, Наманган, Фарғона), Қирғизистоннинг уч (Боткент, Жалолобод, Ўш) ва Тожикистоннинг бир (Сўғд) вилояти жойлашган. Водийни тоғлар ҳар тарафдан ўраб олган. Фақат бир жойдан – Бекобод тарафдан табиий “дарвоза” бор. Сирдарё дарёси ҳам шу ердан биз сари оқиб келади. Темир йўл ва автомобиль магистраль йўли ҳам шу очиқликдан ўтган.

Айнан ана шу табиий шароитини ҳисобга олиб, Захириддин Муҳаммад Бобур ўша XV – XVI асрлардаёқ бу водийни қиш маҳаллари ёғий (душман) босолмаслигини ёзиб кетган. Чунки тоғларга қор тушгандан кейин у ёққа ўтиб бўлмай қолади-да.

Фарғона водийсидаги уч вилоятимизда мамлакатимизнинг 7 миллиондан ошиқ кишидан иборат аҳолиси яшайди. Эскидан мавжуд Қамчиқ довонининг илон изи йўлларида қиш маҳаллари юришнинг мутлақо иложи йўқ эди. Ёз пайтлари ҳам бу тор йўлдан транспортнинг бугунги талаблар даражасидаги катта оқими учун ҳеч қандай имкон йўқ эди. Тожикистон орқали ўтган катта йўл билан юришга эса, биринчидан, узок масофани айланишга тўғри келар, иккинчидан, бу қўшни мамлакат яқин-яқинларгача тинч эмас, учинчидан, бир мамлакат ичида қўшни минтақага иккинчи бир ҳамсоя давлат ҳудуди орқали юриш ҳар тарафлама қимматга тушар эди.

Шу маънода, *давлат ҳудудий яхлитлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон мустақиллик йилларида бунёд этган энг буюк қурилиш – Қамчиқ довони бўлди*, деб баралла айта оламиз. Бу стратегик аҳамиятга эга буюк иншоот ҳисобланади. Қоялар кесилиб, йўл кенгайтирилди, баланд тоғлар устида жойлашган магистраль пастроқдан ўтказилди, бири 1.100 ва иккинчиси 500 метр бўлган туннель қазилди.

Ёш, энди қаддини ростлаб олаётган бир миллий давлат учун бу нақадар катта ютуқ эканини бугун барча тушуниб етмоқда.

Биринчидан, ҳозир 7 миллионли халқ мамлакатнинг бошқа минтақалари билан боғланди, юқини олиб келиши, етиштирган маҳсулотларини, жумладан, Асакада яратилаётган автомобилларни олиб чиқиши учун қулай имкониятга эга бўлди. Иккинчидан, водийдаги ишлаб чиқариш корхоналари хомашё билан таъминланяпти, айниқса, Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводларига Ангрендан катта-катта махсус машиналарда кечаю кундуз нефть хомашёси ташиляпти.

Шу тариқа мамлакатнинг шарқи коммуникатив жиҳатдан мустаҳкамланди.

Ҳозирги пайтда Қамчиқ довонида Ангрен – Поп темир йўли жадал суръатлар билан барпо этиляпти. Бу темир йўл Ангрендан Поп, Попдан эса Ангрен томон қуриб келиняпти. 2016 йили бу стратегик аҳамиятга эга темир йўл ўзаро туташиб, ишга туширилади.

Ўзбекистонимизнинг шимолида жойлашган икки минтақамиз – Қорақалпоғистон Республикаси билан Хоразм вилояти ҳам маълум даражада узилиб қолган эди. Чунки у ёққа борадиган темир йўл Туркменистон ҳудудидан ўтар, Бухоро вилоятидан чикқанидан кейин қўшни давлат чўллари узра нақ бир кун юрар эди. Аввало, вақтдан ютқазилар, қолаверса, ҳар бир вагон учун бож тўланар эди.

2001 йилнинг охирига келиб умумий узунлиги 633 километрни ташкил қиладиган Навоий – Учқудуқ – Султонувайстоғ – Нукус темир йўли ишга туширилди. Аввало, масофадан ютдик, йўлга кетадиган вақт 6 соатга қисқарди. Бундан ташқари, шу янги йўл ёқалаб ҳаёт жонланди.

Қашқадарё билан Сурхондарё вилоятлари – ўзаро қўшни. Бироқ Қаршидан Термизга бориш учун поезд Туркменистон ҳудудида соатлаб юриши керак эди. 2007 йилнинг августида жами 223 километрни ташкил этган Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон йўли ишга туширилди.

Шу тариқа жануб ҳам мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан маҳкам уланди.

Президент Ислом Каримов 2007 йилнинг 30 августидаги маърузасида *“юртимизда транспорт коммуникация тизимини ривожлантириши масаласига ҳам республикаимизни жадал тараққий топтиришининг асосий шарти ва мезони сифатида катта аҳамият берилаётган”*ини, биз санаб ўтган шу уч буюк йўлнинг *“бу борадаги ўрни ва аҳамияти қанчалик беқиёс эканини”* алоҳида қайд этди. Таъкидландики: *“Бу йўллар мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ягона транспорт тармоғига ишончли тарзда бирлаштириб, минтақаларимизда мавжуд бўлган бой минерал-ҳомашё ва табиий ресурсларни ўзлаштириши учун кенг имкониятлар яратди”*.

Уч буюк сўз шарофати

Президент Ислом Каримовнинг давлат ва халқ учун буюк хизматларининг эътирофи шундаки, ўзбек халқининг улуғ фарзанди ҳаёти ва фаолияти мазмун-моҳияти уч буюк сўзда мужассам. Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқининг равнақи учун ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ ВА ИСТИҚБОЛ йўлида амалга ошираётган эзгу ва улуғвор ишларидан барчамиз ғурурланамиз ва фахрланамиз.

Бу уч буюк сўз моҳиятида эса жуда кўп теран маънолар бор.

Уч буюк тамаддун

Ўзбек халқи истиқлолгача бўлган тарихида икки бор буюк миллий тамаддунни бошидан кечирди. Биринчиси айнан IX асрда юртимиз истилодан қутулиб, алоҳида давлат барпо этганимиздан, иккинчиси эса XIV асрда мўғул истибдодидан халос бўлганимиздан кейинги даврда юз берди.

Тўғри, XX асрда ҳам тамаддуний тараққиётга уриниш кучайди. Буни, асли, жадид маърифатпарварларимиз бошлаб берган эди. Лекин шўро даври бу миллат мунавварларининг миллий тараққиёт ҳақидаги барча ширин орзуларини чилпарчин қилиб ташлади. Бир ҳақиқатга ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак: ҳеч қачон бошқа бир давлатга қарам мамлакатда чинакам тамаддун юз бермаган, юз бермайди ҳам.

Айнан мустабид тузум истилодидан қутулиб, мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимиз тарихидаги учинчи умуммиллий тамаддун бошланди, деб баралла айта оламиз.

Ҳар қандай тамаддун, аввало, буюк шахслар меҳнат-машаққати, ақлу закоси, салоҳиятининг ҳосиласи ҳисобланади. Юртимизда кечаётган ана шу тамаддун, яъни умуммиллий тараққиёт жараёни – Президент Ислом Каримов номи, жасорати, фидоийлиги билан бевосита боғлиқ.

Давлат сиёсатида ташланаётган ҳар бир қадам, қабул қилинаётган ҳар бир фармон, қарор, фармойиш, қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат яхлит тизимга асосланиши, бирини иккинчиси инкор этмаслиги, бири иккинчисидан келиб чиқиши, бири иккинчисига мос тушиши, бири иккинчисини тўлдириши, бунда буюк бир уйғунликка амал қилиниши лозим.

Шулардан келиб чиқилса, давлат раҳбарининг зиммасига қанчалик улкан масъулият юкланганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шахснинг жамиятдаги ўрни – беқиёс. Шундай замонлар келдики, бутун бир халқ бир буюк шахс тимсолида майдонга чиқди. Чунки у дадил туриб, халқни ёруғ келажак сари етаклади.

Президент Ислом Каримов жамиятнинг мустамлакадан – мустақилликка; мустабидликдан – озодликка; қолоқликдан – илғорликка; аграр давлатдан – саноати ривожланган мамлакатга; тоталитаризмга асосланган бюрократик тузумдан – демократик тамойиллар устувор бўлган жамиятга; тепадан туриб тузиладиган режа билангина иш кўрадиган ишлаб чиқаришдан – бозор муносабатлари, яъни ўзаро рақобат асосидаги ривожланишга; яқка мафкура ҳукмрон жамиятдан – кўппартиявийликка асосланган жамиятга; маънавий парокандаликка юз тутган жамиятдан – маърифатли жамиятга; кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтишига қатъий киришди ва бу борада улугвор ишлар амалга оширилди.

Юртбошимиз шу тариқа ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИни бунёд этиш йўлида халқимиз ва Ватанимизни олам аро машҳури жаҳон қилди.

Ҳамма замон ва маконларда сиёсатга давлат ва халқ жипслиги даражасига қараб баҳо берилади. Президентимиз бу қатъиятлилигининг бошида турибди.

Юз йиллар ўтар, минг йиллар кечар, шу муқаддас заминда одамзод яшар экан, келажак авлодлар айнан ИСТИҚЛОЛ даврини, хусусан, унинг ТАШАББУСКОРИ, РАҲНАМОСИ, АСОСЧИСИНИ ҳамиша буюк куч, юксак адолат тимсоли сифатида қадрлайди ва эътироф этади.

ОРЗУДАГИ ШАХС ЁКИ ЭВРИЛИШНИНГ ТЎРТ НУҚТАСИ

Адабиёт ҳамиша идеал излайди. Романтик йўл биланми, реалистик тарздами, бундан қатъи назар, ибрат бўладиган қаҳрамон тимсолини яратишга интилади. Турли бадий, яъни тасвирий- ифодавий йўллар, воситалар, усуллар, умуман, сўзнинг кўпқиррали имкониятларидан

фойдаланиб, ошқорми-зимданми, бевоситами-билвоситами, гўзаллик ва эзгуликни тарғибу ташвиқ этади.

Мураккаб ва мушкул тарафи шундаки, умуман олганда, гўзаллик ва эзгулик ҳар қанча абадий тушунчалар бўлмасин, замон ўзгариши билан бу мафҳумларнинг мезонлари ҳам тағйир топа боради. Ёки аксинча – қарашларнинг янгиланиши замоннинг ўзгарганини билдиради.

Халқимиз бу кўҳна тарих жараёнларида кўп-кўп ва турли-турли ўзгаришларни ўз бошидан кечирди. Лекин истиқлол – мамлакат ҳаётидаги ўта муҳим, ҳаётимизда туб бурилиш ясаган ниҳоятда улкан воқеа. У амалда фикрларимизни чилпарчин қилиб, дунёқарашимизни бутунлай ўзгартириб ташлаш, онгимизни тамоман бошқа ўзанга буриб юбориш, ҳаётга, давлатга, халққа, шахсга муносабатдаги етмиш тўрт йил мобайнида зўр бериб шакллантирилган сунъий деворларни бузиб юборишга қодир куч.

Шундай бўляпти ҳам.

Йигирма уч йил бурунги “мезонлар чироғи” билан адабиёт хазинасига кирган кимсанинг ундан бугун учун керак бўладиган бирор нимарса топиб чиқишига ишонасизми?

Истиқлол биз кўниккан қолипларни синдириб ташлади.

Аввало, с и ё с и й қарашларимиз ўзгарди.

Тушундикки, улуғ рус империясини тузиш ва кучайтириш ғояси йўлида курашган, мамлакати ва халқи учун хизмат қилган “Буюк Пётр” ҳақида роман ёзиб, давлат мукофоти олиш мумкин бўлган бир замонда Соҳибқирон Амир Темурни, лоақал, омади гап тарзида тилга олиш ҳам гуноҳи азим саналишидек адолатсизликка йўл қўймаслик учун бир миллат иккинчисига қарам бўлмаслиги керак экан.

Сиёсатчилар XX асрни, *миллий давлатларнинг пайдо бўлиши асри*, деб ҳисоблайди. Шўро даврида миллий давлат қуриш, жаҳон ҳамжамиятида халқаро мезонлар асосида халқимиз манфаатини ҳимоя қилиш ва шу йўлда сиёсат юргизиш у ёқда турсин, айнаи гапни айтишнинг ўзига ҳам ҳуқуқимиз йўқ эди.

Демократия, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат тушунчалари шунчаки сўзлар эмас. Ҳар бири – бир улуғ ғоя. Остида халқнинг катта кураши, интилиши, меҳнати ётибди.

Ўтган йиллар мобайнида улкан сиёсий ислохотлар амалга ошди. Тафаккуримизга бутунлай бошқача сиёсий онг кириб келди.

Бир замонлар адабиёт хусусий тарзда фаолият юритаётган дехқонни қоралаб, уни жамоа бўлиб ишлашга даъват этган. Энди эса жамоавийликдан хусусийликка, меҳнат маҳсулидан бевосита манфаатдорликни кучайтирадиган механизм яратишга уриниб ётибмиз.

Демак, и қ т и с о д и й қарашларимиз ўзгарди.

Социализм, назаримда, чўл зоналари суғориш тизимида ишлатиладиган лоток ариқларга ўхшар эди. Сув тез оқади, лойқаланмайди, кумларни қўшиб сурмайди, ўзанини ўзгартирмайди, қирғоқларни ўпириб кетмайди... Бироқ омонат: биттаси ёрилса ё тешилса, тамом – алмаштирмагунингча сув ундан нари ўтмайди. Бозор иқтисодиёти – башариятнинг асрлар мобайнидаги

тараққиёти даврида ўз оқими билан ривожланиб келган табиий иқтисодий тизим. Уни табиий равишда баланддан пастга қараб оқадиган дарёга қиёсласа бўлади. Албатта, унда бир текислик йўқ, илон изи бўлиб кетган, ўйдим-чуқурлари кўп, гумлари, саёз ерлари ҳам бўлади. Лекин тўхтаб қолмайди – маромини топиб, оқаверади, оқаверади...

Қатъий хулосам шуки, агар юртимизда чорак кам бир аср “социалистик эксперимент” ўтказилмаган бўлса эди, халқимиз табиий равишда бозор иқтисодиётининг ҳозиргидан кўра юқорироқ поғонасига аллақачон чиқиб олган бўлур эди.

Савдо, умумий овқатланиш, транспорт, шунингдек, хизмат кўрсатишнинг айрим соҳаларида бозор иқтисодиётига ўтиш жадалроқ кечаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бозордан ризқ излаган тadbиркорни бирор кимса эрта азонда ширин уйқусидан зўрлаб уйғотаётгани йўқ. Улар сиз тепадан туриб тузиб берган режангизга зор эмас. Чунки манфаатдорлик ҳисси уни ишлашга, ўйлашга, изланишга, елиб-югуришга ундайди.

Миллатга, унинг тили, тарихи, мероси, анъаналари, кадриятлари, бугуни, боринги, келажакига муносабат батамом бошқа маъно-мазмун касб этди. Дин жамиятда ўз тарихий-маънавий ўрнини эгаллади. Сунъий равишда кўмиб ташланган маънавий булоқларнинг кўзи очилди. Ўтмишидан нафратланиш, орланишга маҳкум этилган элнинг кўкрагига шамол тегди: аксинча, у энди инсоният тамаддуни тараққиётига асрлар мобайнида қўшган улкан ҳиссаси билан фахрланишга ўтди.

Кўриниб турибдики, **маънавий** қарашларимиз ҳам ўзгарди.

Яшириб нима қилдик, истиқлол арафаларида, хусусан, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан кейинги дастлабки йилларда тор доираларда, *мамлакат мустақил бўлса, шўро даврида тақдир тақозоси ва сиёсат оқими билан кўчиб келиб, шу юртда яшаб қолган турли миллат ва элат вакиллари тақдири нима бўлади, улар қаёққа боради*, деган ўринсиз ваҳималар бўлиб турар эди. Ҳатто, собиқ марказнинг ўйинлари таъсирида Марказий Осиёда айнан миллатлар ва элатлар ўртасида кучли фитналар ҳам уюштирилди, бегуноҳ қонлар ҳам тўкилди. Мақсад: *“Сенлар бизсиз яшаб бўлибсан!”* – деган иддао эди.

Яқинда месхети туркларидан Рамз Ансаров деган муаллимнинг 70 ёшлик тўйида қатнашиш насиб этди. Бу инсон ўн икки ёшида оила аъзолари билан Гуржистондан келиб, илк бор қўним топган, ўрта мактабни битириб, олий ўқув юртига кирган, Иккинчи жаҳон уруши йиллари ва ундан кейинги даврда бир бурда нонни бирга баҳам кўрган Бухоро вилоятининг Вобкент тумани вакиллари, Тошкент вилоятининг Алимкентидан ташриф буюрган меҳмонлар, пойтахтимизнинг Бектемир туманида истиқомат қилувчи ўзбек, турк, қозоқ, тожик, рус, корейс, татар, украин, озарбойжон ва бошқа миллат ва элатга мансуб қанча-қанча меҳмонлар завқ-шавқ билан мамлакатимизнинг умрини ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган бир муаллимини олқишлади.

Ўзбекистоннинг энг катта маънавий ютуғи шуки, айнан истиқлол йилларида бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакилларида иборат

аҳоли бир халқ бўлиб уюшди. Бугун тўйларимиз, таомларимиз, рақсларимиз, меҳмондорчиликларимиз ҳам ўзимизга хос – келиб чиқиши Европа миллатларига мансуб фуқароларимиз ҳаётини ҳам ўзбекона турмуш тарзидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Базмларимизни кузатинг, миллатидан қатъи назар, Хоразм лазгисига ҳамма бир хил рақсга тушади...

Англаб етдикки, *миллий мафкура* дегани ҳар бир мамлакат халқининг ўз орзу-мақсадлари, манфаатлари, интилишлари, қизиқишлари ҳимояси ва амалга ошишига қаратилган ғоялар тизими экан.

Ким дарахтнинг ўзи ўтирган шохини кесади? Манфаатинг бирми – бас, ғоянг ҳам бир бўлади. Ҳар қандай ғоявий бирлик эса мафкурани шакллантиради.

Шу тариқа *мафкуравий* қарашларимиз ҳам ўзгарди.

Бу тўрт нуқтани жуда умумий тарзда санаб ўтдик, холос. Аслида, ҳар бирининг моҳиятида олам-олам маъно-мазмун бор.

Бугун “замонамиз қаҳрамони” ҳақида гапирамиз, ҳар биримиз уни ўзимизча излаймиз. Машҳур бир адиб XIX асрда буюк асарини айнан шу ном билан атаганини ҳам яхши биламиз. Майли, *бу атама кимгадир эски, муайян қолипдаги тушунча бўлиб туюлди*, ҳам дейлик. Хўш, уни соддарок қилиб, “орзудаги шахс” дейишга ҳаққимиз бордир!

Мушкулот шундаки, бу шахсни айнан ана шу сиёсий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий ўзгаришлар жараёнидан излашга мажбурмиз.

Ростини айтганда, ҳали бугун онгимизда айнан қайси тушунчалар эскию нималар янги эканини аниқ белгилаб берадиган ускуна ишлаб чиқилмаган. Эврилишлар замонининг қонунияти шу: ҳаммамиз шу қоришиқ тушунчаларимиз билан бирга яшайпмиз. Фарқи шуки, қай бирларимиз эски қарашларимизнинг кўпроғидан “қутулиб”, янгиланганмиз, айримларимиз эса озроғидан...

Бир таниқли ёзувчимиз телевидение орқали чиқишларидан бирида: *“Бизнинг ишимиз – ёзиш, китобимизни чиқариш ва уни сотиш билан тегишли идоралар шугуллансин”*, – деди. Бундай олиб караганда, тўппа-тўғри гап. Лекин энди бир тикувчи: *“Менинг ишим – костюм-ишим тикиш, уни қабул қилиб, сотиш билан тегишли идора шугуллансин”*, – деса, маъқул кўрамизми? У ҳам товар, бу ҳам. Агар товар ишлаб чиқарувчи харидорни ўйламаса, сотиладимми-йўқмилиги билан қизиқмаса, борингки, костюмнинг тугмасини қийшиқ қадайверса ҳам, майлими, иши юришаверсинми?

Наشريётлар – молиявий жиҳатдан фойда келтирадиган китоб чиқаришга мажбур. Дарров баҳсга киришамиз: *“Нима, олди-қочди ёзайликми биз ҳам?..”* Йўқ, шундай ёзингки, харидор олди-қочдини эмас, сизнинг асарингизни сотиб олиб ўқисин!

Мустақиллик бунга ўхшаш жуда кўп масалаларда қарашларимизни ўнглаб олишга ундаётгани – чин. Ислоҳот дегани шу-да. Бошқа нима?

Лекин...

Ҳар бир янги замон икки жиҳатдан холи бўлолмайди.

Биринчиси – эски замон қолдиқларидан. Мулоҳазаларимиздан ҳам маълум бўлдики, бизда шўро давридан қолиб келаётган чигалликлар –

етарли даражада. Бир хиллари, аксинча, тоза болалаганидан ҳам тонсак, куппа-кундузи бир-биримизнинг кўзимизга тикка қараб ёлғон гапирган бўламиз. Масалан, совет давлати халқнинг эркини бўғиб, шахс равнақига муттасил халақит бериб келган эди. Давлат ташкилотлари номидан иш юритаётган айрим шахслар ҳозир тадбиркорликка тўсиқ бўлмаяптими? Ўзбекистон Республикаси Президентининг бундай тўсиқларнинг олдини олишга қаратилган изчил фармон ва қарорлари бекорга чиқарилаётгани йўқ-ку.

Иккинчиси – янги замон иллатларидан. Уларни бугун сезмай ўтаётган киши кам топилса керак. Истиқлолнинг 23 йили ҳақидаги рисолада бундай нарсаларни бир-бир санаб ўтириш одобдан эмас.

Жамият – ана шу икки тур муаммога қарши кескин ва изчил кураш олиб боришга мажбур. Чунки улар асл мақсадимизга тўсиқ бўлиб келяпти. Бу курашда адабиёт четда турмаслиги учун қалам аҳли, ҳамма замонларда талаб этилгани каби, элнинг олдига тушиши керак. Фикран, ғоявий жиҳатдан ҳам, амал, яъни ибрат маъносида ҳам. Ҳар қандай давр каби, истиқлол замони ҳам адабиётимиз олдига сон минг вазифа ва мавзу қўйди.

“Домланинг айтганини қил, қилганини қилма”, – деган мақол ҳам, *“Муаллифнинг асарини ўқи, шахси билан ишинг бўлмасин”*, – деган ақида ҳам – хато. Ҳали адабиёт тарихи ўзи ишонмаган, амал қилмаган, демак, ёлғон, сохта ғоясини тарғиб этиб, чинакам мухлис топган қаламкашни кўрган эмас.

Халқимиз йигирма уч йилда босиб ўтган шонли давр танлаган демократик йўлимиз нақадар тўғрилигини кўрсатди. Йўл тўғри бўлса, бас: унинг ўйдим-чуқурларини тузатиш – осон. Ёруғ манзиллар сари интилишлар қаҳқашонида муқаддас сўзнинг ўрни ва аҳамияти алоҳида эканини унутмаслигимиз зарур.

ЯНГИ АСР ТАЪЛИМОТИ

Таълимот нима?

Инсоният жамияти таълимотларсиз ҳам яшаши, янгилиниши, ривожланиши мумкинми?

Ўзбекистон халқи янги – XXI асрни қандай таълимотни амалга ошириш билан бошлады?

Ислохотлар ва таълимот ўртасида қандай боғлиқликлар мавжуд?..

Ушбу саволлар муайян жавоблар кутади.

Дунёда нима кўп – сўз кўп. Гоҳида баъзи сўзлар маъноларини яхши билмаганимиздан матнлар моҳиятига етолмай ҳам қоламиз.

Хўш, шу нуқтайи назардан “*таълимот*” сўзи аслан қандай маънони ифодалайди?

“*Таълимот*”нинг ўзаги – “*илм*”. “*Таълим*” ҳам шундан келиб чиққан ва унинг кўплиги “*таълимот*” бўлади. Лекин бугун тилимизда “*таълимот*” сўзи “*таълимлар*” деган кўпликни ифодаламайди. У бизда фақат бирликда ишлатилади ва “*фан соҳалари, ижтимоий ҳаёт, жамият ва шу кабилар ҳақидаги илмий қарашлар, назарий хулосалар мажмуи; назария*”⁹ деган муайян маъно ташийди. Шунингдек, *кўрсатма, йўл-йўриқ, ўргатув*¹⁰ маъноларида ҳам ишлатилади.

Аслида, дин ҳам – бир таълимот. Фарқ шундаки, Худо юборган яшаш ва эътиқод назариясини – *дин*, одамзод ишлаб чиққан ҳаёт йўл-йўриқлари тизимини – *таълимот* деб аташ расм бўлган. Шунини ажратиш учун “*диний таълимот*” деган бирикма юзага келган ҳам.

Лекин ҳар қандай ижтимоий таълимотда динга муайян бир даражада муносабат, у билан бевосита ё билвосита боғлиқлик бўлади.

Гапни шу биргина “*таълимот*” сўзи атрофидаги мулоҳазалардан бошлаганимиз бежиз эмас.

Мана, милодий ҳисобда иккинчи минг йиллик тугаб, XXI аср ҳам бошланганига 14 йил бўлди. Бугун ўтган аср ҳақидагина эмас, бутун бир минг йиллик хусусида мулоҳаза юритиш имконига эгамиз. Ҳатто, янги аср ибтидосида туриб ана шу кейингиминг йиллик асрларининг бошларида халқимиз тарихи қандай кечгани тўғрисида ҳам ўйлаб кўришимиз керак.

Хўш, ўзбек халқи тарихининг ўтган минг йилини худди шу таълимот нуқтайи назаридан бир кўздан кечирсак, эл-улус учун бу жараёнлар қандай бўлган?

“*Нега айнан шу ўн аср?*” – деган савол туғилиши мумкин. Жавоб эса – тайин: ўзбек халқ сифатида ана шу минг йиллик мобайнида шаклланди, такомилга етди, жаҳон майдонига чиқди. Ундан олдинги минг йил

⁹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2008. 28-бет.

¹⁰Ўша луғат, ўша бет.

туркийлар учун ҳали алоҳида-алоҳида халқлар сифатида шаклланиб улгурилмаган давр эди.

Инсон мақсадсиз, халқ ғоясиз яшай олмайди. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласи айнан “*Инсоният тарихи — ғоялар тарихидир*”¹¹, – деган сўзлар билан бошланиши ҳам бежиз эмас.

Бу рисола, тўғри қайд этилганидек: “Президент Ислом Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари, чиқишларидаги маънавий-маърифий мавзуда билдирган фикрлари асосида тузилган”¹². Уни ўқиб чиққан киши ўзини қизиқтирган талай саволларига жавоб топади, турли мулоҳазалар юритиши учун холис манбага эга бўлади. Китобча халқимиз онг-шуурида янгича дунёқарашни шакллантириш ва ижтимоий фикр ривожини учун дастуриламал вазифасини ўтайди. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида” 2001 йил 18 январидagi фармойиши асосида мамлакатимизнинг барча таълим тизимларида алоҳида фан сифатида ўқитиладиган бўлди. Бу фаннинг мағзини, шубҳасизки, Ислом Каримов асарларида илгари сурилган йўл-йўриқ, кўрсатма, талқин ва қарашлар ташкил этади. Шунинг ўзи ҳам Ислом Каримов яратган ислохотлар назариясини *янги ва мустақил таълимот* деб ҳисоблашга тўлиқ асос беради.

Чунки ғояларнинг бир тизим, муайян йўналишдаги мажмуаси ва шу мақсадларга етишнинг аниқ йўллари кўрсатиб берган назария *таълимот* бўлади.

Энди икки аср сарҳадида туриб, ўтган минг йилликнинг ҳар бир асрида халқимиз қандай таълимотларга эга бўлгани ва у айнан қанақа ғояларга интилиб, қайси миллий мафкурага суяниб яшаганини бир тасаввуримизга келтириб кўрайлик...

XI аср бошлари юртимизда сулолалар алмашинуви даврига тўғри келди. Фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаши, ўзига хос Шарқ тамаддунига асос солган сомонийлар салтанатидек кучли давлат қулаш арафасида эди. Шимолдан қорахонийлар сомонийлар давлатига, жанубдан ғазнавийлар сомонийлар ва хоразмшоҳлар давлатига хужум уюштираётган эди. Ғазнавийлар давлати аста-секин кучайиб борди. Кўп ўтмай қорахонийлар Бухорода ҳокимиятни бутунлай қўлга олди. Шундай кучли сомонийлар давлати батамом қулади. Халқ учун ҳамма нарсани қайтадан бошлашга тўғри келди.

Бу ўринда тарихни варақлаб ўтирмоқчи эмасмиз. Айтилмоқчики, бундай алғов-далғов замонларда халқ, оғир кунларни бошдан ўтказди, ўз-ўзидан, уни муайян бир таълимот атрофида бирлаштириш жуда қийин кечади.

XII аср бошлари ҳам, маълум маънода, сиёсий тушкунлик даври эди. Тарих китобларининг шохидлик беришича, қорахоний Арслонхон мустақил

¹¹Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 2000. 9-бет.

¹²Ўша нашр, 77-бет.

давлат сиёсати юритишга ҳар қанча уринмасин, кўп маданий иншоотлар барпо эттирган бўлмасин, касалмандлиги туфайли унинг давлат ишларини бошқаришда ожизлиги кундан-кун ортиб бораверди. Амалда эса ҳокимиятда салжуқий Султон Санжарнинг таъсири кучайиб кетаётган эди.

Тўғри, қорахонийлар даврида ўзига хос миллий давлатчилик шаклланди, маданият, хусусан, туркий тилдаги адабиёт равнақ топди. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достони ва Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”дек қиёси йўқ асари ўша давр миллий тафаккуримизнинг юксак, тоабат дунёга кўз-кўз қилса арзийдиган намуналари эди.

Боринги, “Қутадғу билиг”ни *муайян маънода халқимиз учун ўша даврнинг бош мафқурасини белгилаган*, дейиш ҳам мумкин. Лекин қорахонийлар давлати гуллаб-яшнаган даврда – 1069/70 йили яратилган бу асар моҳиятан кейинги сулолалар манфаатига у қадар мос келмаслиги аниқ эди. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, асар ғоявий-баддий савиясига муносиб даражада кенг тарқалмаган. Бизнинг давримизда унинг атиги уч нусхаси топилган, холос. Ҳатто, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби буюк сўз усталари меросида ҳам бу асар ва унинг муаллифи номи тилга олинмайди. Достоннинг бир нусхаси уйғур ёзувида 1439 йили (Алишер Навоий таваллудидан бор-йўғи 2 йилгина олдин) Ҳиротда кўчирилган бўлишига қарамай, Навоий ва Бобур ундан мутлақо беҳабар бўлган кўринади.

XIII аср бошларида Хоразмшоҳ давлати ҳар қанча шон-шуҳратга эга бўлмасин, Чингизхон қўшинларига бас кела олмади. Асрнинг учинчи ўн йиллигига келиб юртимиз тўлиғича ёв қўлига ўтиб бўлди.

XIV аср бошларида ҳам юртга мўғуллар ҳукмрон эди.

Ўзбекнинг халқ сифатида жаҳон сахнасида ёрқин намоён бўлиши бевосита Амир Темур, унинг раҳнамолигида қўлга киритилган озодлик, буюк Соҳибқирон барпо этган марказлашган ва ўта қудратли давлат билан боғлиқ.

Бу тараққиёт замони асрнинг 70-йилидан жадал бошланди. Тарихан ўта қисқа бир фурсатда юртимизда жаҳонда мисли йўқ кучли бир ҳокимият барпо этилди. *Ўша йиллари Осиё ва Оврупонинг бутун диққат-эътибори Туронзаминга қаратилган эди*, десак, муболаға бўлмас.

Хуллас, XV асрни халқимиз қўлида бағоят қудратли давлат билан қарши олди.

Бироқ энди давлат бор эди-ю, шу давлатнинг бардавомлигини таъминлайдиган, халқни ёруғ йўлга етаклайдиган мукамал таълимот яратилмаган эди.

“Темур тузуклари” шу қадар қудратли давлат аҳлининг йўлини белгилаб берадиган шундай таълимот яратиш сари интилишнинг яққол бир кўриниши эди.

Очиғи, халқнинг шундай давлатга муносиб бир мукамал таълимотга эга бўлиши учун қарийб бир аср керак бўлди.

XV асрнинг иккинчи ярмида жаҳон тафаккур оламида Алишер Навоийдек даҳо пайдо бўлди. У зот халқ бахти ва келажак тақдирини

темурийлар салтанати равнақи билан боғлаб, чинакамига юксак бир таълимот яратди.

Шоир меросини ҳеч иккиланмай *таълимот* деб ҳисоблаётганимизга сабаб шуки, унинг серқирра ижодиёти, ялпи олганда, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, ҳатто, ижтимоий-иқтисодий қарашларнинг муайян ва мукамал бир тизимга солинган мажмуасидан иборат. Синчиклаб кузатилса, ўша даврда Навоий айтмаган гап қолмагандек!

Бекорга эмаски, “*мутафаккир*” сўзини халқимиздан чиққан даҳолар орасида, асосан, Навоийга нисбатангина бемалолроқ ишлатамиз. Унинг асарларида ўзбек халқининг равнақини ўйлаш, темурийлар давлати бардавомлиги, юрт осойишталигига эришиш йўл-йўриқлари, миллатни тарбиялашнинг мукамал тизими, инсонийлик, комил ахлоқнинг ўша даврга хос ҳам маънавий-табъий (эстетик), ҳам илмий-ҳаётий талқинларини кўрамиз.

Бу ижод намуналарида умуминсонийлик билан миллийлик шу қадар уйғунлашиб кетганки, айнан шунинг учун, асрлар ўтгани сари, у илгари сурган ғоялар аҳамияти асло камаймайди, аксинча, ортиб бораверади.

Навоий ижодидек меросга эга миллат – ўзини чинакам бой халқ ҳисоблашга тўла ҳақли. Бу, айниқса, мустақилликка эришганимиздан кейин янада яққолроқ билинди.

Хуллас, XVI асрни халқимиз ана шундай мукамал ва кучли бир таълимот билан қаршилади. XV аср бошидаги вазиятдан фарқи шундаки, энди таълимот бор-у, лекин, афсус, шундай қудратли давлат қўлдан кетган эди.

Аср Дашти Қипчоқ ҳукмдори Муҳаммад Шайбонийхоннинг Ўрта Осиёга хужумлари билан бошланди. 1500 – 1501 йиллариёқ Самарқанд билан Бухоро эгалланган, 1507 йилга келиб темурийлар салтанати тамоман мавҳ бўлган эди.

Гарчи Навоий яратган таълимот кейинги асрларда ҳам халқни муттасил орзулантириб, уни тўғри ва равон йўлларга ундаб турган бўлса-да, жуда кўп нозик нуқталарда кейинги сулолалар манфаатларига мос келавермас эди.

Худди шунинг учундирки, турли салтанат эгаларининг шоир ижодига муносабати даражаси ҳар замонда ҳар хил бўлган.

Очиғи, XVI асрдан бу ёғи қай бир маънода Навоийни, демакки, миллий таълимотни анча унутган замонлар бўлди. Бу ҳолат XIX асрнинг ўрталарига қадар давом этди.

XIX аср бошларидаги вазият, гарчи “*Россия – Туркия уруши, Россия – Франция муносабатларининг кескинлашуви ва Наполеоннинг Россияга юриши Россия ҳукмрон доираларининг эътиборини Ўрта Осиёдан бир оз чалғитган*”¹³ бўлса ҳам, Буюк Темур давлати ўрнига амалда уч хонликка бўлиниб кетган халқ учун беҳавф эмас эди. Шу боис XX асрнинг биринчи

¹³Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 41-бет.

ярмида Хива ва Қўқон хонлигида ҳам, Бухоро амирлигида ҳам сезиларли даражада ўз-ўзини англаш, тарихни ўрганиш, адабиётни Навоий даври даражасига кўтариш, унутилган анъаналарни қайта тиклашга интилишлар бўлди. Аниқроғи, кучли ёв хавф солиб турган маҳалда халқ ўзининг энг қудратли, салоҳиятли, забардаст замонини кўмсади. Шундай бўлиши табиий эди.

Ялпи олганда, *буларнинг бари миллатнинг ўз йўлини топishi ва ёвдан ҳимояланиши, яшаб қолиши учун зимдан борган курашларнинг натижалари эди*, дейиш мумкин. Бироқ бу аср бошида ҳам халқ муайян тизимли таълимотга эга эмас эди.

Оқибати нима бўлди?

Асрнинг иккинчи ярмида рус кўшинлари бундан бир ярим аср муқаддам Пётр Биринчи қолдирган машъум васиятни амалга оширди. Юрт қўлдан кетди. Ўрта Осиёдаги уч ўзбек давлати ҳам чор армиясининг бир ҳовуч аскарлари ҳужумларига чидаш беролмай, бирин-кетин енгилди. Қўқон хонлиги батамом тарих сахнасидан ўчди. Унинг ҳудудлари Россия империясига қўшиб юборилди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги чор ҳукуматининг вассалига айлантирилиб, амалда бир қўғирчоқ давлат бўлиб қолди.

XIX аср охирларида халқнинг илғор кишилари – зиёлилари мустамлака фожияларини юракдан ҳис этиб, *бунга одамларимиз онг-тафаккурининг замон тараққиётидан ортда қолгани сабаб бўлган*, деб ҳисоблади. Бу кўрга ҳассадек маълум нарса эди: кучли тўплар, милтиқлар билан келган ёвга қарши алмисокдан қолган қуроллар – бор-йўғи қилич, пилтамилтиқ, пичоқ, кетмон, болта, теша, ўроқ, таёқ кўтариб чиққан халқнинг аҳволи бундан бошқача бўлиши мумкинмиди?!

Фикримиз далилсиз бўлмаслиги учун “Ўзбекистоннинг янги тарихи” китоби “Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида” жилдидан бир лавҳа келтирамиз: *“Хива шаҳри ва унинг атрофидаги жангларда қиличу пилтамилтиқ (таъкид бизники – С. О.) билан қуролланган мудофаачиларга қарши руслар 692 граната ва 78 605 дона ўқ отишган. Ҳарбий ҳисоботга кўра (чор армиясининг – С. О.), Туркистон отряди 62 граната ва 5 245 дона ўқ; Оренбург отряди 537 граната, 38 060 дона ўқ; Манғишлоқ отряди эса 93 граната ва 35 300 дона ўқ отган”*¹⁴.

Илғор зиёлилар бунини тушунмаслиги мумкин эмас эди. Маърифатпарварлик ҳаракати шу тарзда майдонга чиқди. Жадидлар янгилик тарафдорлари сифатида бу ҳаракатнинг бошида туришди. Уларнинг асл мақсади халқни мавжуд вазиятдан қутқариш, уни илғор миллатлар сафида кўриш эди. Бунинг учун, албатта, аввал истиқлолга эришиш лозим эди. Бироқ ҳали мустақилликка эришиш механизми ишлаб чиқилмаган, ҳатто, Туркистон деб аталган минтақанинг давлат сифатидаги яхлитлигини тасаввур қилиш ҳам мушкул эди. Чунки юрт чор армияси босқини арафасида ҳам яхлит ҳокимиятга бўйсундирилган эмас эди.

¹⁴Ўша нашр, 141 – 142-бетлар.

Фақат бир нарса аниқ ва равшан эди: халқни жаҳолат ботқоғидан олиб чиқиш, унинг кўзини очиш, қалбида маърифат чироғини ёқиш керак.

Шу маънода жадиждларнинг қарашлари ҳали мукамал бир таълимотга айланиб улгурмаган эди.

Ҳар ҳолда, XX аср бошлари халқни рўшноликка олиб чиқиш таълимотини яратиш учун курашлар жараёнига тўғри келди. Аммо тарих бу жараённинг охирига етиши учун имкон бермади.

Жадиждлар таълимоти яна шунинг учун ҳам чала қолдики, большевикларнинг 1917 йилги қуроли тўнтариши ҳамма нарсанинг оёғини осмондан қилиб ташлади. Халқ онгига тамоман ёт, миллийликка мутлақо зид ғоя мажбурлаб, ҳатто, қурол кучи, қон тўкишлар билан сингдирилди. *“Пролетариат диктатураси”* деганининг асл моҳиятида худди шу нарса ётар эди.

Юзаки қараганда, жадиждлар илгари сурган, масалан, дунёвий мактаблар барпо этиш, замонавий фан-техникани ўрганиш каби айрим мақсадлар амалга оширилди. Бироқ моҳият эътибори билан коммунистик мафкура ич-ичдан жадиждлар таълимотига батамом зид эди. Чунки жадиждлар миллат озодлиги, равнақи, баркамоллигини орзу қилган бўлса, большевиклар сиртдан байналмилалчилик ғоясига бурканиб, амалда ўзга – ҳукмрон миллат манфаатлари учунгина курашди.

Халқ ўз тақдирини ўзи белгилаши учун, аввало, миллий давлатига эга бўлиши – шарт. Ўзбек халқи истиқлолга эришгунига қадар тарихда ҳеч қачон замонавий тушунчадаги миллий давлат қуриш, тараққиёт йўлини ҳозиргидек ўзи белгилаш имконига ҳам эга бўлган эмас.

Хўш, таълимот халққа нима учун керак?

...Дунё сўздан бошланган, деган қараш бор. Чунки, исломдаги ақидага кўра, бутун борлиқ Аллоҳнинг биргина: “Кун!” (“Бўл!”, “Ярал!”) – деган хитобидан ибтидо олган. Шундай бўлса-да, кўплар сўзнинг ҳаётни, демакки, одамни ўзгартириш, тарбиялаш, тўғри йўлга солиш қудратига ишонмай яшайди. Улар, сўз билан нима ўзгарар эди, ҳаёт – барибир, ҳаёт, у ўз билганини қилаверади, деб қарайди. Бундайлар, сўз билан одам ўзгарса, Низомийдан, Румийдан, Саъдийдан, Ҳофиздан, Навоийдан, борингки, Данте, Шекспир, Гёте, Достоевскийдан кейин ўзгарар эди, деб ўйлайди.

Агар шундай деб ҳисобласак, дунёда ҳеч қандай қонун, ҳеч қайси таълимот, ҳеч бир дунёқараш, ҳеч қанақа ғояга ҳожат қолмаган бўлур эди.

Йўқ!

Ҳаёт ҳар қанча ҳаётлигини қилмасин, одамзод ғоясиз, таълимотларсиз, муайян дунёқарашларсиз яшаши, энг асосийси, ўсиши, ривожланиши мумкин эмас. Миллат, халқ ҳам шундай.

Мана, ҳозирги давримизни олинг. Мустақил бўлганимиздан кейин фақат Россия империяси зуғумидан эмас, коммунистлар сунъий равишда барпо этган, чорак кам бир аср ҳукм сурган социализм деган тузумнинг ўзидан ҳам тамоман воз кечдик ва босқичма-босқич, даражама-даража, тадрижий (эволюцион) йўл билан биз учун бутунлай янги бўлган бозор

иктисодиётига асосланган фуқаролик жамиятига – чинакам демократик тузумга ўта бошладик.

Икки аср, бундан ташқари, икки минг йиллик туташган, яъни биридан иккинчисига ўтилаётган паллада шулар ҳақида ўйлаш – жуда табиий.

Чунки бир уйдан иккинчисига кўчиб ўтишнинг ҳам қанча ташвишию яна қанча муаммоси бўлади.

...Бўлиб ўтган бир воқеа эсга тушади. Ота уйланган, лекин ёш болали оиласи билан ҳануз ётоқхонада яшаётган аспирант ўғлига алоҳида – икки хонали уй олиб берди. Ўғил ҳадеганда кўчмайди-да. Нима эмиш: *қишни шу ётоқхонада ўтказиб, кейин бамайлихотир кўчар эмиш, бу ерда “дўкон”и қурилган, шароит – тап-тайёр, китоблари – батартиб, иш столи – бор, ҳамма нарчаси – жо-бажо*, эмиш. Ие, тор бир хонада уч киши тикилиб ўтириб, ижод қилиш осон бўлди-ми? Ундан кўра, тезроқ кўчиб, бир хонасини дарсхона қилиб олмайсанми? Йўқ-да. Ташвишидан кўрқадилар акам: уйни яшашга мослаш керак, ойнасига парда, эшигига янги қулф, даҳлизига қўнғироқ дегандек...

Энди тасаввур қилинг: бир тузумдан иккинчисига ўтишнинг қанча мушкулоти бор! Аввало, уни қайси йўл-йўриқ асосида амалга оширамиз?

Дунёда бунинг тап-тайёр қолипи йўқ ва бўлмаган ҳам. Чунки биздан олдин ҳали ҳеч бир мамлакат айнан бундай йўлни босиб ўтган эмас. Қолаверса, бошқа мамлакат бу борада юрган йўл кўп томондан ўзига хос жиҳатларга эга бўлган Ўзбекистон учун мос келармиди? Йўқ.

Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки кезлариданоқ шундай ўзига хос таълимот яратишга жуда катта эҳтиёж бор эди.

Президент Ислом Каримовнинг амалда ҳар бир чиқиши ана шу таълимот иморатига қўйилган бир ғишт янглиғ бўлди.

Юртбошимизнинг 1992 йили ёзилган дастлабки махсус китобига бежиз айнан “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” деган ном берилмаган. Масала аниқ ва лўнда эди: Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилайди ва бунда ҳеч кимдан андоза олинган эмас!

1993 йили чиққан “Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асарида мамлакатимизнинг катта иқтисодий салоҳияти борлиги ва ислохотлар амалда ана шу имкониятларни янада кўпроқ ишга солиш учун кенг йўл очиши, бунга эришиш мақсадида айнан нималар қилишимиз лозимлиги илмий, асосли ва атрофлича тушунтириб берилди.

1995 йили чоп этилган “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” асарида, номидан ҳам билиниб турганидек, иқтисодиётимизни ўнглаш, уни тамоман янги, замонавий бир тизимга айлантириш йўл-йўриқлари батафсил кўрсатилган.

1997 йили яратилган “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китоби моҳиятан давлат ва мамлакат халқи олдида турган масалаларнинг жамики жиҳатларини жаҳон ҳамжамияти майдонида туриб таҳлил этгани, тамоман янги даражаси, юксак илмийлиги ва асосдорлиги билан кескин ажралиб туради.

2008 йили босилиб чиққан “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида эса Ислом Каримовнинг миллий маънавиятимиз ва миллий мафкурамизга доир энг муҳим қарашлари бир тизимга солинди, муайян маънавий-мафкуравий таълимот янглиғ ўртага кўйилди.

Президент Ислом Каримовнинг асарлари, чиқишлари, маъруза, нутқ ва суҳбатларида сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг амалда барча жабҳаларига бугунги илғор ўзбекнинг, мутараққий мамлакатга айланишга қатъий чоғланган Ўзбекистоннинг аниқ-тиниқ нуқтайи назари бўртиб туради; ҳар қандай масалага муносабатда шу давлат ва унинг халқи манфаатлари негизида ифода топган муайян ва узоқ келажакка мўлжалланган мустаҳкам тамойил яққол кўзга ташланади.

Дунё ҳарбий қуролларгина эмас, кўпроқ мафкуралар курашига айланиб улгурган (Президентимизнинг: *“Мафкура полигонлари ядро полигонларидан хавфлироқдир”*, – деган сўзини эсланг) ўта мураккаб, ҳатто, бутун бошли бир халқнинг чалғиб, йўлидан тойиб кетиши, уни бировлар осонгина таъсирига олиши ҳеч гап бўлмай қолган бир замонда бу чандон муҳим масала эканини биз – бугунги кишилар охиригача англаб-ангшариб улгурмаётган бўлсак, келажак авлод кўради, билади, тушунади.

Тарихга, тилга, қадриятларимизга, муқаддас динимизга, буюк саркардаларимиз, улуғ-улуғ олимларимиз, азиз-авлиёларимиз, мўътабар анъаналаримизга муносабатни олинг. Ёки бугунги ўзбек давлатчилиги замонавий, умумбашарий хусусиятларни қанчалик касб этиб бораётган бўлса, миллий тийнатимиз(менталитетимиз)да мавжуд, ота-боболаримиздан қолган юрт бошқариш санъатидаги жамики яхши жиҳатларни ҳам шунчалик ўзида мужассам этаётганини бутун дунё кўриб турибди.

Президент Ислом Каримов таълимотида ҳуқуқ билан ахлоқ, иқтисод билан сиёсат, миллийлик билан умуминсонийлик, демократия билан миллий давлатчилик, тарих билан бугун, бугун билан келажак, шахс билан жамият, жамият билан давлат ва ҳоказо масалалар уйғун ҳолда, ўзаро бирликда кўрилади.

Бундан ташқари, айни таълимот тор, бир мамлакат қобиқига ўралиб қолган қарашлар йиғиндиси эмас. Аксинча, у жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас бир бўлагига айланган Ўзбекистоннинг шу умум ҳалқадаги вазиятини ҳар тарафлама ҳисобга олган ҳолда дунёга келди ва шу башарий тафаккур майдонида тинимсиз комилликка интилиб боряпти.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли аллакимларга ёқиш-ёқмаслигидан қатъи назар, бугун дунё ҳам, бошқа ҳар қандай давлат ҳам биз билан, мамлакатимизда юритилаётган оқил ва одил сиёсат билан юзма-юз келишга – ҳисоблашишга мажбур.

Айтинг, қачон халқимиз жаҳон сахнасида бундай тенг имкониятга, бундай ҳур сўзга, бундай жарангдор миллий овозга эга бўлган?!

Йўлбошчимизнинг асарлари, барча маъруза, нутқ ва суҳбатларини кузатиб борсангиз, биринчидан, тадрижийлик, яъни бир фикрнинг муттасил ривожлантира борилиши, иккинчидан, ҳар қандай нуқтайи назар,

муносабат, хулоса пухта бир тизимнинг маҳсули экани, учинчидан, хоҳ сиёсат, хоҳ иқтисод, хоҳики маънавият соҳасида бўлсин, ҳар қандай талқинда ҳаётнинг барча қатламлари аро узвий алоқадорлик бўртиб туради. Айни шу жиҳатлари билан уларнинг бари йиғилиб, мустақил бир таълимотни ташкил этиши ойдинлашади.

Ислом Каримов таълимоти халқнинг асрий орзу-армонлари, интилиш-ҳаракатлари, бой илмий-бадий мероси, феъл-атвори, урф-одати, анъана-маросимлари, шунингдек, умуминсоний қадриятлар, замон ва макон талаблари асосида яратилаётибди. Муҳими, унинг ҳар бир нуқтаи назари, қараши, талқини кучли ижтимоий эҳтиёж ҳосиласи, давр талаби сифатида юзага келаётибди.

Исботи шуки, халқ бу таълимотни жон-дили билан қабул қиляпти. Мамлакат фуқаролари шу ғоялар атрофида жипслашяпти. Халқ Президенти тимсолида ўз келажаги байроқдорини кўриб турибди.

Миллат тарихида айнан шундай замон ҳам, худди шундай имконият ҳам сира бўлган эмас. Ҳазрат Навоий орзу қилган давлат раҳбари билан фуқаро ўртасидаги юксак даражали иттифоқ учун бундан қулай имконият йўқ.

Шоҳ, дейди буюк мутафаккир “Садди Искандарий” достонида, мамлакат аҳлисиз биргина одам, холос. У худди гулистондан айрилган гул ёки бадандан ажраб, бир парча этга айланган юракдек гап. Шунинг учун, қани энди имкони бўлса-ю, мамлакат раҳбари билан халқ бир-бирига худди ошиқ-маъшуқдек интилса, шунда улар нимаёики иш қилса, бир-бирига мосу мувофиқ келаверади:

*Шаҳу хайл маъшуқу ошиқ керак,
Не ишким қилурлар мувофиқ керак.*

Гап Искандар ҳақида кетяпти. Шунда, дейди Навоий яна, *гарчи жаҳонни эгалламоқ-ку осон иш эмас, лекин шоҳ билан хайл (аҳоли) ўртасида иттифоқ бўлса, бу унчалик мушукул ҳам эмас-да:*

*Жаҳон олмоқ осон сарукур эмас,
Вале иттифоқ ўлса — душвор эмас.*

Ислом Каримов яратган таълимотнинг қудрати шундаки, уни халқ чинакамига ўз келажаги йўли деб билияпти. Темурийлар замонидан буён ўтган шунча асрлар мобайнида қарийб ҳеч қачон сиёсат бунчалар халққа қайишмаган эди.

Бу давлат амалда нималарни жорий этди? Биз йигирма уч йиллик — тарихан жуда қисқа бир фурсатда бошқа халқлар, илгари замонларда ўзимиз ҳам бир неча ўн йил, ҳатто, юз йилликларда эришолмаган ютуқларни қўлга киритдик. Булар айнан нималардан иборат эканини ҳали ўзимиз ҳам тўлиқ моҳиятига етиб, англаб улгурмагандирмиз. Келажак кўрсатади. Халқ – шоҳид. Қадрига етади.

Тарихни варақлаб, ўтган минг йилликдаги ғоя-таълимотлар, мафкура тизимлари, халқимизнинг ўй-орзулари ҳақида озми-кўпми мулоҳаза юритдик. Йигирма биринчи юз йиллик ҳам ўтар, авлодларимиз бизнинг бу кунларимиз ҳақида ҳам ўйлар, мушоҳада қилар, ёзар. Ким билади, эҳтимол, бу мулоҳазаларимизга ҳам тамоман янги бир кўз билан боқар.

Лекин, барибир, XX аср охири ва XXI аср бошларидаги халқ ҳаётидаги туб бурилишларга умумқараш ўзгармайди. Биз бунга ишонамиз. Чунки халқнинг эрки кўлида бўлиб, жаҳон аҳли орасида муносиб ўрни, мавқеини қайта тиклашидан кўра юксакроқ, қадрлироқ омол бўлмаса керак. Биз келажак авлодлар ёдида ҳам шундай замонда яшаган ва шу имкониятни кўлга киритган кишилар сифатида гавдаланамиз.

Эндиликда шу имкониятдан унумли фойдаланиб, ҳаётимизни тубдан яхшилаш, халқ сифатида чинакам баланд поғоналарга кўтарилишга эришсаккина замон елкамизга юклаган вазифани адо этган бўламиз. Демак, давримиз фақат тарихийлиги, илгариги замонларга ўхшамаслиги билан эмас, бўйнимизга ўта мураккаб ва ғоят масъулиятли вазифалар юклайгани билан ҳам ажралиб туради.

Президент Ислом Каримов таълимоти бизни шундай фикрлашга, фуқаролик бурчимизни шундай теран англаш, ҳис этишга ундайди.

XX аср охирида асослари яратилган ва доимий равишда такомиллашиб бораётган бу таълимот тарихга ҳам, ҳаётга ҳам, том маънода, янги аср таълимоти сифатида кириб келди.

Энг муҳими, бу таълимот *“халқни – халқ, миллатни – миллат”* (Ислом Каримов) қилишга йўналтирилган.

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласини мутолаа қилган киши бунга тўлиқ амин бўлади.

МАЪНАВИЯТ ВА СИЁСАТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ҒОЯ
ТАРҒИБОТИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНОСТИ
ҲУЖЖАТЛАРИ**

1. 1994 йил, 23 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. *“Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида”*.

2. 1994 йил, 8 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. *“Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”*.

3. 1996 йил, 9 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. *“Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”*.

4. 1998 йил, 24 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. *“Маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”*.

5. 1999 йил, 3 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. *“Республика Маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”*.

6. 2001 йил, 18 январь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши. *“Миллий истиқлол зояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида”*.

7. 2006 йил, 25 август. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-451-сон қарори. *“Миллий зоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”*.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

**МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА**

ПҚ-451-сон

2006 йил, 25 август

Ватанзимиз мустанқиллигининг маънавий асосларини мустанқамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиклолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу борада тегишли идора ва ташкилотлар, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилаётганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустанқиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг фаолияти ва таркибий тузилишини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида ҳамда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги йиғилишида билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига Республика Маънавият ва маърифат кенгашига раислик қилиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимларига эса ҳудудий кенгашларга раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари штатлар жадвалига кўшимча равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси штати (жами 14 та штат бирлиги) киритилсин.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг таркибий тузилиши иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилсин.

Қуйидагилар Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг асосий вазифаси этиб белгилансин:

миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш,

уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш;

халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий кадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини захарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш;

фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларни онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидоий ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услугларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва таклифлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

ўз фаолияти доирасида амалга оширилган илмий изланишлар натижаларини, таҳлилий материалларнинг хулосаларини оммавий ахборот воситалари, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг нашр органлари – “Тафаккур” ва “Жаҳон адабиёти” журналлари, “Маънавият” нашриёти орқали мунтазам равишда чоп этиб, кенг жамоатчиликка етказиш.

5. Республика “Маънавият ва маърифат” маркази Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавият тарғибот марказига айлантирилсин.

Қуйидагилар Республика Маънавият тарғибот марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш;

аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор, ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва кадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш;

бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи

ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усул-услуглар орқали сингдириш, аждодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш, тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий кадриятлар уйғунлиги асосида ташкил этиш;

юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш.

6. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши 15 кун муддатда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда Республика Маънавият тарғибот марказининг дастур ва низомларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда “Тафаккур” журнали таҳририятини Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уйга жойлаштирсин.

8. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини хизмат телефонлари, жумладан, ҳукумат телефони, интернет, бошқа алоқа ва ахборот воситалари билан белгиланган тартибда таъминласин.

9. Молия вазирлиги:

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази фаолиятини молиялаштириш, уни зарур идоровий жиҳозлар, компьютер техникаси ва бошқа асбоб-ускуналар билан таъминлаш, Марказнинг илмий-тадқиқот натижалари, долзарб ижтимоий-сиёсий мавзулардаги китоб, рисола, дастур, қўлланма ва бошқа матбаа маҳсулотларини нашр этиш билан боғлиқ харажатлар учун 2007 йилдан бошлаб давлат бюджетидан маблағ ажратилишини кўзда тутсин;


Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази учун битта енгил автомобилга лимит ажратсин.

10. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг таркибий тузилиши¹⁵



МАЪНАВИЯТ – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

(Ўзбекистон Республикаси Президенти ПҚ-451-сон Қарорининг шарҳи)

¹⁵Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ҳозирги таркибий тузилиши берилган.

Мамлакатимизда мухтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида сиёсий, иқтисодий ва маънавий йўналишларда изчил ислохотлар олиб бориляпти. Мақсадимиз –тезроқ ривожланган давлатлар сафидан ўрин олиш, демократик тузум, эркин фуқаролик жамияти, чинакам ҳуқуқий давлатни барпо этиш. Шунинг учун маънавият бизда давлат сиёсатининг ана шу уч устувор йўналишидан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар тизимини шакллантириш, такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга бағишланган 7 та қонуности ҳужжати – Ўзбекистон Республикаси Президентининг уч фармони (1994.23.04, 1996.09.09, 1999.03.09), бир қарори (2006.25.08) ва бир фармойиши (2001.18.01), Вазирлар Маҳкамасининг икки қарори (1994.08.06, 1998.24.07) қабул қилинди (Улар рўйхати олдинроқ берилди).

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-451-сон қарори бу соҳани такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Бу – ниҳоятда муҳим ҳужжат. Чунки, қарорда тўғри қайд этилганидек, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиклолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, эҳтимол, ҳеч қачон бугунгидек долзарб масалага айланмагандир.

Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва ахборий (информацион) курашлар кучайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси бу соҳадаги ишларни, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолияти ва таркибий тузилишини қайта кўриб чиқишни тақозо этгани учун ушбу қарор қабул қилинди.

Мазкур қонуности ҳужжати бундан буён тамоман янгича куч-ғайрат, огоҳлик ва аниқ мўлжал асосида ишлашни талаб этади. Ҳавоий гаплар, умумий даъватлар, баландпарвоз ҳамду санолар даври ўтди. Биз ахборотлар кураши мисли кўрилмаган даражада кучайган асрда яшаяпмиз. Миллий ғоя ва маънавият тарғиботчиси шуни унутмаслиги керакки, бугун тингловчи содда эмас, унинг бошқа кўплаб ахборот манбаларидан маълумотлар олиш ва уларни таҳлил этиш, ҳаётни бевосита кузатиш бўйича жуда катта имкони бор. Демак, бугун маънавий-маърифий, керак бўлса, ғоявий-мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишида ўта ҳушёрлик, чуқур таҳлил салоҳияти, энг муҳими, катта ахборот базасига эга бўлиш ва уни таъсирчан, содда, ишонарли тарзда, замонавий усул ва услублар, техника ва технологиялар воситасида фуқаро онги ва қалбига етказиш масъулияти талаб қилинади.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши – бундан буён ана шу юксак талаблар асосида фаолият олиб боришга мажбур. Акс ҳолда, барча саъй-ҳаракатларимиз зое кетади.

Маълумки, ҳар қандай қонуности ҳужжати илгари амалда бўлган нималарнидир бекор қилиб, нималарнидир янгидан жорий этади. Шу маънода ушбу қарорда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш учун бу тизимга қандай жиддий янгиликлар киритилди?

Ташкилий жиҳатдан тўрт муҳим янгилик юз берди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика Маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” 1999 йил 3 сентябридаги фармонида Республика Маънавият ва маърифат кенгашига Раислик қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига, минтақавий ва ҳудудий Маънавият ва маърифат кенгашларига раислик қилиш эса минтақа (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ва ҳудуд(туман ва шаҳар)ларнинг биринчи раҳбарларига юклатилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-451-сон қароридаги б и р и н ч и янгилик шу бўлдики, Республика Маънавият ва маърифат кенгашига Раислик қилиш энди бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош вазири зиммасига юклатилди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Бошқаруви ташкил этилди. Бу мамлакатимизда маънавиятга эътибор янада кучайтирилганидан далолат беради, албатта.

И к к и н ч и янгилик шу бўлдики, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси штати (жами 14 та) жорий этилди. Республикаимизнинг барча минтақа ва ҳудудларида биринчи раҳбар минтақавий-ҳудудий Маънавият ва маърифат кенгашининг раиси ҳисобланади. Ёрдамчилар амалда ана шу минтақавий Маънавият ва маърифат кенгаши раисининг ўринбосари бўлади ва жойлардаги маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳамда ўзаро мувофиқлаштиришда у Жўқорғи Кенгес Раиси ва ҳокимларга бевосита ёрдам беради.

Очиқ айтиб қўя қолган маъқулки, бу вазифада ишлайдиган киши том маънода маънавиятчи, яна ҳам аниқроқ қилиб ифодаланса, ҳақиқий мафкурачи, шундай салоҳиятга эга етук мутахассис – билими, тажрибаси, ташкилотчилик салоҳияти етарли кадр бўлиши зарур.

Миллий ғоя ва мафкура тарғиботи, маънавий-маърифий ишларнинг аҳамияти чигит экиш ёки ғалла етиштиришдан кам эмас. Ахир, террористик-экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқароларимиз иштирокида мамлакатимизда мустақиллик йилларида қилинган ҳаракатларнинг азобини бир эмас, бир неча бор бошдан ўтказдик-ку.

У ч и н ч и янгилик шу бўлдики, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ташкилий гуруҳи – ижроия идораси ҳисобланмиш *Республика “Маънавият ва маърифат” маркази Республика Маънавият тарғибот*

марказига айлантирилди. Унинг таркибий тузилишида ҳам муайян ўзгаришлар қилинди. Кўшимча равишда янги *Тарғиботчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва малакасини ошириш бўлими* очилди. *Ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тарғибот бўлими* *Ижтимоий-сиёсий тарғибот бўлимига*, *Ижтимоий-иқтисодий тарғибот бўлими* эса *Ҳуқуқий тарғибот бўлимига* айлантирилди.

Қуйидагилар Республика Маънавият тарғибот марказининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

“ – *Маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш;*

– *аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор, ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш;*

– *бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган гоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг зарарли мақсадларини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;*

– *ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий гуруҳ, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усул-услуглар орқали сингдириш, аجدодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш, тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ташкил этиш;*

– *юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш”.*

Т ў р т и н ч и янгилик шундан иборат бўлдики, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузурида шу пайтгача фақат ютиб олган грантлари асосида фаолият олиб борган *Миллий мафкура илмий тарғибот маркази* давлат бюджетидан молиялаштириладиган *Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий марказига* айлантирилди, унга тегишли штат бирликлари ажратилди.

Қуйидагилар Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий марказининг асосий вазифаси этиб белгиланди:

“– Миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш;

– халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш;

– фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараши асосларини мустаҳкамлаш, уларни онгли яшашига, ўз фикрига эга бўлишига, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишига қодир бўлган, иродали, фидоий ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашига йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришига қаратилган самарали усул-услугаларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва таклифлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

– ўз фаолияти доирасида амалга оширилган илмий изланишлар натижаларини, таҳлилий материалларнинг хулосаларини оммавий ахборот воситалари, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг нашр органлари – “Тафаккур” ва “Жаҳон адабиёти” журналлари, “Маънавият” нашриёти орқали мунтазам равишда чоп этиб, кенг жамоатчиликка етказиш”.

Шу тариқа Республика Маънавият ва маърифат кенгаши амалда икки қанотга эга бўлди. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази илмий-назарий, услубий-методик тавсиялар, дастурлар, ишланмалар, рисоалар, қўлланмалар ва бошқа нашрий босма маҳсулотлар ишлаб чиқади, миллий ғоя ва мафкура тарғиботи бўйича мониторинг олиб боради. Республика Маънавият тарғибот маркази бевосита амалий тарғибот ишлари билан шуғулланади. У мамлакатда маънавий-маърифий тарғибот тизимини такомиллаштиради, маънавий-маърифий ишларни уюштиради, мувофиқлаштиради, жойларда, ташкилот ва муассасаларда бу борадаги аҳволни ўрганади, уларга ёрдам кўрсатади, шу соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш тизимини йўлга қўяди.

Кўриниб турибдики, ушбу қарорда вазифалар ўта муайян тарзда белгилаб берилган. Бу эса унинг ижроси учун ишни юксак даражада ташкил этишни талаб қилади.

Ислохотлар туб моҳиятини, эришилган ютуқларни ишонарли, асосли, таҳлилий тарзда ҳам бевосита аҳоли ўртасида, ҳам оммавий ахборот воситалари орқали изчил ва мунтазам ёритиб бориш даражасини кескин кўтариш лозим. Яшириб нима қилдик, орамизда шундай одамлар ҳам борки,

мустақиллик шарофати билан ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий “Нексия”да юрибди, айнан истиқлол даврида қурилган кенг ва равон йўлда кетяпти, афсуски, фикри-ёдида норозилик, ношукурлик ва ҳоказо ўйлар. Шу фуқаро билан ким гаплашади? Унинг фикрини ким ўзгартиради? Ким унинг кўнглига шукр ва некбинлик уруғини сепади?..

Ҳозир ахборот асрида яшайпмиз. Ҳар тарафдан турли-турли маълумотлар кириб келяпти. Бу табиий жараён. Лекин дўконларимизда сотилаётган хориждан келтирилган нашрий маҳсулотлар, аудио-, видеокассеталар, фотосуратлар, ҳар хил дисклар, кинолар, китобларнинг ғояси, мафкураси, мақсади нимадан иборат, улар миллий манфаатларимиз, ғоя ва мақсадларимизга зид эмасми – буни ким назорат қилади, ким ўрганади, ким бундай хавфларнинг олдини олади?

Биз демократик жамият қуряпмиз. Виждон эркинлигини таъминлаш – демократиянинг олий талабларидан бири. Бироқ тушуниб етдикки, ҳақиқий дин – бошқа, дин никоби остидаги ёт мафкура – бошқа нарса. Дин баҳонасида айнан қандай ғаразли, ёт ғоялар кириб келяпти? Буни ўз вақтида ва мукамал тарзда аниқлаб боряпмизми? Муллалар, отинойилар маърузалари кассеталар тарзида тарқатиляпти. Марҳамат. Бироқ айтилаётган, даъват этилаётган ғоялар замирида ёт мақсад яширин эмасми? Буни изчил таҳлил қилиб бориш, диний ва дунёвий тарғиботни ўзаро уйғунлаштириш зарурати кун сайин ортиб бораётир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ота-онанинг боласи учун қандай дафтар ёки бошқа ўқув воситалари сотиб олишини бутунлай чеклашнинг иложи йўқ. Лекин тадбиркорлар ишлаб чиқараётган ёки яқин ва узоқ хориждан олиб келинаётган бу таълим-тарбия воситаларида беҳаё ёки, умуман, ахлоқий жиҳатдан мактаб болалари ёшига мос келмайдиган, миллий манфаатларимиз, маънавиятимиз ва тийнат(менталитет)имизга зид ғоялар ташийдиган суратлар босилаётганининг олдини олиш учун айнан қандай маънавий-маърифий чора-тадбирлар кўришимиз керак?

Демократия шароитида эркин матбуот шаклланиши – ўта табиий жараён. Хўш, шу хусусий нашрлар ўз иқтисодий мақсадларини кўзлаб, билибми-билмайми, миллий ғоямиз ва мафкурамизга зид, маънавиятимизга болта урадиган тушунча, ғоя ва талқинлар, сурат ва бошқа иллюстрацияларларни чоп этмаяптими? Қандай қилиб булар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мумкин?

Телевидение – ҳозирги замонда энг оммабоп ахборот воситаси. Китоб, газета, журнал ўқишга фурсати, интернетдан фойдаланишга имкон ва укуви йўқ кишилар ҳам телевизор кўради. Лекин ойнаи жаҳонда намойиш этилаётган чет эл фильмларининг ҳаммаси ҳам бизнинг мақсад ва муддаоларимизга мос тушадими? Истар-истамас ўзимиз ёшларимиз тарбиясининг бузилишига ҳисса кўшиб қолмаяпмизми?

Радио ҳам – инчунин. Оммавий ахборотнинг айнан шундай беминнат воситасидан, ўз *ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланаман*, деб интилаётганлар камми?

Халқ таълими, ўрта махсус таълим ва олий таълим тизимларида миллий ғоя ва мафкура, маънавий асослари қандай сингдириляпти? Ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмаларда эътиборсизлик, билимсизлик оқибатида, фарзандларимиз онг-тафаккури ва қалбига ўзимизга қарши ғоя сингдириляётгани йўқми?

Адабиётимиз ва санъатимизда қандай ғоявий-мафкуравий, маънавий жараёнлар кечмоқда? Муаллифларимиз қайси ғояларни илгари суряпти? Уларни шу нуқтаи назардан ким таҳлил этади?..

Бундай саволларга жавоб излаш – бевосита халқ, Ватан ва давлат бугуни ва келажаги учун суву ҳаводай зарур. Халқ, Ватан ва давлатни ҳар куни ҳар лаҳзада қўриқлаш, асраш, муҳофаза қилиш – шарт. Бу эса, энг аввало, одамлар, хусусан, ёшлар онг-тафаккури, маънавияти ва қалбида Ўзбекистон, унинг равнақи, тинчлиги, фаровонлиги учун яшаш туйғусини мустаҳкам ўрнатиш орқали кечади.

Республика Маънавий ва маърифат кенгаши, унинг тузилмалари, минтақавий-ҳудудий кенгашлари шу вазифаларни бажаришни буткул ўз зиммасига олиши – шарт ва зарур.

Кенгаш – жамоат ташкилоти сифатида шундай масалаларни кўтариш, изчил ўрганиш, бу борада жамоатчилик фикрини уйғотиш, ҳар қандай маънавий-мафкуравий хавфнинг олдини олишга тўла ҳақли ва шунга масъул.

Президент қарори ишни шу асосда тамоман янги савия ва даражада йўлга қўйишни талаб этади.

Шу тариқа мамлакатимизда маънавий тизимини янада такомиллаштириш, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш учун амалга оширилиши зарур муҳим йўналиш ва вазифалар белгилаб олиниб, Республика Маънавий ва маърифат кенгашининг амалдаги фаолиятига татбиқ этишга киришилди.

Шуни унутмаслигимиз керакки, ўтган даврда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишлар ўзига хос бир тизимга айланди. Аммо замон кун сайин ривожланиб бормоқда. Жаҳонда, замон билан бирга, ғоявий-мафкуравий жараёнлар ҳам мураккаблашиб, инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш тобора кучаяётир. Бу эса миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш учун тизимни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Тарғибот-ташвиқот ишларини замон талаблари асосида янги усул ва воситалар орқали амалга оширишимиз зарур. Чунки бугун мафкуравий кураш кўпроқ ахборот алмашишининг энг замонавий воситалари орқали кечмоқда. Шунинг учун тарғибот-ташвиқот ишларида электрон ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш, аудио-, видео-, фототарғибот усуллари, мультимедиялар, президентациялар орқали аҳоли ўртасида тарғибот олиб бориш кенг йўлга қўйилмас экан, бу борада мафкуравий курашда тенг кучга эга бўлолмаймиз.

Модомики, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни замон талаблари даражасига кўтаришимиз керак бўлса, Республика Маънавият тарғибот маркази минтақавий-худудий бўлимларининг ҳам мунтазам фаолият олиб боришига эришиш, бунинг учун уларга бюджетдан таъминланадиган штатлар ажратиш – жуда-жуда зарур. Чунки тарғиботни пастда – жойларда кучайтирмас эканмиз, кутилган натижага эриша олмаймиз. Ана шундагина биз амалда барча таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, қишлоқ ва овулларни қамраб олишга эришамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг *“Республика Маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”* 1999 йил 3 сентябридаги фармони билан минтақалар, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда худудлар, яъни туман ва шаҳарларнинг биринчи раҳбарлари минтақавий ва худудий Маънавият ва маърифат кенгашларига раислик қилиш юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг *“Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”* 2006 йил 25 августидаги ПҚ-451-сон қарори билан эса минтақалар биринчи раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари штатлари жорий этилди.

Шу асосларга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, барча туман ва шаҳарлар ҳокимлари ўзлари раҳбарлик қилаётган минтақа ва худуд маънавияти учун бирламчи жавобгар масъул шахс ҳисобланади. Жойларда маънавият ухлаб ётса, оқибати ёмон кечади.

Хулоса қилиб айтганда, мухтарам Президентимиз таъкидлаганидек, мафкура полигонлари ядро полигонларидан хавфлироқ бир жараёнда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга ҳаммамиз бирдай масъулмиз. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг мувофиқлаштирувчи имкониятидан фойдаланиб, кучларни бирлаштиришимиз, фаолиятимизни кучайтиришимиз, иш самарадорлигини оширишиз лозим.

“Маънавият ва маърифат хонаси” бу борадаги фаолиятимизни амалга оширишимизда жуда кўл келади.

МАЪНАВИЯТ ИШИНING МЎЎТАБАР МАНБАСИ

(Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асари мазмун-моҳияти)

Ғолиб руҳияти билан мағлуб руҳияти, озод халқ руҳияти билан мазлум халқ руҳияти, илғор мамлакат аҳли руҳияти билан қолоқ мамлакат аҳли руҳияти бир-биридан кескин фарқ қилади.

Чунки мустамлакачилик сиёсати ҳар қандайига истибдодга суянади. Ҳар қандай истибдод мустамлака халққа зулм ўтказди. Зулм кўрган ҳар

қандай халқнинг руҳи чўқади, қадди букилади, бели синади. Оқибатда у ўзини ожиз ҳис қилишга мажбур бўлади. Ҳар қандай ожизлик эса бора-бора қоқоқликка олиб келади.

Йиллар мобайнида шаклланган ана шу психология йиллар мобайнидагина бартараф этилиши мумкин. Халқ кўнглидан бу кўрқув, ишончсизлик, тушкунликни қувиб чиқариш учун эса кучли ғоя, асосли бир таълимот керак эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асослаган янги таълимот, хусусан, бу таълимотнинг миллий маънавият ва миллий ғоя билан боғлиқ барча жиҳатларини ўзида акс эттирган “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби мамлакат халқи учун ана шундай кучли манба вазифасини ўтади ва ўтапти.

Авалло, бу китобнинг Ислом Каримов асарлари орасидаги ўрнини тайин этиб олайлик. Бунинг учун биринчи галда Ислом Каримов асарлари тушунчасига нималар киришини аниқлаштириш лозим.

Бу асарларни илмий равишда қуйидаги жанрларга ажратиш мумкин:

1. **Китоб сифатида махсус битилган асарлари** (бунга нималар кириши ҳақида алоҳида тўхталамиз).

2. **Рисолалари** (масалан, “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”).

3. **Маърузалари** (масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябридаги қўшма йиғилишидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маъруза).

4. **Нутқлари** (масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2010 йил сентябрида бўлиб ўтган саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида сўзлаган нутқи).

5. **Турли тадбирларда билдирган фикрлари, айтган сўзлари** (масалан, 2010 йил 18 июнда Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси зиёратида билдирган фикрлари).

6. **Матбуот анжуманларидаги чиқишлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоблари, улар билан ўтказилган суҳбатлар, уларга берган мусоҳаба(интервью)лари** (масалан, 2007 йили Тошкент – ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани муносабати билан “Туркистон-пресс” мухбири билан ўтказилган суҳбат).

7. **Мақолалари** (масалан, 1998 йили “Мулоқот” журналида босилган “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” мақоласи).

8. **Табриклари** (масалан, ҳар йили Янги йил, Хотин-қизлар, Мустақиллик байрамларидаги табриклари).

9. **Мактублари** (масалан, 2001 йили Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф вафоти муносабати билан унинг онасига йўлланган мактуб).

10. **Мурожаатлари** (масалан, Ислом Каримовнинг 1991 йил 20 августдаги республика аҳолисига мурожаати).

Албатта, Президент ўз функционал вазифаларини бажариш асносида Олий Мажлис қабул қилган қонунларни, икки давлат ўртасидаги ва халқаро дипломатик ҳужжатларни имзолайди, 3 та қонуности ҳужжати – фармон, фармойиш ва қарор қабул қилади ва ҳоказо. Аммо бу расмий ҳужжатлар бевосита унинг асарлари сирасига кирмайди.

Президент Ислом Каримов асарлари алоҳида-алоҳида жилдлар сифатида хронологик тарзда чоп этиб келинмоқда. Дастлабки 4 жилд 1996 йили нашр этилган эди. Ҳозир асарлари тўплами сифатида чоп этилган китоблари сони 21 жилдга етди. Бу нашрларда юқорида саналган барча жанрларга тегишли материаллар бор.

Ислом Каримов қуйидаги 5 асарини махсусан китоб тарзида битган:

1. **Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли**¹⁶. 1992.
2. **Ўзбекистон – бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли**¹⁷. 1993.
3. **Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида**¹⁸. 1995.
4. **Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари**¹⁹. 1997.
5. **Юксак маънавият – енгилмас куч**²⁰. 2008.

Кўриниб турибдики, “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоб сифатида махсус битилган асарлар сирасига киради.

Бу китобларнинг йўналишлари, бир-бирига алоқадор ва ўзаро фарқли жиҳатларини муайянлаштириб олиш учун аввал бир масалага аниқлик киритишга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Олий Кенгашининг давлат мустақиллигини эълон қилган 1991 йил 31 августдаги навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган ўша тарихий маърузасида Ватан ва халқ тарихидаги яна бир буюк янгиликни – ижтимоий-сиёсий тузумни ўзгартириш, бунинг учун қуйидаги уч йўналишда ислоҳотлар олиб боришни ҳам эълон қилди:

1. *Сиёсий ислоҳотлар.*
2. *Иқтисодий ислоҳотлар.*
3. *Маънавий ислоҳотлар.*

Бу ислоҳотларни ўтказишдан асосий мақсад эса – ҳаммага тушунарли бўлса керакки, халқ фаровонлигига эришиш. Халқи фаровон яшаётган мамлакатларнинг барчаси бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузум шарофати билан тараққий этган. Шунинг учун биз ҳам айнан шу йўлни танладик.

¹⁶Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 1998. 3 – 66-бетлар.

¹⁷Ўша нашр, 67 – 174-бетлар.

¹⁸Ўша нашр, 175 – 414-бетлар.

¹⁹Ўша нашр, 415 – 683-бетлар.

²⁰Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият” нашриёти. 2008.

Ҳар бир халқ ва унинг давлати ҳамиша ўз олдига муайян мақсад-муддао қўйиб, келажак сари интилса, ривожланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлиб шаклланган биринчи кундан эътиборан ўз олдига эзгу мақсад қўйиб, олдинга интилиб келяпти.

Дастлабки уч китобнинг номлари ҳам, йўналишлари ҳам бир-бирига ўхшайди. Биринчидан, учаласи ҳам “Ўзбекистон” сўзи билан бошланиб, “*йўли*” (ёки “*йўлида*”) сўзи билан тугайди. Бу уларнинг йўналишида ўзаро яқинлик борлигини кўрсатади. Иккинчидан, улар номида “*тараққиёт*”, “*бозор муносабатлари*”, “*иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш*” атамалари қўлланган. Бу эса, гарчи бу асарларда қисман сиёсий ва маънавий ислохотлар ҳақида ҳам сўз борса-да, уларда, асосан, и қ т и с о д и й и с л о х о т л а р биринчи ўринда турганидан далолат беради.

Бу табиий эди. Тузумни янгилаш учун биринчи навбатда иқтисодий ислохотлар йўлини аниқ-тиниқ белгилаб олиш керак эди.

Тўртинчи китоб – “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари” бу жиҳатдан алоҳида ажралиб туради. Чунки унда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва ҳам маънавий ислохотлар тенг миқёсда, ўзаро бир-бирига боғлиқ ҳолда, комплекс тарзда атрофлича таҳлил этилади²¹.

Бешинчи китоб – “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг ўзига хос жиҳати эса махсусан маънавий ислохотлар масалалари таҳлилига бағишланганида намоён бўлади.

Ҳар бир инсон, умуман, шахс камолотида маънавиятнинг ўрни – бекиёс. Бинобарин, бугун маънавиятни англаш, унинг мазмун-мундарижасини тушуниш кишининг табиий эҳтиёжига айланди. Чунки шахсга ҳам, миллатга, халққа ҳам, аввало, маънавиятига қараб баҳо берилади.

Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида айтганларидек: “*Албатта, жаҳон – кенг, дунёда мамлакат – кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз – яккаю ягона*” (90-бет).

Хўш, Ер юзида нечта давлат бор?

Дунёда ҳозирги кунда 252 та давлат мавжуд.

Улар орасида Ўзбекистонимиз нечанчи ўринда туради?

Албатта, бу саволга дабдурустдан жавоб бериб бўлмайди. Чунки мамлакатларга умумий асосларга кўра ўрин ажратиш тажрибаси йўқ. Шунинг учун бу масалада муайян асосларга қараб хулоса чиқарилади.

Б и р и н ч и а с о с – ер майдони. Бу жиҳатдан биз 55-ўринда тураемиз. Ўзбекистон Республикасининг умумий майдони – 448 минг 900 квадрат километр.

²¹Бу асар ҳақида ушбу сатрлар муаллифининг қуйидаги тақризига қаранг: Огоҳлик. – “Тафаккур”, 1997, 3-сон, 8 – 13-бетлар.

И к к и н ч и асос – аҳоли. Бу бўйича биз янада юқорироқ, яъни 42-ўринни ишғол этиб турибмиз. Мамлакатимизнинг катта қисмини чўл ва тоғлар эгаллагани ва у ерларда аҳоли ниҳоят даражада сийрак учрашини инобатга олсак, маданий ҳудудларда аҳоли ҳаддан ташқари зич яшайди. Бизда ҳар йили 600 минг атрофида бола туғилади. Мустақиллик йилларида аҳолининг ўсиши 9,5 миллион кишини ташкил этди.

Агар мамлакатимиз ҳудудининг катта қисмини тоғ ва чўллар ташкил этишини кўз олдимизга келтирсак, амалда бизда аҳоли анча зич яшаши аёнлашади.

Шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, Марказий Осиё аҳолисининг тенг ярми Ўзбекистонимизда истиқомат қилади. Яъни Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон аҳолисини кўшиб ҳисоблагандагина биздагичалик аҳоли сони вужудга келади. Шунинг учун ҳам дунёнинг нуфузли давлатлари Марказий Осиё билан боғлиқ барча муҳим масалаларда аввал биз билан гаплашади, ҳисоблашади.

У ч и н ч и асос – иқтисод. Бу жиҳатдан Ўзбекистонимизнинг ўрнини тайин этиш учун гапни узоқроқдан бошлаш ҳамда кенгроқ мулоҳаза-мушоҳада юритишга тўғри келади.

Шуни асло унутмаслигимиз лозимки, узоқ йиллар мустамлака исканжасида ҳаёт кечирришга мажбур бўлган бирон-бир давлат ва халқ рўшнолик кўрган, яъни иқтисодий тараққиётга эришган эмас. Қарийб бир ярим асрга чўзилган сўнгги мустамлака даврида Ўзбекистонимиз ҳам жаҳон иқтисодий тараққиётидан кўп орқада қолиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Иқтисодий жиҳатдан дунё мамлакатларини, шартли равишда, қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- а) *тараққий этган давлатлар;*
- б) *тараққий этаётган давлатлар.*

Тараққий этган давлатлар ҳам, ўз навбатида, қуйидаги икки гуруҳга бўлинади:

а) *ўта ривожланган давлатлар – АҚШ, Канада, ГФР, Буюк Британия, Франция, Италия, Япония (жами – 7 давлат);*

б) *ривожланган давлатлар – Австралия, Аргентина, Бразилия, Жанубий Африка Республикаси, Жанубий Корея, Индонезия, Мексика, Россия, Саудия Арабистони, Туркия, Хитой, Ҳиндистон (жами – 12 давлат, шундан 3 таси, яъни Индонезия, Саудия Арабистони ва Туркия аҳолиси асосий қисмини мусулмон миллатлар ташкил этади).*

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланган 2008 йилдан буён оммавий ахборот воситалари орқали “*кучли 20 талик*” деган тушунчага тез-тез дуч келяпмиз. “*Кучли 20 талик*” тез-тез йиғилиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан чиқиб кетиш масалаларини муҳокама қилади. Бу йиғилишларга ана шу “*кучли 20 талик*”ка кирмайдиган давлатлар вакиллари чақирилмайди.

Хўш, нега?

Аввало, “*кучли 20 талик*” қандай шакллантирилишини обдон тушуниб олишимиз керак. Ўта ривожланган ҳамда ривожланган давлатларнинг 1 нафардан вакили қўшилиб, 19 тани ташкил этади, бунга Европа Иттифоқининг 1 вакили қўшилиб, 20 киши ҳосил қилинади: $7 + 12 + 1$ (Европа Иттифоқи) = 20.

Европа Иттифоқига 27 давлат аъзо. Иккаласини қўшганда 46 давлат юзага келиши лозим эди. Бироқ ўта ривожланган ҳамда ривожланган давлатларнинг айримлари (*ГФР, Буюк Британия, Франция, Италия*) – бевосита Европа Иттифоқига ҳам аъзо. Уларни чегириб ташласак, “*кучли 20 талик*” амалда 42 давлат номидан иш кўриши ойдинлашади. Дунёнинг шу давлатлар эгаллаган ҳудудида Ер юзи жами аҳолисининг 66 фоизи яшайди.

Жаҳоннинг бугунги кўрсаткичлари бўйича ўртача яшаш учун бу аҳоли жами маҳсулотнинг 66 фоизини ишлаб чиқарса, бўлар эди. Аммо бу ҳудудда умумий олганда дунёнинг 90 фоиз маҳсулотини ишлаб чиқарилади. Албатта, бу маҳсулотлардан уларнинг ўзи фойдаланади. Бировга текинга бериб юбормайди.

Қолган 210 давлатда жаҳоннинг 34 фоиз аҳолиси яшайди. Жаҳоннинг бугунги кўрсаткичлари бўйича ўртача яшаши учун бу аҳоли 34 фоиз маҳсулот ишлаб чиқариши керак. Бироқ булар энди жаҳоннинг бор-йўғи 10 фоизгина маҳсулотини ишлаб чиқаради, холос. Бу дегани – *умумий олганда бу ҳудудда ўртача 1 кишига етарли маҳсулотни 3,4 киши истеъмол қилади*, дегани.

Шуни унутмаслигимиз керакки, 210 та давлатнинг иқтисодий даражаси 210 хил. Булар орасида 1-ўринда тургани ҳам бор, 210-ўринни ишғол этаётгани ҳам. Аммо иқтисодий кўрсаткичлар футбол командаси тўплаган очколар сони эмаски, шунга қараб, мамлакатларни аниқ қилиб ўринларга жойлаштирсак.

Фақат бунда бир муҳим масалага алоҳида диққат қилинади. Бу – ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиш суръати. Айни жиҳатдан Ўзбекистонимиз, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, ҳар йили 8 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда ўсишга эришяпти. 2013 йилги кўрсаткич ҳам 8 фоизни ташкил этди. Бу жиҳатдан Хитойда 7, Россияда 2, Испанияда 0,1 фоиз кўрсаткич қайд этилган.

Т ў р т и н ч и асос – мамлакат халқининг башарият тамаддуни(цивилизацияси)га қўшган ҳиссаси. Кўп асрлик тарихдан маълумки, жаҳон тамаддуни равнақига Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Византия (Туркия, Ироқ, Сурия), Саудия, Миср, Греция, Италия, Англия, Франция, Германия, Россия, Марказий Осиё (Ўзбекистон) халқлари буюк улуш қўшган. Марказий Осиёнинг тамаддунга бешик бўлган марказлари, асосан, бугунги Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тўғри келади.

Шартли равишда, халқнинг башарият тамаддунига қўшган ҳиссасини *маънавият* деб олсак, бу жиҳатдан биз Ер юзининг санокли давлатлари сафида эканимиз аёнлашади.

Маънавиятнинг одамийлик, одоб-ахлоқ, оилавий муносабатлар, поклик, меҳр-мурувват жиҳатлари инобатга олинса, *дунё аввал бизга етиб олсин*, дейдиган даражада буюк маънавиятга эга халқмиз.

Бешинчи мезон – *инсон капиталининг тараққиёт даражаси*. Президент Ислоом Каримовнинг 2014 йилнинг 15 – 16 май кунлари Самарқандда бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида қайд этилганидек, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири – “ИНСЕАД” томонидан 2012 йили инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистонимиз 141 мамлакат орасида 53-ўринни эгаллади.

Олтинчи мезон – *таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар*. Бу бўйича мамлакатимиз дунёда 5-ўринни ишғол этиб турибди.

Президент Ислоом Каримов Самарқанддаги юқорида тилга олиб ўтилган халқаро конференцияда биз қайд этган бешинчи ва олтинчи кўрсаткичларни келтирар экан, мамнуният билан шундай деди: *“Холис инсонлар бизнинг таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ишларимиз ҳақида холисона хулоса чиқаргани учун миннатдоримиз. Биз бундай ҳар томонлама асосланган тадқиқотлар олиб бориб, умумий хулосалар чиқариш билан шуғулланадиган илмий-таҳлилий марказ мавжудлигидан беҳабар эдик. Бундай марказлар фаолияти жуда фойдали, деб ўйлайман ва биз ана шундай юксак эътирофдан руҳланиб, янада юқори ўринларга кўтарилиш учун янада қаттиқ бел боғлаб ҳаракат қиламиз. Биринчи ўринга даъвогарлик қилишдан чўчиб турган бўлсак-да, биз шунга интилиб яшашга ҳақлимиз, деб ўйлайман”*²².

Албатта, бу мезонлар саноғини ҳали яна анча давом эттириш мумкин. Мамлакатимиз олтин захиралари ва уни қазиб олиш, пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш, мева-забзавот ва полиз маҳсулотлари экспорт қилиш, автомобиль ишлаб чиқариш, автомобиль мотори ишлаб чиқариш ва бошқа кўплаб кўрсаткичлар бўйича жаҳонда нуфузли ўринларни ишғол этади.

Хуллас, Ислоом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби билан танишган киши яна мамлакатимизда маънавий ислохотлар борасида қай даражага етганимизни тўлалигича тасаввур қилиш имконига ҳам эга бўлади.

Маънавият сўзи тилимизда аввалдан бор эди. Хусусан, у Навоий асарларида кўп учрайди. Ҳатто, буюк шоир одамларни *иккига – су в р а т а ҳ л и г а* ва *м а ъ н и а ҳ л и г а* бўлади. Ёки Мавлоно Жалололдин Румийнинг олти китобдан иборат дунёга машҳур асари айнан *“Маснавийи маънавий”*, яъни *“Маънавият достони”* деб номланади.

²²Каримов И. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. – “Тошкент оқшоми”, 2014 йил, 16 май.

Шунга қарамай, шўро даврида бу сўз тилимизда истеъмолдан чиқди. Ишоти шуки, ўтган асрнинг 70 – 80-йилларида чоп этилган икки жилдди “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳам, ўн тўрт жилддан иборат “Ўзбек совет энциклопедияси”да ҳам бу сўз йўқ, демак, айти тушунчага таъриф берилмаган.

Хўш, *маънавият* сўзи айнан қачон қайта тирилди?

Бу сўзни яна қайтадан истеъмолга киритиш истиқлолдан сал олдинроқ, аниқроғи, 1990 йил 24 мартада бошланган эди. Ўша кундан СССР ҳудудидаги республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда президентлик бошқаруви жорий этилди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов шу кун республика Олий Кенгаши сессиясидаги маърузасида, жумладан, маънавиятга алоқадор шундай фикрларни дадил туриб илгари сурган эди:

*“...Биз эски тузум даврида инсон ҳаётининг негизи ва мураккаб томонлари, миллий қадриятлар, тарихий анъаналар, умуминсоний **маънавий бойликлар** билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирганини унутмаслигимиз керак. ...Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, **халқ маънавий бойлигининг** илдизлариغا эътибор бериш зарур. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамларда мадад бўлган. Бизнинг вазифамиз – шу хазинани кўз қорачигимиздек асраш ва янада бойитиш”²³.*

Нотиқ шўро давридаги маърифат ва маданиятга муносабат ҳақида сўзлаб: *“Унга сарфланаётган маблағлар доим бошқа соҳалардан кам бўлди”²⁴*, – деди.

Олимлар ва ижодкор ходимларга эътиборни кучайтиришни таъкидлади: *“Чунки **маънавий бойликларни** айнан шулар яратади”²⁵.*

Ўсиб келаётган авлод маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашишни уқтирди: *“Яна бир долзарб вазифа – ўсиб келаётган авлодга, унинг **маънавий тарбиясига** ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласи. Нега деганда, ёшлар **халқ маънавиятининг** муносиб эгаларидир”²⁶.*

Истеъдодли ёшлар тақдирини ўйлаб, жонкуярлик билан: *“Агарки биз ўзимизнинг **маънавий бурчимизни** оқлашни истасак, уларга оталарча **гамхўрлик қилишимиз** керак”²⁷*, – деди.

Ажратиб кўрсатилган сўзлардан маълум бўлиб турибдики, мустақилликдан бир ярим йил олдин тилимизда, демакки, онг-тафаккуримиз – дунёқарашимизда *маънавий бойликлар, маънавий тарбия, халқ маънавий бойлиги, халқ маънавияти, маънавий бурч* каби тушунчалар янгидан шаклланди.

²³ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият” нашриёти. 2008. 78-бет.

²⁴ Ўша асар, 79-бет.

²⁵ Ўша асар, ўша бет.

²⁶ Ўша асар, 80-бет.

²⁷ Ўша асар, ўша бет.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1991 йил 31 августидаги давлатимиз мустақиллигини эълон қилган тарихий маърузасида эса с и ё с и й, и қ т и с о д и й ва маънавий йўналишларда ислохотлар олиб боришни эълон қилганидан эътиборан *маънавият* сўзи мамлакатимизда сиёсий атамага ва маънавий ислохотлар давлат сиёсатининг уч устувор йўналишидан бирига айланди.

Шунинг учун “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби, б и р и н ч и д а н, мамлакатда маънавият асосчиси тарафидан яратилган, и к к и н ч и д а н, ўтган ўн етти йил мобайнида бу борада амалга оширилган улкан маънавий ислохотларнинг таҳлилий хулосалари сифатида қоғозга тушган, у ч и н ч и д а н, унда ҳар бир масалага айнан бугунги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб ёндашилган, т ў р т и н ч и д а н, эл-юртнинг порлоқ келажаги учун жонкуярлик қилинган.

У маънавиятга шунчаки таъриф бериб ўтилган, унинг муаммолари бир сидра илмий таҳлил этилган китоблар сирасига кирмайди. Бу ерда Юртбошини, аввало, маънавиятнинг халқ ва давлат тақдири, Ватан келажаги, эл-юртнинг эртаси, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини оширишдаги ўрни қизиқтиради. Бу эса “*фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқ*” масала. Чунки айнан маънавият орқалигина комил инсонни тарбиялаш мумкин.

Китобда икки асосий тушунча бор – *маънавият* билан *мафкура*. Булар – эгизак тушунчалар. Чунки асарда айнан *миллий маънавият* ва *миллий мафкура* ҳақида сўз боради. Ахир, ҳар қандай мафкуравий таҳдид амалда миллий маънавиятга таҳдид-ку.

Монографиянинг мундарижасини кузатиб, бу икки асосий тушунча *инсон, ислохотлар, моддий ҳаёт, маънавий мезон, зоя, фикр, жамиятнинг янгилалиши, глобаллашув жараёнлари* ва бошқа шу каби атамалар билан уйғун ҳолда изчил таҳлил этилади.

Бу таҳлилларда, албатта, биринчи галда Ўзбекистон халқининг миллий манфаатларидан келиб чиқиб муҳокама ва мулоҳаза юритилган, тегишли хулосалар илгари сурилган. Бироқ мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий сиёсатнинг туб моҳиятида умуминсоний ғоялар ётгани – ҳаммага аён. Бинобарин, “*миллий зоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташиқил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиши, уларни янги босқичга кўтариши, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараши эгалари қилиб тарбиялашдан иборат*”²⁸.

Китобда яна бир жиддий ва нозик масалага аниқлик киритилади: “*Албатта, барчамиз яхши тушунамизки, “миллий зоя” деган сўз фақат бир миллатга мансуб бўлиб қолмасдан, мана шу табарруқ диёримиз –*

²⁸Ўша асар, 75-бет.

*Ўзбекистон тупроғида яшайтган, уни ўз она Ватани деб биладиган барча миллат ва элатларга бирдек дахлдордир*²⁹.

Агар ана шундай ягона бир ғоялар тизими атрофида бирлашмас экан, бирон-бир мамлакат халқи олдига қўйган юксак мақсадларига эриша олмаслиги – аниқ.

Муаллиф маънавият ва миллий ғоя таҳлилида халқимизнинг аср-асрлик бой меросига суянади. Жумладан, давлат бошлиғининг улуғ Алишер Навоийга берган баҳоси – бағоят қадрли: *“Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир*³⁰.

Мустақиллик йилларида “Маънавият асослари” ва “Миллий ғоя” мамлакатимизда алоҳида, ўз йўналишига эга, мустақил фанлар сифатида шаклланди, муттасил тараққий этиб боряпти, таълим тизимида ўқитиляпти.

2006 йили “Ўзбекистоннинг маданий қиёфаси” деган катта китоб тайёрланиб, Эрон Ислом Республикасида чоп этилди. Шундан “Ўзбекистонда маънавият тизими”³¹ деган мақола ҳам ўрин олди. Бироқ бу қандай тизим эканини эронлик мутахассисларга изоҳлаб тушунтиришга тўғри келди. Чунки, очигини айтинг, қайси мамлакатда биздагидек маънавият ва миллий ғоя тарғиботи тизими шаклланди?

Хуллас, “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби шу соҳалар равнақига қўшилган муносиб ҳисса эканига шубҳа йўқ. У бу фанлар туб моҳиятини очиш, йўналишларини теранлаштириш, масалаларни ойдинлаштириш, муаммолар ечимларини топишда асосий манба бўлиб хизмат қилиши – тайин.

Китобда Марказий Осиёда туғилиб ўсган, жаҳон илму фани, маънавияти, адабиёти ва санъати равнақига муносиб ҳисса қўшган 46 нафар буюк зотнинг номи шарифи тилга олинади. Энг муҳими, орада улар ҳаёти ва фаолиятини, меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш борасида мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ҳам эсланади.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида муаллифнинг ўтган аср 90-йилларидан буён ҳозиргача маънавият, миллий ғоя ва мафкура ҳақидаги қарашлари, нуктаи назарлари, позициялари, хулосасалари, дурдона фикрлари, ўртага ташлаган шиорлари бир ерга жамланади, бир сидра таҳлилга тортилади, мантиқий тизимга солинади.

Шу тариқа асар яхлит бир **маънавий таълим** о т янглиф майдонга чиқади.

Ҳосила сифатида маънавият тушунчасига мана бу янгича бир таъриф тақдим этилади: *“Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайшига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, десак, менимча, тарихимиз ва бугунги*

²⁹Ўша асар, ўша бет.

³⁰Ўша асар, 47-бет.

³¹Симои фарҳанги Ўзбекистон (Форс тилида). Техрон: 2006. Саҳифаҳои 99 – 107.

ҳаётимизда ҳар томонлама ўз тасдиғини топиб бораётган ҳақиқатни яққол ифода этган бўламиз”³².

Шахсга ҳам, миллатга, халққа ҳам, аввало, маънавиятига қараб баҳо берилади. Чунки маънавият – инсоннинг инсонлиғини белгилайдиган, уни бошқа жонзотлардан устун қилиб турадиган жамики фазилатлар мажмуидан иборат.

Китобда миллий психологияни, халқ руҳиятини белгилайдиган табиий омиллар ҳақида қимматли фикр-мулоҳаза ва хулосалар келтирилади. Шулардан бир-иккитасига алоҳида тўхтаб ўтиш мумкин.

Меҳр-оқибат тушунчаси ҳақида сўзлай туриб, муаллиф “*унинг жуда теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлиғини*”³³ айтади. Бу ерда меҳр-оқибатни жуда кенг миқёсда тушуниш керак: “*Бу, аввало, инсоннинг инсон билан, қўшинининг қўшни билан, қариндошнинг қариндош билан, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, мусофирларга саховат кўрсатиши, сидқидилдан, безараз ёрдам беришини англатади ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди*”³⁴.

Минтақамиз шароитида халқлар руҳиятида бир-бири билан ўзаро аҳил, иноқ бўлиб, жипслашиб яшаш психологияси кучли эканини Юртбошимиз шундай изоҳлайди: “*Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё ҳудудида аҳоли азалдан водийларда, катта сув манбалари – дарё ва анҳорлар бўйида яшаб келади. Атрофи чўл ва саҳролар билан ўралган, табиати, иқлими зоят мураккаб бўлган минтақа шароитининг ўзи ана шу элат ва миллатларнинг минг йиллар давомида бир-бирига мослашиб, яқин елкадош бўлиб, бир-бирининг оғирини енгил қилиб яшашини тақозо этиб келади. Чиндан ҳам, бу заминда истиқомат қиладиган одамларнинг тарқоқ бўлиб яшашга имкони йўқ, табиатнинг ўзи, ҳаётнинг ўзи уларни шу руҳда тарбиялаган*”³⁵.

Юқорида буюк Алишер Навоий одамларни аҳли суврат ва аҳли маънига бўлгани ҳақида сўз борди. Бу таснифда кишилар, асосан, маънавиятига қараб икки гуруҳга ажратилган.

Худди шунга ўхшаб, “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида ҳам инсонларнинг икки ўзаро зид тоифаси бир-бирига қиёсан таҳлил этилади.

Биринчиси – “бу дунёда ҳалол ва пок яшашини ўзи учун ҳаётини эътиқод, олий мақсад деб биладиган одамлар”. Муаллиф булар кўпчиликни ташкил этишини алоҳида таъкидлайди. Иккинчиси – “бундай олижаноб фазилатлардан бутунлай узоқ бўлиб яшайдиган, ҳаётнинг маъно-мазмунини ўзича талқин қиладиган шахслар”. Ислом Каримов афсус билан қайд этганидек: “...Улар ўзини худдики дунёнинг ҳақиқий эгасидек, бекаму кўст,

³²Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият” нашриёти. 2008. 19 – 20-бетлар.

³³Ўша асар, 8-бет.

³⁴Ўша асар, 8 – 9-бетлар.

³⁵Ўша асар, 9-бет.

бошқаларнинг ҳавасини тортадиган умр кечираётгандек, бахт қуши бошига қўнгандек ҳис қилишга уринади”³⁶.

Муаллиф шундай одамлар ҳақидаги: *“Йўлини топибдими, қандини урсин”, “Узумини енг-у, богини суриштирманг”,* – деган мақоллар, китоб муаллифининг фикрича, айнан *“одамнинг бойлик ва мол-дунёни қандай йўллар билан топаётганига лоқайд ва бепарво қарайдиган, манфаатпараст шахслар томонидан тўқиб чиқарилгандек туюлади*”³⁷.

Афсуслар бўлсинки, ҳаётда шундай кимсаларнинг учраб туриши фуқаролар психологиясига салбий таъсир ўтказди: *“Табиийки, бундай ҳолатларни кўриб-кузатиб, ўзи учун эзгу ниятларни юксак мақсад қилиб қўйган инсонлар қалбида қанждайдир иккиланиш ва шубҳа пайдо бўлиши мумкин*”³⁸.

Кўриниб турибдики, бу тасниф ва таҳлилларда, *одамлар психологияси уларнинг дунёқараши ва маънавиятини белгилайди,* деган қарашдан келиб чиқилади. Демак, ҳар қандай маънавиятсизлик бошқалар психологиясида ҳам иллат уруғини пайдо қилишдек кучли хавф туғдиради.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” асари – ана шундай хавфга қарши кураш қуроли янглиғ кучли ижтимоий-маънавий аҳамиятга эга.

Истиқлол йилларида тарихга янгича муносабат шаклланди. Бу эса халқимизнинг жаҳон тамаддуни равнақига қўшган муносиб ҳиссасини холисанилло баҳолаш, у билан фахр-ифтихор қилиш, ғурурланиш, энг муҳими, шу шонли тарихга муносиб бўлишга интилиш имкони қўлга кирди. Бу – маънавиятнинг ўзак масаласи эмасми?

Тарихга муносабат замирида эса тилга, динга, миллий кадрият, урф-одат ва анъаналарга, аждодлар ҳаёти ва фаолиятига муносабат ётади.

Шўро даври эсимиздан чиққанича йўқ. Дин оқмиди-қорамиди? Амир Темур-чи? Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдулхолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий номларини эшитганмидик? “Авесто”нинг айнан юртимизда яратилгани, унинг 2700, шунингдек, буюк “Алпомиш” эпосининг 1000 йиллигини халқаро миқёсда тантаналар билан нишонлаш учун қандай ҳақ-ҳуқуқимиз бор эди?

Булар тарихга янгича муносабатнинг бир қисми, холос. Шундан ҳам кўриниб турибдики, мозийга юз тутишнинг бошланиши амалда маънавиятга муносабатнинг ўзгарганидан далолат беради.

Мустақилликка эришганимиздан кейин зиёлилар ўртасида маънавиятни иқтисодга зид қўйиш, *маънавиятга эътибор кучайтирилаверса, иқтисод ўз-ўзидан ўнгланиб кетаверади,* деганга ўхшаш қараш шаклландек бўлди. Бунга қарши равишда айримларда, *аввал иқтисодни ривожлантириши керак, маънавият кейин бўлаверади,* дегандек фикрлар ҳам яккам-дуккам айтила бошлади.

³⁶Ўша асар, 20-бет.

³⁷Ўша асар, 21 – 22-бетлар.

³⁸Ўша асар, 20 – 21-бетлар.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида бу масаланинг янги оқилона ечими илгари сурилган: “...Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариши, унинг онгли ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушининг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади”³⁹.

Ахир, куш бир қанот билан парвоз қила олмайди-да.

Муаллифни нима безовта қиляпти?

Маънавиятга таҳдид!

Агар шу асрий маънавиятимизни тутиб туролмасак, уни юксак даражаларга кўтармасак – яна енгиламиз. Ёт кучлар халқнинг айнан маънавиятига зарба бериш орқали ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширмоқчи бўлади.

Бу – узоқ даврлардан бери давом этиб келаётган кураш. Ўз замонида буюк алломамиз Абдурауф Фитрат қаттиқ безовталиқ билан “Шарқ сиёсати” мақоласида, жумладан, шундай деб ёзган эди: “Шарқ Оврупага қараганда кўпдан-кўп орқада қолмишдир. Лекин Оврупанинг Шарққа маданият бериши ёлгондир. Оврупа жаҳонгирлари (босқинчилари – С. О.) Шарқдан олган мамлакатларда тараққий ва маданият деган нарсани қатъиян кўргузмадилар, кўргузмакка тиришмадилар. Оврупанинг бизга берадиган нарсалари белгилидир: сафоҳат (ёмонлик – С. О.), ахлоқсизлик, қумор ва шаробхўрлик. Шарқнинг дин ва одатларига қатъиян тўғри келмаган фоҳишахоналарни ўлкамизда Оврупа жаҳонгирлари очдилар. Бутун башарият ҳаётига, маишатига (турмушига – С. О.), ишига раҳналар солгучи шароб дўконлари юртимизга шул Оврупа бойлари “ҳиммати” билан қурулди. “Фаранга” (таносил – С. О.) деган қўрқунч касал Шарқга Оврупа жаҳонгирларининг босқинлари била келди. Хулоса: Оврупа жаҳонгирлари Шарқга бугунгача ахлоқсизлик ва бузуқликдан бошқа бир нарса бермадилар. ...Ажабо, Оврупа жаҳонгирлари бу ишларини билибми қилдилар, билмасданми қилдилар? Албатта, билиб қилдилар, жўрттага қилдилар. Уларнинг тилаклари бизга маданият бериб, бизда маориф тарқатиши, бизни тараққий этдурмак эмас, турли фоҳишахоналар очиб, бизнинг ахлоқимизни бузмоқ, бизнинг соғлигимизни хароб этмак ва уругимизни қурутуб, бизни ишдан чиқармоқ ва ўз қўлларига муҳтож қилиб қўймоқдир”⁴⁰.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” асарини ўқиган киши обдон тушуниб етадики, бундай таҳдидлар кучайса-кучайдики, асло сусайган эмас. Бу китоб – ана шу маънавий ва мафкуравий таҳдидларга қарши қўйилган мустаҳкам қалқон янглиғ аҳамиятли асар. Чунки ундаги мавжуд тўрт бобнинг учинчиси бевосита “Маънавиятга таҳдид – ўзлигимиз ва келажакимизга таҳдид” деб номланади. Бобнинг “Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар” ҳамда “Фикрга қарши – фикр, зояга қарши – зоя” деган икки фаслида халқ миллий руҳиятини асрашда ўта

³⁹Ўша асар, 67-бет.

⁴⁰Ф и т р а т А. Танланган асарлар. 3-жилд. Драмалар, публицистик мақолалар. Т.: “Маънавият” нашриёти. 2003. 217-бет.

муҳим аҳамиятга эга бўлган бу масала бугунги куннинг барча мураккабликларини тўла ҳисобга олган ҳолда таҳлил этиб берилади.

Шу тариқа бир хулоса қатъийлашади: юксак маънавиятга эга халқни эса ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди!

Ана энди жаҳон тамаддунига буюк ҳисса қўшган мамлакатларни бир-бир эсга олайлик.

Миср, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Турон (асосан, Ўзбекистон), Византия (ҳозирги Туркия, Ироқ, Сурия), Арабистон, Миср, Греция, Италия, Франция, Англия, Германия, Россия...

Бу рўйхатни ҳеч ким ўз ихтиёрича кенгайтириб юборишга ҳақли эмас.

Бу рўйхатнинг ўрталарида Ўзбекистон деган муқаддас диёрнинг номи ҳам мустаҳкам ўрин олиб турибди!

Аммо шу гап халқ миллий руҳиятидан сиқиб чиқарилган, ўчай-ўчай деб қолган милтироқ чироқ шуъласи янглиғ пасайиб қолган эди.

Шу нуқтаи назардан, биз – шак-шубҳасиз, буюк халқмиз. Айниқса, мустақиллик йилларида буни борлиқ олам тан олди.

Б и р и н ч и д а н, шу йиллар мобайнида изчил равишда *ҳеч кимдан кам бўлмаганимизни* дунёга исботладик.

И к к и н ч и д а н, бу бизга: “*Ҳеч кимдан кам эмасмиз*”, – деган ғояга қатъий амал қилишимиз учун буюк асос бўлиб хизмат қилди.

У ч и н ч и д а н, бу икки асос: “*Ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам*”, – дейишга, шунга интилиб, шунга эришишнинг йўллариини излаб яшашга ундади.

“Юксак маънавият – енгилмас куч”да ана шу уч фикр бўртиб туради, мантикий тарзда асослаб берилади, асарнинг бошидан охиригача бир қизил ип бўлиб ўтади.

Худди шу нарса халқ онг-тафаккури, қалб-шуурида кўтаринки бир руҳият пайдо қилади.

Шу руҳият ҳар бир фуқарони олға етаклайди, унга завқ-шавқ бағишлайди, қалбида фахр-ифтихор туйғусини жўш урдириб, уни яшашга, яратишга ундайди.

“ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ” КИТОБИДАН “МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ХОНАСИ”ДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ИҚТИБОСЛАР

Бугун биз тарихий бир даврда – халқимиз ўз олдига эзгу ва улуг мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриши йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз (3-бет).

**

Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир (19-бет).

“Маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги зоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади (20-бет).

Қаерда давлат ва жамият тараққий топса, халқнинг тинч-осойишта ҳаёт кечирishi, ўз олдига эзгу ва буюк мақсадлар қўйиб яшаши учун етарли шарт-шароитлар яратилган бўлса, ўша ерда эркин фикрлаш муҳити ва шу асосда маънавий юксалиш учун янги имкониятлар тугилади (28 – 29-бетлар).

Инсоният тарихи маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи эканини, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, бахт ва саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди (29-бет).

Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди (56-бет).

Ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир (58-бет).

Албатта, жаҳон – кенг, дунёда мамлакат – кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз – яккаю ягона (90-бет).

Ўтмиш қолипларидан воз кечган жамиятимиз аъзолари ҳаётдаги ўз ўрнини янгича тасаввур этмоқда (100-бет).

Ҳар қайси жамиятнинг демократик нуқтайи назардан янгилалиши ва юксалиши шу жамиятнинг, шу давлатнинг тараққиёти маҳсули эканини ҳаммамиз чуқур англаб олишимиз зарур (101-бет).

Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак (106-бет).

Бизнинг ислоҳотлар давомида наинки моддий фаровонликка, айни пайтда маънавий юксалишга ҳам эришишни ўзимиз учун асосий мезон деб билганимиз умумий тараққиётимизда бир томонга огиб кетмаслик, жамият ҳаётида сув билан ҳаводек зарур бўлган мувозанат ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда (107-бет).

Демократия, авваламбор, маънавий мезонлар асосида бошқариладиган, кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир (108-бет).

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти демократиянинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки жиҳати, икки қанотидир (108-бет).

Агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди (122-бет).

Тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши – жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривожини ҳақида махсус адабиётлар яратиши тизимини янада такомиллаштириши зарур (125-бет).

Шахс ва давлат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар янги мазмун ва шакл топиб, янги хусусиятлар, янги тамойиллар асосида такомиллашиб бораётганини сезиш, англаш қийин эмас (125-бет).

“МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ХОНАСИ” ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

1. “Хона”ми, “маскан”ми ёки “марказ”?

Мустақиллик туфайли сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий соҳаларда муҳим ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, олий таълим муассасалари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, умумий ўрта таълим мактаблари, барча вазирликлар, давлат қўмиталари, уюшмалар, корпорациялар, концертлар, компаниялар, бирлашмалар, банклар, муассаса ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишга мўлжалланган алоҳида жой ажратиб, ҳар бир ташкилот ўз-ўзича ишлаб чиққан муайян тартибда уни жиҳозлаш бошланди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бу эзгу ҳаракат кимнингдир ёки бирон-бир юқори ташкилотнинг кўрсатмаси ёки буйруғи билан вужудга келаётгани йўқ. Аксинча, улар ҳар бир жамоанинг хоҳиш-истаги, иродаси, интилишлари билан пайдо бўлмоқда. Бу кишини қувонтиради, албатта. Чунки бу янгилик мустақиллик йилларида амалга оширилган маънавий-маърифий ислохотларнинг меваси сифатида юзага чиқмоқда. Демак, ҳозирги даврда жамиятимизнинг шундай махсус маънавий-маърифий жойга табиий эҳтиёжи бор.

Аmmo бир муаммо юзага чиқди: маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган бу махсус жойни нима деб номлаш керак?

Бу масала ечимида амалда ҳар хиллик юзага келди. Жойларда *“Маънавият ва маърифат хонаси”, “Маънавият хонаси”, “Маърифат хонаси”, “Маънавият ва маърифат маскани”, “Маънавият маскани”, “Маънавият бурчаги”, “Маънавият мажмуаси”, “Маънавият ва маърифат маркази”, “Маънавият маркази”, “Маънавият бурчаги”* тарзида номлаш учради.

Модомики, мамлакатимизнинг амалда ҳамма ерида шундай махсус жойлар ташкил этилаётган экан, уларни бир хил тартибда номлаш зарур. Шулар таҳлили асосида қуйидаги мулоҳазалар юзага чиқади:

– *“Маънавият хонаси”* деб номлаш бу хона мақсадини тўлиқ ифодалай олмайди. Биринчидан, бундай хонада маърифат ҳам тарғиб этилади, ундаги материалларнинг катта қисми – маърифий аҳамиятга эга. Иккинчидан, мамлакатимизда бу тизимни мувофиқлаштирадиган энг асосий жамоат ташкилоти *“Республика Маънавият ва маърифат кенгаши”* деб

номланади. Бу эса маънавият ва маърифат тушунчаларини бақамти, яъни биргаликда қўллашгина соҳани тўлиқ ифодалайди.

– “*Маърифат хонаси*” ҳақида ҳам худди юқоридагидай мулоҳаза билдириш мумкин, яъни бу ерда ҳам “*маънавият*” сўзини тушириб қолдириш тўғри эмас.

– “*Маънавият ва маърифат маскани*” деб ҳам бўлмайди. Чунки “*маскан*” сўзи мазмунан катта маънони англатади. Таълим муассасасининг ўзини “*маскан*” деб ҳисобласак, бу хона ўзи таълим масканида ташкил этилган бўлиши мумкин.

– “*Маънавият маскани*” деб номлашда ҳам “*маърифат*” сўзи камлик қилади, ҳам “*маскан*” атамаси, юқорида айтилганидек, мос келмайди.

– “*Маънавият бурчаги*” деб бўлмайди, чунки маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган жой “*бурчак*” тарзида бўлмаслиги керак.

– “*Маънавият мажмуаси*” атамаси тўғри келмайди, чунки, биринчидан, “*маърифат*” сўзи етишмаяпти, иккинчидан, “*мажмуа*” бўлиши учун бу жой бир неча компонент(хона)дан иборат бўлиши керак.

– “*Маънавият ва маърифат маркази*” деб бўлмайди, чунки, биринчидан, мамлакат миқёсида фаолият олиб борадиган Республика Маънавият тарғибот маркази мавжуд⁴¹, иккинчидан, корхона ёки муассасадаги “*Маънавият ва маърифат хонаси*” марказ мақомига эга эмас. Одатда “*Марказ*” деганда кўз олдимизда Адлия вазирлиги тизими томонидан расмий рўйхатга олинган, ўз Низоми ва ҳисоб рақамига эга ташкилот гавдаланади. 2005 йили Тошкент шахрининг Талабалар шаҳарчасида ташкил этилган *Маънавият ва маърифат маркази* – ана шундай мақомга эга. Чунки у пойтахтимиздаги барча олий таълим муассасалари талабалари ўртасида марказлашган ҳолда маънавий-маърифий ишлар олиб боради. Бундан ташқари, унинг фаолияти турли тармоқлардан ташкил топган.

– “*Маънавият маркази*” деб ҳам бўлмайди, биринчидан, нима учун “*марказ*” деб бўлмаслигини юқорида айтдик, иккинчидан, бу ерда ҳам “*маърифат*” сўзи етишмаяпти.

Бу мулоҳазалардан аниқлашиб турибдики, корхона ва муассасаларда ташкил этилган бундай жойни “*Маънавият ва маърифат хонаси*” деб аташ мақсадга мувофиқ келади ва бу мазкур хонанинг вазифасини тўғри ва тўла акс эттиради.

2. Ягона андоза керакми?

⁴¹Республика Маънавият тарғибот марказининг минтакавий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ҳамда ҳудудий (туман ва шаҳарлар) бўлимларини ҳам, масалан, “*Тошкент шаҳри Маънавият тарғибот маркази*” тарзида номлаш мумкин эмас. Чунки Республика Маънавият тарғибот маркази – Марказ, унинг минтака ва ҳудудлардаги ячейкалари бўлим ҳисобланади. Шунинг учун бўлимлар, масалан, “*Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳри бўлими*” ёки “*Республика Маънавият тарғибот маркази Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиқалъа тумани бўлими*” деб юритилади.

“Маънавият ва маърифат хонаси” ҳозирги пайтда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари, турли давлат, нодавлат ва жамоат муассаса ва ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил қилинаётир. Албатта, улар шунчаки, яъни хўжакўрсинга ёки кўз-кўз қилиш эмас, балки маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш ва самарали ўтказиш учун ташкил этилиши керак. Бошқача айтганда, “Маънавият ва маърифат хонаси” ҳар бир жамоанинг юзи бўлиши, кишиларнинг маънавий бойишига хизмат қилиши лозим.

Хўш, “Маънавият ва маърифат хонаси”ни ташкил этиш учун бутун мамлакатимизда ҳамма амал қиладиган ягона андоза бўлиши зарурми?

Албатта, ҳар бир муассаса ва ташкилот, корхона ва жамоа ўз имкониятлари, фаолият тури, ўзига хос мақсадларидан келиб чиқиб “Маънавият ва маърифат хонаси” ташкил этади. Шундан келиб чиқилса, бир қарашда, ягона андозага ҳожат йўқдай туюлиши ҳам мумкин.

Модомики, мамлакатда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан ташкил этилаётган ва мувофиқлаштирилаётган, бу соҳада ўзига хос ягона тизим шаклланган эканми, “Маънавият ва маърифат хонаси” муайян умумий талабларга жавоб бериши, уни ташкил этиш бўйича ягона андоза бўлиши – шарт.

Бироқ бу андоза, биринчидан, барча учун мажбурий ва қатъий қоида қилиб қўйилмаслиги, иккинчидан, у ихтиёрийликка, яъни муайян шарт-шароитдан келиб чиқиб амалга ошириладиган ўзига хосликларга монелик қилмаслиги лозим.

Шунинг учун “Маънавият ва маърифат хонаси”нинг андозаси тавсия табиатига эга бўлиши зарур.

3. “Маънавият ва маърифат хонаси” ташкил этиш учун қандай жой танланиши керак?

“Маънавият ва маърифат хонаси” ташкил этиш учун жой танлашда қуйидагиларга риоя қилиш керак:

– умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларида ахборот-ресурс маркази(кутубхона)нинг қироатхонаси (ўқиш зали) ёки аудиториялардан бирида ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади;

– вазирликлар, давлат қўмиталари, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, бирлашмалар, банклар, муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг кичик мажлислар залида ташкил этилгани – маъқул;

– хона камида 30 – 50 нафар кишига мўлжалланган, ёруғ ва бинонинг қулай жойида жойлашган бўлиши лозим;

– хонада мажлислар ўтказиш учун овал ёки тўртбурчак шаклида стол-стуллар жойлаштирилиши зарур

4. “Маънавият ва маърифат хонаси”ни қандай жиҳозлаш лозим?

“Маънавият ва маърифат хонаси”ни жиҳозлашда куйидаги қоидаларга амал қилиш – мақсадга мувофиқ:

– “Маънавият ва маърифат хонаси”нинг кириш эшиги тепасида “*Маънавият ва маърифат хонаси*” деган ёзув бўлиши – шарт;

– “Маънавият ва маърифат хонаси”га кирганда эшикнинг ўнг ёки чап ёнида – деворнинг қулай ерида ҳафта кунлари бўйича амалга ошириладиган ишлар режаси осилган бўлиши керак;

– “Маънавият ва маърифат хонаси”нинг тўридаги деворда Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли бўртқ шакли ўрнатилган бўлиши зарур;

– “Маънавият ва маърифат хонаси” тўрида раёсат учун мўлжалланган курсиларда ўтирганда ўнг қўлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг портрети, унинг ёнида Ўзбекистон Республикасининг сиёсий харитаси⁴², чап қўлда эса Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ҳамда Давлат мадҳияси матни акс эттирилган плакатлар жойлаштирилади (Ўзбекистон Республикаси Президенти портрети, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий харитаси, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ҳамда Давлат мадҳияси матни акс эттирилган плакатлар билан бир хил ҳажмдаги рамкага солинган бўлиши – шарт);

– “Маънавият ва маърифат хонаси”нинг деворида миллий истиқлол мафкурасининг бош (“*Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этайлик!*”) ва етти асосий ғояси (“*Ватан равнақи*”, “*Юрт тинчлиги*”, “*Халқ фаровонлиги*”, “*Комил инсон*”, “*Ижтимоий ҳамкорлик*”, “*Миллатлараро тотувлик*”, “*Динлараро бағрикенглик*”) стенд шаклида жойлаштирилади.

– “Маънавият ва маърифат хонаси”да 6 та китоб жовони бўлиши – мақсадга мувофиқ. Китоб жовонларига куйидагича тартибда материаллар қўйилади:

1-китоб жовонида:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг асарлари;

– миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни олиб бориш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган китоблар, услубий қўлланмалар, дастурлар, бошқа нашрий материаллар;

– бадиий асарлардан намуналар;

2-китоб жовонида:

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, соҳага оид айрим қонунлар (жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунлари) ва қонуности ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси

⁴²Вазиятдан келиб чиққан ҳолда минтақа ва ҳудудларда ташкил этиладиган “Маънавият ва маърифат хонаси”да ўша минтақа ёки ҳудуд(ҳам минтақа, ҳам ҳудуд)нинг харитаси ҳам ўрнатилиши мумкин. Бироқ бунда дизайн талаблари ва симметрия қоидаларига қатъий риоя этилиши зарур.

Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Республика Маънавият тарғибот маркази Низомлари) матнлари;

– ижтимоий йўналтирилган йил (масалан, “Соғлом бола йили”) Давлат дастури ва унинг ижроси билан боғлиқ материаллар тизимлаштирилган ҳолда жойлаштирилади;

3-китоб жовонида:

– долзарб ижтимоий-сиёсий, ғоявий-мафкуравий, маънавий-маърифий мавзулардаги адабиётлар;

– миллий маънавиятимизга зид бўлган маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишга қаратилган тарғибот ишлари юзасидан тайёрланган маъруза матнлари ва бошқа материаллар;

– шу ташкилот ё муассаса, корхона ё жамоада турли йўналишларда амалга оширилган ишларни акс эттирувчи фото альбомлар жойлаштирилади;

4-китоб жовонида:

– ташкилот ё муассаса, корхона ё жамоада хотин-қизлар фаолиятига оид “Зулфияхоним қизлари”, “Ораста қизлар” бурчаклари ва тегишли ҳужжатлар;

– ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларни акс эттирувчи фотолавҳалар ва альбомлар қўйиб қўйилади;

5-китоб жовонида:

– “Камолот” ЁИХ ташкилотининг Низоми, Устави ва иш режалари;

– “Камолот” ЁИХ ташкилотининг Низомида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан тайёрланган ҳужжатлар;

– “Камолот” сардорлари, гуруҳ сардорлари фаолияти, ташаббуслари, ташкилотдаги фаол ёшлар эришаётган натижалар юзасидан тайёрланган фотолавҳалар ва альбомлар;

– даврий нашрлар (газета ва журналлар) йиғмаси қўйиб қўйилади;

6-китоб жовонида:

– касаба уюшмасининг шу ташкилот ё муассаса, корхона ё жамоадаги кўмитаси фаолиятига оид ҳужжат ва материаллар жойлаштирилади.

“Маънавият ва маърифат хонаси”ни техник жиҳозлаш учун қуйидаги воситалар бўлиши лозим:

- проектор;
- экран;
- флешчарт доска;
- телевизор;
- ДВД;
- компьютер;
- принтер;
- интернетга уланиш имконияти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЙИЛЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ

Маънавий-маърифий йўналишдаги йиллар

1. 1991 йил – *“Алишер Навоий йили”*.
2. 1994 йил – *“Мирзо Улугбек йили”*.
3. 1996 йил – *“Амир Темур йили”*.

Ижтимоий йўналишдаги йиллар

1. 1997 йил – *“Инсон манфаатлари йили”*.
2. 1998 йил – *“Оила йили”*.
3. 1999 йил – *“Аёллар йили”*.
4. 2000 йил – *“Соғлом авлод йили”*.
5. 2001 йил – *“Оналар ва болалар йили”*.
6. 2002 йил – *“Қарияларни қадрлаш йили”*.
7. 2003 йил – *“Обод маҳалла йили”*.
8. 2004 йил – *“Меҳр ва мурувват йили”*.
9. 2005 йил – *“Сиҳат-саломатлик йили”*.
10. 2006 йил – *“Ҳомийлар ва шифокорлар йили”*.
11. 2007 йил – *“Ижтимоий ҳимоя йили”*.
12. 2008 йил – *“Ёшлар йили”*.
13. 2009 йил – *“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”*.
14. 2010 йил – *“Баркамол авлод йили”*.
15. 2011 йил – *“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”*.
16. 2012 йил – *“Мустаҳкам оила йили”*.
17. 2013 йил – *“Обод турмуш йили”*.
18. 2014 йил – *“Соғлом бола йили”*.

“МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ХОНАСИ”ДА ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИШ УЧУН ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАР

1. 2014 йил – *“Соғлом бола йили”*.
2. *Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида миллий гоя, мафкура ва маънавият масалалари.*
3. *Маънавий-мафкуравий тарғибот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва мувофиқлаштириш.*

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириши тўғрисида” 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон Қарорида миллий гоя ва мафкура масалалари мазмун-моҳияти.

5. Президент Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби мазмун-моҳияти.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 декабрида бўлиб ўтган қўшма мажлисида қилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириши ва фуқаролик жамиятини ривожлантириши концепцияси” мавзудаги маърузаси мазмун-моҳияти.

7. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва тараққиётнинг “ўзбек модели”.

8. Миллий гоянинг назарий, методологик ривожланиши: таҳлил, жараён, истиқбол.

9. Маънавият ва миллий гоя тарғиботига технологик ёндашув.

10. Ахборот хуружи: мақсадлари, воситалари, шакллари.

11. Маънавий-мафкуравий тарғибот ишларини ташкил этиши: маънавий-мафкуравий ишлар режаси, уни тузиши ва ундан фойдаланиши, маънавият ва маърифат хоналарини ташкил этиши, Давлат рамзлари тарғиботи.

12. Глобаллашув шароитида мафкуравий иммунитетни шакллантириши вазифалари.

13. Маънавий ва мафкуравий таҳдидлар ва уларни бартараф этиши йўллари.

14. Маънавий ва гоявий хуружларга қарши кураш аҳамияти.

15. Маънавият ва миллий гоясиз келажак йўқ.

16. Миллий армиямиз – тинчлик ва осойишталигимиз гарови.

17. Буюк алломаларнинг инсон маънавий камолоти ҳақидаги фикрлари.

18. Миллий қадриятлар ва миллий гоя.

19. Мустақиллик ва маънавият.

20. Миллий гоя ва мафкуранинг долзарб вазифалари.

21. Ҳозирги замонда инсон онги ва қалби учун кураш.

22. Халқаро аҳвол: тенглар ичра тенглик сиёсати.

23. Геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсат.

24. Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиши ва мустаҳкамлаш – муқаддас бурчимиз.

25. Мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш – бош мақсадимиз.

26. Бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириши – замон талаби.

27. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш моҳияти.

28. Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари.

29. Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишдан кўзланган асл мақсадлар.

30. Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий муаммолар.
31. Раҳбар масъулияти ва маънавияти.
32. Маънавият ва миллий қадриятлар.
33. Уч буюк қадрият: маънавият, ахлоқ-одоб ва маърифат.
34. Уч буюк мезон: қонун, мафкура ва маънавият.
35. Эгоцентризм – ёввойлик фалсафаси.
36. Маънавият, миллий зоя ва мафкура уйғунлиги.
37. Ўсмир ва қонун.
38. Давлат, жамият ва дин.
39. Терроризм – аср вабоси.
40. Хоразм Маъмун академияси – миллий маънавиятимиз гултожи.
41. “Авесто” маънавий зиёси.
42. “Алпомиш”нинг минг йиллик ўғитлари.
43. Тасаввуф – маънавий-ахлоқий таълимот сифатида
44. Ҳуқуқий маданият – миллий маънавиятнинг ажралмас қисми.
45. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.
46. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – ҳуқуқ ва бурчларимиз кафолати.
47. Халқаро терроризм ва диний экстремизм – тараққиёт душмани.
48. Соғлом авлод орзуси.
49. Жадидларнинг миллий мустақиллик зоялари.
50. Аҳолининг сиёсий маданиятини ошириш: ютуқ ва муаммолар.
51. Кўҳна ва боқий шаҳарларимиз (Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент, Марғилон).
52. Маҳалла – тарбия мактаби.
53. Янги алифбомиз фазилатлари.
54. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: таълим ва тараққиёт.
55. Аҳмад Фарғоний – фахримиз.
56. Хоразмийнинг илмий мероси.
57. Беруний – жаҳоний олим.
58. Абу Али ибн Сино – тиббиёт отаси.
59. Замахшарий ижодининг илм-тафаккур равнақидаги ўрни.
60. Баҳоуддин Нақибанд таълимотининг миллий маънавиятимиз равнақидаги ўрни.
61. Нақибандиянинг ҳаётий фалсафаси.
62. Амир Темур – буюк бунёдкор.
63. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий ҳаёти ва фаолияти.
64. Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илмидаги ўрни.
65. Алишер Навоий ижодининг миллий маънавиятимиз ва жаҳон адабиётидаги ўрни.
66. Заҳириддин Муҳаммад Бобур фалсафаси.
67. Бобораҳим Машираб мероси.
68. Муҳаммад Ризо Огаҳий – серқирра ижодкор.
69. Қатагон қурбонлари ва мустақиллик.
70. Демократия – фуқаролик жамияти.

71. Байрамларимиз.
72. Азиз ва муқаддасан, мустақил Ватан.
73. Истиқлол – бахтим-саодатим.
74. Истиқлол, ислоҳот, истиқбол.
75. Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида,
гўзал Ўзбекистоним!

ХАЛҚ, МЕРОС ВА МАЪНАВИЯТ

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ

Миллий маънавий-маърифий меросимиз таркиби

Истиқлол туфайли, аввало, маънавий эркимизни қўлга киритдик. Эрк тушунчасига эса маданий меросга муносабат ҳам киради. Маънавий меросни халқ, унинг вакиллари яратади. Бунда буюк-буюк зотларнинг ҳиссаси ҳамиша катта бўлган. Умуман, халқимиз орасидан етишиб чиққан улуғлар яратган маънавий меросни, шартли равишда бўлса ҳам, тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

- Олимлар яратган мерос.
- Бадиий ижодкорлар яратган мерос.
- Давлат ва жамоат арбоблари яратган мерос.
- Азиз - авлиёлар яратган мерос.

Олимлар яратган мерос ҳақида гап кетгудек бўлса, адолат билан айтганда, олимлар ҳаёти, фаолияти ва асарлари шўро замонида ҳам ўрганилган. Бироқ у замон мафқураси илм аҳлини иккига – реакцион ва прогрессивга ажратиб олган эди. Ана шу мафкура чиғириғидан ўтганларнигина ўрганардик. Ҳатто, айримларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий ва бошқа шу каби кўп-кўп алломаларнинг номини ҳам эшитмаган эдик.

Истиқлол йилларида олимлардан номлари саналган зотларнинг ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси тадқиқ этила бошлади, асарлари босилиб чиқди. Айримларининг таваллуд тўйларини халқаро миқёсда тантана қилдик. Улар шарафига Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий анъаналар ва замонавийлик уйғунлашиб кетган қанчадан-қанча меъморий обидалар барпо этилди. Бу жойлар чинакамига муқаддас зиёратгоҳларга айланди.

Бадиий ижодкорлар яратган меросга шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, меъморлар, бастакорлар ва бошқалар бунёд этган асарлар киради. Эски тузум даврида адабиётимиз тарихи ўрганилишида ҳам яна ўша-ўша гап бўлган, яъни:

– биринчидан, *реакцион* деган тамға босилган, айтайлик, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфий Аллоҳёр, Хўжаназар Хувайдо, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқа қанчадан-қанча ижодкорлар ҳаёти ва фаолиятини ёритишга сира рухсат бўлмаган.

– иккинчидан, *прогрессив* деб ўрганилган шоир, ёзувчилар ижоди ҳам фақат ва фақат шўро мафқураси манфаатларидан келиб чиқиб баҳоланган.

Номлари саналган шоир ва ёзувчилар асарлари халқ кўлига фақат истиқлол туфайлигина тегди. Улар ҳаёти ва ижоди таҳлилига бағишланган кўплаб тадқиқотлар яратилди.

Давлат ва жамоат арбоблари яратган мерос ҳақида гап кетар экан, аввало, шуни айтиш керакки, бу тоифа буюкларимизга, синфийлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, батамом қора бўёқлар чаплаб ташланди. Шўролар тарафидан давлат ва жамоат арбоби, бой одамларнинг бари, қайси асрда, қандай жамиятда яшагани, миллий тарих ва тараққиётда қандай ўрин тутганидан қатъи назар, ёмонотлиқ қилинди. На Жалолиддин Мангубердини, на Амир Темурни, на Заҳириддин Муҳаммад Бобурни, *мамлакатни адолат билан бошқариб, халқни тараққиёт сари етаклаган*, деб тилга олиш мумкин эди.

Бугун-чи? Истиқлол йилларида Жалолиддин Мангуберди, Амир Темурнинг таваллуд тўйлари ўтказилди, уларга маҳобатли ҳайкаллар қўйилди. Халқ бу жасур ва мард боболари билан астойдил фахрланадиган бўлди.

Азиз-авлиёлар яратган мерос ҳақида ҳам тўхталиб, шуни айтиш лозимки, шўролар мафқураси учун халқни муқаддас динидан, бу эътиқодни ҳаётий дастур қилишнинг олий даражасига эришган илоҳий зотларидан маҳрум қилиш бош мақсад эди. Динга қарши кураш баҳонасида амалда миллатга қарши кураш олиб борилган.

Маънавиятимиз ва маърифатимизнинг истиқлолга қадар бўлган даврдаги аянчли аҳволи ва бунинг сабаблари

Жафокаш халқимиз бир юз ўттиз йил мобайнида миллий мустақиллиги ва тарихий давлатчилигини йўқотиб, мустамлака асоратида яшади. Аввал чор Россияси, сўнг эса қизил империянинг беадад зуғумларини кўрди. Чекмаган азоби, кечирмаган уқубати қолмади.

Халқнинг жаҳон тамаддуни (цивилизацияси) равнақиға улкан ҳисса бўлиб қўшилган бағоят бой тарихи беаёв топталди. Миллат ўз кечмишидан узиб ташланди. Халқ ўз тарихи қолиб, ўзгалар тарихини ўрганишга мажбур қилинди. Миллий тарих одамларга фақат ва фақат қора бўёқлар чапланган ҳолда ўргатилди.

Тарихидан ажратиб олиш учун халқ, аввало, тарихий ёзувидан маҳрум этилди, одамлар ота-боболари битиб кетган ноёб китобларни ўз кўзлари билан ўқий олиш бахтидан бебаҳра қолди.

Мустамлакачилик сиёсати тарихий шахсларга муносабатни издан чиқарди, миллатнинг ўз аждодлари билан фахрланишига, *биз шундай улуғ зотларнинг фарзандлари бўламиз*, дейишига асло йўл қўймади. Кўп улуғ одамлар номи булғанди, улар ҳаёти ва фаолиятини истаганча қоралаб кўрсатди, айримлари ҳақида, ҳатто, оғиз очишга ҳам қўймади. Халқ Жалолоддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Амир Темур каби Ватан, унинг равнақи учун курашган қанчадан-қанча улуғ зотлар, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Қафқол Шоший, Абдулхолиқ Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий каби буюк аждодлари муборак номини ҳам тилга олишдан қўрқиб яшашга мажбур қилинди.

Миллат ўзининг аср-асрлик иймон-эътиқодидан маҳрум этилди, муқаддас ислом дини ҳаддан ташқари таҳқирланди, иймонли-эътиқодли кишилар шафқатсизларча жазога тортилди.

Ўзбек халқи маънавий-маданий меросдан тўла баҳраманд бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Меросга муносабатда тамоман мустамлакачилар нуқтаи назари ҳукмронлик қилди. Коммунистик мафкура ўз чиғирғидан ўтган асарларнигина ўрганди, уларни ҳам ғаразли мақсадларига мослаб, аксарият ҳолларда хато талқин этди. Мероснинг катта қисмига қўл теккизишга, улар ҳақида оғиз очишга қўймади.

Ўзбек миллий урф-одатлари, халқ анъаналарига қарши сурункали кураш уюштирилди. Миллийликни йўқотиш амалда замонавийлик, илғорлик тарзида улуғланди. Халқ ўз аждодлари анъаналари асосида яшаш имконига эга бўлмади.

Коммунистик сиёсат, энг аввало, миллатнинг зиёлиларига қарши ҳужум бошлади. Халқни айнан ақлли, тафаккури кучли вакилларидан жудо қилишни ўзининг асл мақсади янглиғ билди. Инқилоб баҳонасида бойларни синф сифатида йўқотиш шиори остида мамлакатнинг не-не ақлли, кучли, тадбиркор, дунё кўрган одамлари бегуноҳдан-бегуноҳ қирғин қилинди. Сўнг эса Сталин қирғинлари даврида ҳам қанчадан-қанча зиёлилар бесабаб қатағонга учради. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқалар ана шу қатағонлар қурбонлари бўлдилар.

Баъзи сотқин кимсалар, империя малайларининг касофати билан ўтган асрнинг 80-йилларида “Ўзбеклар иши”, “Пахта иши” деган сохта номлар остида Ўзбекистонга ташланган гдлянчи-ивановчи десантчилар зулмидан яна қанча одам, қанча оила азият чекди.

Таълим-тарбия, ахлоқ-одоб борасида халқнинг тийнати (менталитети), асрлар мобайнида шаклланган ўзига хос жиҳатлари мутлақо инобатга олинмади.

Мустабид, маъмурий-буйруқбозлик тизими одамлар эркини бўғиб, уларда ижодкорлик, бунёдкорлик, интилувчанлик фазилатларини йўқотди, ўзбек халқи онг-шууридан Ватан тушунчасини чиқариб ташлашга ҳаракат қилди.

Истиклол туфайли амалга оширилган улуғвор ишлар

Истиклол Ўзбекистон олдига мустақил миллий давлат тузиш, эски тузумдан тамоман воз кечиб, янги – бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик жамият барпо этишдек икки муҳим вазифа қўйди.

Эски тизим ўз ўрнини осонликча бўшатиб бермаслиги, унинг заҳарли мафкураси одамлар онгини тез ва енгил ўз таъсиридан, исканжасидан чиқармаслигини етарли даражада ҳисобга олиб, етти ўлчаб, бир кесишга, яъни янгисини қурмасдан, эскисини бузмаслик қоидасига амал қилинди.

Аввал ижтимоий муносабатларнинг зарур асосини, заминини, пойдеворини қуриб олишга, шу тариқа одамларнинг эски тафаккури қолдиқларидан воз кечишига эришишга ҳаракат қилинди.

Бирин-кетин талай маънавий-маърифий ютуқлар қўлга кира борди.

Тарихга муносабат кескин ўзгариб, бу борада тамоман янгича нуқтайи назар шакллантирилди, ўтмишга халқнинг пойдевори, унинг келажагини таъминлаб берувчи қадрият сифатида қараладиган бўлди. Ўз тарихимизни ўзимиз ўрганишга киришдик. Тарих бугунимиз ва келажагимиз учун чинакам сабоққа айланди. *Халқнинг тарихий илдизлари қанча чуқур бўлса, келажаги ҳам шунча буюк бўлади*, деган оқилона тафаккурга амал қилинадиган бўлди. Истиклол даври тарихини яратишга киришилди. Уч минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихининг ёритилмаган саҳифалари ўқиладиган бошлади.

Тарихий меросга муносабат кескин ўзгарди. Тақиқланган қанчадан-қанча асарлар тадқиқ этилди, босиб чиқарилди, чинакам халқ мулкига айлантирилди. Бу борадаги ишлар мунтазам равишда давом эттириляпти.

Тарихий шахсларга муносабат ўзгарди. Таваллуд тўйлари муносабати билан 1991 йил “Алишер Навоий йили”, 1994 йил “Мирзо Улуғбек йили”, 1996 йил “Амир Темур йили” деб эълон қилинди. Баҳоуддин Нақшбанд (1993), Феруз (1994), Имом Бухорий (1998), Аҳмад Фарғоний (1998), Жалолоддин Мангуберди (1999), Ажиниёз Қўзибой ўғли (1999), Бурҳониддин Марғинович, Имом Мотуридий (2000), Абдулхолиқ Ғиждувоний (2003), Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий (2004), Ойбек (2005), Абдулла Қаҳҳор (2007), Муҳаммадризо Огаҳий, Ҳамид Олимжон (2009) ва бошқа буюкларимиз таваллудлари тўйлари кенг миқёсда нишонланди. Бухоро, Хива (1997) ва Термизнинг (2000) 2.500, Қаршининг (2006) 2.700, Марғилоннинг (2006) 2.000, Самарқанднинг (2007) 2.750, Тошкентнинг (2009) 2.200 йиллик юбилейлари ўтказилди. “Алпомиш”нинг (1999) 1.000, “Авесто”нинг (2001) 2700 йиллигини тантана қилдик. Бу саналарнинг нишонланиши халқимизнинг чинакам байрамига айланиб кетди.

Муқаддас динимиз, эътиқод эрки ўзимизга қайтди. Қуръон таржимаси, Имом Бухорий саралаган тўрт жилдлик “Ҳадис”лар мажмуи, қанчадан-қанча китоблар босилиб чиқди. Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғинович, Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудлари тўйи муносабати билан меъморий мажмуалар бунёд этилди. Тошкентдаги Ҳазрати имом мажмуаси таниб бўлмас даражада янги қиёфа

касб этди, бу ерда янги-янги иморатлар қад ростлади (2007). Бу муқаддас жойлар ислом оламининг энг мўътабар зиёратгоҳларидан бирига айлантирилди. Шу тариқа ўзбек халқининг ўз улуғларини қанчалар эъзозлай олишини жаҳонга намоён қилдик.

Тилимиз тамоман янги даражага кўтарилди. Унинг давлат тили сифатидаги мавқеи ошди. Истиқлол йилларида тилимиз муттасил бойиб, такомиллашиш жараёнини бошлади.

Миллий урф-одатларимиз эркин ривожланиш йўлига кирди. Уларга миллатнинг миллатлиги, халқнинг халқлигини намоён этувчи кадриятлар сифатида қараш пайдо бўлди. Тўй-маросимларимиз, оилавий расм-русумларимиз ҳам қадим анъаналаримизга, ҳам замонага мос равишда такомиллаша борапти.

Умумхалқ байрамлари – Янги йил, Хотин-қизлар куни, Наврўз, Хотира ва кадрлаш куни, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги куни, Ўқитувчи ва мураббийлар куни, Конституция қабул қилинган кун, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари мамлакатимиз ва халқимиз руҳига мос тарзда нишонланяпти. Бу байрамларда мамлакат аҳлининг бир тану бир жон бўлиб, истиқлол нашидасини сураётгани кўз-кўз қилиняпти, буни жаҳон кўриб турибди.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга, уни миллий анъаналаримиз ва бугунги илғор замон талабларига жавоб берадиган янги бир поғонага кўтаришга киришилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилиниб, 1997 йилдан буён уни ҳаётга татбиқ этиш жадал олиб бориляпти. Истиқлол йилларида талай янги олий таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, умумтаълим мактаблари ташкил этилди, қурилди, эскилари замон талаблари асосида таъмирланди, қайта реконструкция қилинди. Бу жараён жадал давом этяпти. Ўзбекистонлик йигит-қизлар дунёнинг илғор давлатларида таълим оляпти, малака оширяпти. Мамлакатимизда хориждаги бир неча нуфузли олий таълим муассасаси филиали очилди, янгилари очияпти.

Халқнинг руҳи тикланди, миллий ғурур, ватанпарварлик, фидоийликнинг мазмун-моҳияти батамом ўзгарди, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ўзини *шу Ватаннинг фарзанди* деб ҳис қилиши кучайиб борапти. Давлатимиз рамзлари – Байроқ, Герб, Мадҳиянинг аҳамияти ортиб, улар кишиларимиздаги Ватанга садоқат ҳис-туйғулари ифодачиси бўлиб борапти.

Мерос ва қонун

Миллий мерос, аввало, қонунлар орқали муҳофаза қилинади.

Миллий меросни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар (кенг маънода бунинг таркибига қонуности ҳужжатлари ҳам киради) иккига бўлинади:

– халқаро қонунлар;

– миллий қонунлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида шундай деб ёзилган:

“Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир”.

Ўзбекистон халқининг меросини *миллий мерос* деб аташ ҳам мумкин. Чунки бир халқ яратган ва аجدодлардан авлодларга қолдирилган бойликлар *миллий мерос* дейилади.

Шу маънода ўзбек халқи – буюк халқ. Элу элатларнинг буюклиги эса шу миллатга мансуб аҳолининг умумий сони, шу халққа тегишли миллий давлат ҳудудининг катта-кичиклигига қараб белгиланмайди. Бунда ҳар бир халқнинг жаҳон тамаддуни, башарият тараққиёти, инсоният равнақига қўшган улуши инобатга олинади.

Бу жиҳатдан юртимиз Ер юзининг қадимдан илм-фан, ишлаб чиқариш, маданият, адабиёт, санъат ва бошқа кўплаб соҳалар юксак даражада камол топган маконларидан бири ҳисобланади.

Миллий меросимиз Конституциямизда *тарихий, маънавий ва маданий меросга* ажратилган.

Тарихий меросга мамлакатимиз ҳудудидаги қадим шаҳарлар, ер ости қазилмаларида топилган қадимий буюмлар, санъат асарлари, ишлаб чиқариш қуруллари, эски замонларда яратилиб, ҳозиргача сақланиб қолган меъморий обидалар ва ҳоказолар киради.

Маънавий мерос деганда халқнинг тили, дунёқараши, урф-одатлари, маросимлари, анъаналари, байрамлари, қадриятлари, ахлоқий қарашлари, диний эътиқод ва удумлари ва ҳоказолар тушунилади.

Маданий мерос тил, адабиёт, санъат асарлари, кийиниш маданияти, урф-одат, анъана, қадриятлар, илм-фан соҳасида яратилган тадқиқотлар, китоблар, кашфиётлар, ишланмалар, ихтиролар, янгиликлар ва бошқаларни ўз ичига қамраб олади.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида Фан, таълим ва маданият масалалари билан шуқулланадиган ЮНЕСКО ташкилоти бор. Умумбашарият меросини асраб-авайлаш бу ташкилотнинг бевосита вазифалари сирасига киради. Шунинг учун ҳозирги пайтда ЮНЕСКОнинг мана бу беш ҳужжати халқаро миқёсда амал қилиб келяпти:

– *Ҳарбий можаролар пайтида маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида Конвенция* (1954 йил, 14 май);

– *Маданий меросни ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва мулкни бошқаларга беришнинг олдини олиш ва тақиқлаш тўғрисида Конвенция* (1970 йил, 14 ноябрь);

– *Бутунжаҳон маданий ва табиий меросни сақлаш тўғрисида Конвенция* (1972 йил, 16 ноябрь);

– *Сувости маданий меросни сақлаш тўғрисида Конвенция* (2001 йил, 6 ноябрь);

– *Номоддий маданий меросни сақлаш тўғрисида Конвенция* (2003 йил, 17 ноябрь).

Бу халқаро қонунларнинг аксариятида *маданий мерос* тушунчаси таркибига адабий мерос ҳам киради, албатта.

Қарор ва мерос

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон қарорида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказига вазифалар қаторида *“халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориши бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш”* ҳам топширилган. Бу айнан меросга суянишни англатади.

Қарорда Республика Маънавият тарғибот марказига бешта муҳим вазифа юклатилган. Шундан тўрттасида бевосита меросга дахлдорлик бор.

Биринчи вазифа – *“маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориши”*дан иборат.

Иккинчи вазифада *“миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб бериши”* кўзда тутилган.

Тўртинчи вазифа таркибида эса, жумладан, қуйидаги сўзларни ўқиймиз: *“Ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий гуруҳ, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усул-услуглар орқали сингдириши, аجدодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириши”*.

Бешинчи вазифада ҳам бевосита мерос билан боғлиқлик бор: *“Юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириши”*.

**“Юксак маънавият – енгилмас куч”
китобида миллий меросга муносабат**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида Марказий Осиёда туғилиб ўсган, жаҳон илму фани, маънавияти, адабиёти ва санъати равнакига муносиб ҳисса қўшган 46 нафар буюк зотнинг номи шарифи тилга олинади. Энг муҳими, орада улар ҳаёти ва фаолиятини, меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш борасида мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ҳам эсланади.

Ана шу зотларнинг 18 нафари бевосита адабиёт аҳли ҳисобланади. Юртбошимиз Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Махтумқули, Абай, Тўқтағул, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Гафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов номларини маънавий мерос яратган буюк қалам соҳиблари янглиғ тилга олади, улар ҳаёти ва ижодига муносиб баҳо беради.

Муаллиф наздида энг буюк жасорат – маънавий жасорат. Маънавий жасорат намунасини кўрсатган уч шахс – Яхё Ғуломов, Зулфия ва Озод Шарафиддинов ҳақида алоҳида тўхталади.

Китобда номлари фахр билан зикр этилган Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Исҳоқхон Ибрат, Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроевлар фаолияти ҳам адабиёт билан ҳамоҳанг эди.

Мерос нуқтайи назардан, биз – шак-шубҳасиз, буюк халқмиз. Чунки ҳар қандай мамлакат ёки халқ ҳавас қилса арзигулик буюк меросимиз бор.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси келтирган маълумотларга кўра, чор Россияси босқинига қадар Марказий Осиёда 50 мингга яқин маданий обида бўлган. Аксарияти ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида эди. Ҳозир мамлакатимиздаги тарихий меъморий обидалар сони 10 мингтадан ошади. *“Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган...”*, – деб ёзилади “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида.

Булар тарихга, яъни миллий меросга янгича муносабатнинг бир қисми, холос.

Тарихга муносабат замирида эса тилга, динга, миллий кадрият, урф-одат ва анъаналарга, аждодлар ҳаёти ва фаолиятига, қисқа қилиб айтганда, меросга муносабат ётади.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, мозийга юз тутишнинг бошланиши амалда маънавиятга муносабатнинг ўзгарганидан далолат беради.

Истиклол туфайли халқимиз бой миллий меросига эга бўлди. уни бугуни ва келажак учун буюк таянч деб билди, ундан фахрланиб, ғурурланди. шу тариқа юксак маънавиятини шакллантириб, дунёга намоён этди.

Миллий мерос ва башарият тамаддуни

Президент Ислам Каримовнинг шу йилнинг 15 – 16 май кунлари “�рта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигадаги роли ва аҳамияти” мавзуда Самарқандда бўлиб ўтган халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида Шарқдан чиққан жами 26 буюк аллома ва мутафаккирни зикр этиб, улар меросининг башарият равнақида тутган ўрни ҳақида фикр билдириб ўтди.

Булар қуйидаги кетма-кетликда эслаб ўтилди – Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи, Али Коший, Абу Абдуллоҳ Рўдакий, Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Алишер Навоий, Бобур, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Аҳмад ибн Арабшоҳ, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ҳофиз Абрў, Хондамир, Абдураззоқ Самарқандий.

Ана шу халқаро конференцияда ҳам бир овоздан қайд этилдики, жаҳон тамаддуни равнақида Шарқнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг буюк ҳиссаси мавжуд.

Истиқлол туфайли биз яна қайтадан ана ўша буюк боболаримизга тенг бўлишга интилиш ҳуқуқини қўлга киритдик.

**ТАРИХИ – БОЙ, БУГУНИ – ГЎЗАЛ,
КЕЛАЖАГИ – БУЮК ШАҲАР**

Тошкент бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизнинг юксак тараққий этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий ва маънавий-маърифий марказидир. У – қудратли саноат ва транспорт-коммуникация тармоқлари, замонавий ижтимоий инфратузилмаларни ўзида мужассам этган йирик мегаполисдир.

Ислом КАРИМОВ

МЕГАПОЛИС

Бош кентимиз

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги 1991 йилнинг 31 августи куни айнан Тошкент шаҳрида эълон қилинди. Бу азим шаҳарнинг халқ ва Ватан тарихидаги ўрни – беқиёс.

Тошкент шаҳрининг бош майдони истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ Мустақиллик майдони деб аталди.

Бежиз эмаски, 2009 йилнинг 20 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Тошкент шаҳрига “юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан” “Мустақиллик” ордени берилди.

Бу юксак мукофот пойтахтимиз ҳар бир фуқароси қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

Тарихда бу шаҳар беш марта давлат пойтахти ёхуд шунга тенг келадиган маъмурий марказ вазифасини ўтаган. Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги эълон қилингандан сўнг бу азим шаҳар ўз тарихида бешинчи бор пойтахт қилиб белгиланди. Аммо бу гал у мустақил давлатнинг пойтахти бўлди.

Тошкент – мамлакатимизнинг маъмурий, сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази.

Тошкент ўз-ўзича ёки бирданига мамлакатнинг бош шаҳрига айланиб қолавермади. Бунинг замирида қатъий мақсад, истиқболли режа, пухта-пишиқ лойиҳа, кучли интилиш, оқилона раҳнамолик, катта меҳнат-машаққат, қолаверса, юксак ватанпарварлик ва холис фидойилик ётади.

Албатта, ҳар бир маъмурий-ҳудудий субъектнинг мамлакатдаги ўз ўрни, аҳамияти, мавқеи бор. Ўзбекистон ана шу ўн тўрт субъектнинг узвий ҳудудий бирлигидан иборат. Унинг ҳар бир қаричи – бутун мамлакат халқи учун бирдай қадрли.

Ялли ички маҳсулот ишлаб чиқаришда Тошкент шаҳри мамлакатимизда етакчи ўринни эгаллаб турибди. Бу ерда умумий ички маҳсулотнинг 15 фоизга яқини ишлаб чиқарилади. Пойтахт аҳли мамлакат умумий аҳолисининг 10 фоизини ҳам ташкил этмаслигини инобатга олсак, Тошкент шаҳрида киши бошига меҳнат унумдорлиги анча юқори экани ойдинлашади.

Тошкент – йирик саноат шаҳри ҳам. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича бу ерда ҳар йили 10 фоиздан ошиқ ўсишга эришиляпти.

Мамлакатда ишлаб чиқарилган истеъмол молларининг, чакана савдо айланмасининг тўртдан, пуллик хизмат кўрсатиш, бошқа жами хизматларнинг учдан бири, ташқи савдо айланмасининг 40, экспортнинг 35 фоиздан ошиғи, импортнинг қарийб ярми пойтахт ҳиссасига тўғри келади.

Бу рақамлардан эса Тошкентнинг мамлакат иқтисодиётида қай даражада улкан мавқе тутиши аён бўлади.

Маъно ва мазмун

Юнонча *megas* – *катта*, *polis* – *шаҳар* дегани. Аввало, Ўзбекистонимиз, қолаверса, Марказий Осиёда Тошкентдан катта шаҳар йўқ. У бугун том маънода мамлакатимизнинг энг йирик саноат, транспорт ва маданият марказига – чинакам мегаполисга айланди.

Ҳозир аҳоли сони икки ярим миллионга яқинлашди. Ҳудуди – 335 километр квадрат. Шаҳар таркибига 11 туман киради.

Мамлакатимиз ишлаб чиқаришининг 20 фоизи бугун пойтахт зиммасида. Шаҳарда 120 та йирик, 9 мингга яқин кичик саноат корхонаси ишлаб турибди. Қўшма корхоналарнинг ўзигина 3 мингдан ортиқ.

Пойтахтимизда Ер юзининг барча асосий давлатлари элчихона ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари бор.

Аэропорт ва темир йўл вокзали кечаю кундуз Ўзбекистонни – жаҳон, жаҳонни – Ўзбекистон билан боғлаб турибди.

Ҳозир шаҳарда 326 мактаб, 40 та академик лицей, 30 мусиқа ва 24 спорт мактаби, 79 касб-ҳунар коллежи, 108 касалхона, 778 та поликлиника, 34 та маданият уйи, 12 та маданият ва истироҳат боғи мавжуд.

Стратегик шаҳар

Ҳозирги кунда Тошкент мамлакатимизнинг муҳим стратегик аҳамиятга эга пойтахти ҳисобланади. Чунки у ҳар жиҳатдан жуда қулай ерда жойлашган. У, худди тарозининг посангиси каби, Ўзбекистонимизнинг

бошқа минтақаларини Фарғона водийсидаги вилоятларимиз билан боғлаб туриш функциясини ҳам бажаради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда: *“Агарки, орадан асрлар, минг йиллар ўтганидан кейин, бугунги кунда замонавий билим ва тажриба, цивилизация ютуқларига суюниб, Тошкентдек азим шаҳар учун бошқатдан жой танлаш зарурати туғиладиган бўлса, ҳеч иккиланмасдан айтиши мумкин, яна айнан шу жойни танлашга тўғри келган бўлур эди”*, – деган сўзларида чуқур маъно мужассам.

Шарқ дарвозаси

Истиқлол йиллари пойтахтимиз тарихининг алоҳида, тамоман ўзига хос, нурли саҳифалари бошланди.

Албатта, бугун бу ерда аждодларимизнинг 22 асрлик меҳнати маҳсулини кўриб турибмиз. Ахир, шаҳар дегани бир кунда ёки бирдан бунёд этилмайди-ку. Аммо қадим шаҳарларни кўпроқ тарихий обидаларига қараб баҳолаш тамойили ҳам бор.

Хўжа Аламбардор мақбараси (тахминан X аср), Шайх Зайниддин бобо мақбараси, Бароқхон мадрасаси (XIII – XIV асрлар), Шайх Хованди Тохур мақбараси, Қалдирғочбий мадрасаси, Кўкалдош мадрасаси (XVI аср), Абулқосим шайх мадрасаси (XIX аср) ва бошқа кўплаб тарихий-меъморий обидалар халқимизнинг кўп асрлик бунёдкорлик салоҳиятини кўз-кўз қилиб турибди.

XX асрда ҳам шаҳар тараққий этди, кенгайди, замонавийлашди, қатор янги иморатлар қад ростлади, жаҳоннинг метроси бор кам сонли шаҳарларидан бирига айланди. Шарқнинг маданий марказлари сафидан жой олди.

Бироқ пойтахтимиз шаънига айтиладиган *Шарқ дарвозаси* деган юксак таъриф фақат истиқлол йилларидагина ўзини тўла оқлади. Бугунги Шарқни дунё аҳли Тошкентсиз тасаввур қила олмайди. Минтақамиз, мащриқзамин мамлакатлари муаммолари, ҳатто, жаҳоннинг кўп-кўп глобал масалалари айнан Тошкентда ҳал этиладиган бўлиб қолди.

Шу тариқа Тошкент жаҳон ҳамжамиятининг муҳим сиёсий ҳалқасига айланди.

Илм-маърифат маркази

Мамлакатда 69 та олий таълим муассасаси ҳамда 6 та халқаро университет ва институтлар филиали мавжуд. Жами 75 университет ва институтдан 27 таси – Тошкентда. Шуларнинг 6 таси – дунёдаги нуфузли олий таълим муассасаларининг биздаги филиали.

1996 йил 16 февралда Плеханов номидаги иқтисодиёт академиясининг филиали, 2002 йилнинг 6 июнида Халқаро вестминстер университети, 2006

йил 5 майида М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиали, 2007 йил 8 майида И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали, 2008 йил 27 мартда Сингапур менежментни ривожлантириш институти, 2009 йил 2 июлда эса Турин политехника университети иш бошлади. Шу тариқа жаҳоннинг илғор илм-фани, техника ва технологиясига доир билимлар юртимизга кириб келяпти. Ўзимизда жаҳоннинг юксак талабларига жавоб бера оладиган даражадаги кадрлар тайёрланяпти.

Тошкент – Марказий Осиёда замонавий олий таълим тизимининг ҳам тамал тошини қўйган шаҳар. Ўзирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети Марказий Осиёдаги илк замонавий олий таълим муассасаси ҳисобланади. У 1918 йили ташкил топган. Минтақа республикалари учун жуда кўп етук кадрлар тайёрлаган. Бу даргоҳда кўплаб дунёга машҳур кишилар таълим олган.

Оби ҳаёт маскани

Шаҳар экологияси, кишилар саломатлиги – аввало, бевосита сув билан боғлиқ. Ҳудудни кўкаламзорлаштириш, боғлар, иморатлар атрофи ва кўча бўйларида дарахт кўкартириш учун ҳам оқар сув керак. Табиати, хусусан, оқар сув билан таъминланганлик даражасига кўра, Марказий Осиё шаҳарлари ичра Тошкент билан беллашадигани йўқ. Ер юзида ҳам бундай серсув шаҳар жуда кам топилади.

Биринчидан, у денгиз сатҳидан 440 – 480 метр баландликда жойлашган. Шунинг учун сизот сувлари пастга томон оқади. Шўрхок ер бўлмайди бу ерда.

Иккинчидан, сув жиҳатидан Амударё ёки Сирдарё каби катта дарёларимизга умуман боғлиқ эмас. Тошкент Чирчиқ дарёси водийсидан ўрин олган. Эски замонларда ҳам шаҳарнинг деярли ҳар бир кўчасидаги ариқларда зилол сув оққан. Ҳозирги пайтда ҳам Бўзсув, Салор, Анҳор, Қорасув, Оққўрғон, Бўрижар, Оқтепа, Қорақамиш деб аталадиган жами 8 канал бевосита шаҳарни айланиб ўтади.

Анҳор деб ҳозирги канални айтишган. *Анҳор* дейилдими, билингки, уларни қачонлардир одамлар қўл кучи билан қазиган. Шу тариқа аждодларимиз ўзларининг яшашлари учун қулай шароит яратиб олган, бўз ерларни ободонлаштирган, бунёдкорликнинг юксак намуналарини кўрсатган.

Учинчидан, бошқа жойларга нисбатан бу ерда ёғингарчилик кўп бўлади. Шунинг учун Тошкентнинг хоҳлаган ерига чўп суқсанг, кўкаради. Шаҳарнинг махсус суғорилмайдиган кўчаларидаги чинорлар ҳам шундай кўкка бўй чўзганки, рости, бошқа бирор ерда бу дарахтнинг айнан шу тариқа тез ва ғоз ўсиб, гуркираганини кўриш – мушкул. *Чорак асрда чинорлар тўққиз қаватли уйлاردан ошади бу шаҳарда*, десангиз, ҳатто, Европадек серсув қитъа мамлакатларида ҳам ҳайрон қолишлари мумкин.

Мустақиллик йилларида шаҳарнинг сув имкониятларидан унумли ва тежамли фойдаланиш тизими яратилди.

Шундай мегаполис шаҳарни сув билан таъминлашнинг ўзи бўлади, дейсизми?!

Бугун шаҳар ичра жами 1 минг 114 километрга чўзилган оқар сув тизими мавжуд. Бир-бирига улаб ҳисобласангиз, бу Тошкентдан Нукусгача бўлган масофани ташкил этади.

Шаҳардаги водопровод қувурлари жами 3 минг 594 километрга чўзилган. Бу Тошкентдан Самарқандга нақд етти марта бориб, яна қайтиб келишнинг масофасига тенг. Канализация тизими эса 2 минг 592 километру 300 метрни ташкил этади...

Фавворалар фалсафаси

Мамлакатимиз фавворалар юрти ҳисобланади. Соҳибқирон Амир Темур барпо эттирган боғларда фавворалар бўлгани ҳақида маълумотлар сақланган. Бунда сопол қувурлардан фойдаланилган. Ўрта асрларда Низомий Ганжавийнинг “Ҳамса”си, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сига ўзимизнинг рассомлар ишлаган миниатюраларда фавворалар акс эттирилган.

Ҳозирги пайтда Тошкент фавворалар шаҳрига айланди. Бугун бу ерда жами 46 та фаввора ишлаб турибди.

Ёзнинг иссиқ кунларида улар атрофида маза қилиб ҳордиқ чиқараётган кишиларнинг кўнглидан албатта, улкан шукроналик туйғулари кечади. Шундай сўлим гўшада яшаётганимиз учун ҳам ҳар биримиз ўзимизни бахтли ҳис этишга тўла ҳақлимиз.

Тошкентдаги фавворалар, асосан, маданият ва истироҳат боғларида, шаҳар майдонларида, жамоат бинолари олдида бунёд этилган. Навоий театри майдонида, Хадра майдонида, Мустақиллик майдонида қурилган фавворалар жуда катта техникавий имкониятга эга, кўп жўмракли, ажойиб манзара ҳосил қиладиган мураккаб муҳандислик иншоотлари ҳисобланади.

Ҳозирга келиб фавворалар фан-техниканинг охириги ютуқларидан фойдаланилган ҳолда яратилмоқда. Оқшомлари уларда турли нурлар товланади, бу эса сувнинг шовуллаши орқали ҳосил бўлган ўзига хос оҳанглар билан уйғунлашиб кетади.

Шаҳарда мўътадил иқлимни пайдо қилишда бу фаввораларнинг ўрни – бўлакча. Бизда ёзда ҳаво – иссиқ ва қуруқ. Ўрта Осиёда чўл кўп бўлгани учун шаҳар ҳам чангдан холи эмас. Худуднинг катта қисми асфальт билан қопланган. Шундай шароитда ёз кунлари фавворалар атрофи шаҳарнинг энг жаннатий жойларига айланади.

Фавворалар бамисоли кўнгилларга қўшиқ айтгандай. Бугунги кунда Мустақиллик майдонидаги фаввораларнинг ҳар бири ўзига хос муסיқий жилога эга бўлди. Бу фаввораларнинг жами 172 та сув пуркагичи бор. У етти рангда товланади. Бирининг умумий узунлиги 88 метрни,

иккинчисиники эса 36 метрни ташкил этади. Сувнинг шовуллаши замирида қандайдир улуғворлик, тантанаворлик ва ғолиблик руҳи бор.

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри биноси майдонидаги фаввора эса ўзига хос оҳанг таратиш билан бирга гўёки товушлар уйғунлигининг рангларини ҳам акс эттиради. Бу фаввора 54 двигатель ёрдамида ҳаракатлантирилади. Улар бир дақиқа ичида куй оҳангларига ҳамоҳанг тарзда 100 дан зиёд функцияни бажаради. Фавворалар теграсида жойлаштирилган чироклар, аслида, жуда турли-туман рангларда товланади. Биз фақат умумий тарзда 7 рангнигина илғаймиз.

Темурийлар тарихи Давлат музейи майдонидаги фаввора вазмин товушлар чиқаради. Бу оҳиста шарқираш кишида майин хотиротлар туғдиради. Бундай кезларда кўнгилда ўтмиш ҳақида мушоҳадаю мулоҳазалар куртак отади, киши бир зум хаёллар оғушида қолади.

Хуллас, шаҳримиздаги ҳар бир фавворанинг ўз кўшиғи, ўз фалсафаси бор. Бу кўшиқ ва бу фалсафа кишилар кўнглини яшнатади, дилларга ажиб бир сурур ва ҳаловат олиб киради, шаҳримиз иқлимини мўътадиллаштиради.

Гўзаллик тимсоли

Мустақиллик йилларида шаҳримиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Сезмай ҳам қоласан, киши, тез-тез бир ажойиб иморат пайдо бўлиб, шаҳримиз чиройига чирой, савлатига савлат кўшиб боряпти. Яратилган майдонлар, ўрнатилаётган ҳайкал ва монументлар, улар атрофида бунёд этилаётган ободончилик ва яшиллик баҳри-дилингизни очади. Ишдан ҳориб-чарчаб чиққан кишилар, мамлакатимиз турли худудларидан бу ерга зиёратга келганлар шу юрт бизники, шу шаҳар унинг пойтахти эканидан дил-дилдан мамнун бўлади, фахрланади.

Кичик ҳалқа йўлининг ўтказилиши, метронинг Юнусобод йўналиши фойдаланишга топширилиши, янгидан қад кўтариб, асрларни асрларга улашга чоғланган қанчадан-қанча иморатлар амалда истиқлол шарофатидан, давлат ва халқнинг ажралмас бирлигидан далолат бериб турибди. Шу тарихи шаҳримиз миллий ва замонавий талабларга мос равишда тамоман янги қиёфа касб этиб бораётир. Бу жихатдан ер юзида Тошкентга ўхшаган бошқа шаҳар йўқ.

Бир нарсани ҳис этишимиз керак. Европанинг кўп шаҳарлари иморатларида, кўпроқ тоғ тошларидан фойдаланилгани учунми, қандайдир қорамтир ранг ҳукмронлик қилади. Бу бизга ўхшаб серқуёш юртдан борганларнинг дилини бироз қисади. Тошкентдаги иморатларда эса ёрқин ранглар – устувор. Ҳаммасида окликка мойиллик бор. Қуёшнинг порлоқ нурлари билан улар янада чирой очиб, кўнгиларни яйратиб юборади. Ғарб олаmidан келган сайёҳларнинг бизда бағоят хандон юришига сабаб ҳам шу бўлса керак.

Илгариги замонда нима курса – давлат қурган.

Истиклолнинг бир шарофати шундан иборат бўлдики, энди фуқаро ҳам ўз маблағи ҳисобидан бунёдкорлик ишларини авж олдирди. Шу жиҳатдан олиб қарасак, ўтган йигирма йилда пойтахтимизда хусусий тадбиркорлар қанчадан-қанча гўзал иморатлар тиклаб, халқ хизматига сафарбар этди.

Тантаналар шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги “Тарихи бой, бугуни гўзал, келажаги буюк шаҳар” деб номланган нутқида пойтахтимиз шаънига кўп-кўп таърифлар келтирилди. Уларни кетма-кет санаш ҳам шу юртда яшаётган ҳар бир кишига ифтихор бахш этди: *Тошкент – Ватанимизнинг олтин остонаси, Тошкент – Ватанимизнинг гавҳари, Тошкент – Шарқ дарвозаси, Тошкент – йирик мегаполис, Тошкент – нон шаҳри, Тошкент – ислом маданияти пойтахти, Тошкент – юртимизнинг фахру ифтихори, Тошкент – буюк шаҳар!*..

Бўлиб ўтган байрамларнинг ўзидангина келиб чиқилганда ҳам, бу таърифлар ёнига *Тошкент – тантаналар шаҳри* деган сўзлар жуда ҳамоҳанг бўлади.

Баъзан Тошкентда бир йилда бунёд этилган иморатларни санаб улгурмай ҳам қоляпмиз. Шаҳримизнинг 2200 йиллик тўйига тўёна сифатида қисқа фурсатда Амир Темур хиёбони мажмуасининг таркибий қисмига айланган салобатли “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи куриб битказилди.

Истиклол йилларида Тошкент чинакам тантаналар шаҳрига айланди. Қанчадан-қанча халқаро анжуманлар ташкил этилди. Ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамининг энг катта тантанаси пойтахтда ўтказилади.

Ҳар гал ана шундай тантаналарда, шубҳасиз, халқ сифатида биз нималарга қодир эканимизни яна бир қарра дунёга кўз-кўз қиламиз.

Ободлик маҳалладан бошланади

Маҳалла – ўзини ўзи бошқаришнинг қадимий миллий тизими. Бу тизим ўтган асрларда мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудларида шаклланган. Аммо, очиқини айтганда, дунёнинг бирор-бир шаҳрида маҳаллачилик анъаналари айнан биздаги даражада кенг қулоч отган, аҳоли турмушининг ич-ичига сингиб кетган эмас.

Истиклол йилларида Тошкент шаҳри маҳаллалари мамлакатда бу тизимни ривожлантириш борасида самарали ишларни амалга оширди.

Пойтахтда яшаётганимга 40 йилдан ошди. Касб тақозоси билан шу йиллар мобайнида мамлакатимизнинг барча минтақаларида бўлиб, жумладан, маҳалла анъаналарига гувоҳ бўлганман. Айнан маҳалла тизими орқали ҳам мамлакат халқи умумий бир тийнат ҳосил қиляпти. Эътибор

берган бўлсангиз, бугунга келиб бошқа миллат ва элат вакиллари ҳам тўймаъракаларида ўзбекона ош тортяпти. Бу тадбирларни эса маҳалла-кўй иштироки ва кўмагисиз ўтказишнинг асло имкони йўқ.

Шаҳардаги мавжуд 11 туманда жами 476 та маҳалла бор. Баъзи маҳалла фуқаролар йиғини атрофида 10 минг кишилиқ ҳудуд бириккан. Маҳалла бугун ҳам ўзини ўзи бошқариш органи, ҳам ижтимоий ҳимояни ташкил этиш механизми, ҳам тарбия мактаби. Энг муҳими, Тошкент маҳаллалари юртимизда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик ғояларини ҳаётга татбиқ этишнинг дунёдаги энг олий намунасини кўрсатиб келяпти.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳрида “Намунавий маҳалла” лойиҳасини амалга ошириш борасида ҳар бир тумандан иккитадан маҳалла киритилган эди. Ана шу маҳаллалар ҳудудида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, кўп қаватли уйлар томи ва фасадини тартибга келтириш, кириш йўлакларини таъмирлаш, шу ҳудудда болалар майдончаларини ташкил этиш каби эзгу ишлар режалаштирилганди.

Бугунгача бундай намунавий маҳаллалар сони икки-уч баравар кўпайди.

Озод юртга боғ ярашар

Инсон – табиат билан тирик. Хусусан, ҳозирги замонда ҳаётнинг ўзи шаҳар экологиясини сақлаш масаласига жиддий эътибор беришни тақозо этмоқда.

Истиқлол йилларида пойтахтимиз ободонлиги бўйича узоқни кўзлаган бунёдкорлик сиёсати олиб борилди. Бу ишлар, аслида, ундан ҳам олдинроқ бошланган эди. 1990 йилнинг 20 январида Тошкент шаҳри фаолларининг йиғилишидаёқ Юртбошимиз пойтахтда йиллар мобайнида табиий-иқтисодий шарт-шароит ва аҳолининг ижтимоий-экологик манфаатлари ҳисобга олинмасдан иш кўрилгани, шаҳар ҳудудида ҳар тарафлама зарарли корхона ва базалар жойлаштирилгани, бу эса бу ерда инсонларнинг эркин ва тоза ҳаводан нафас олиб яшашига кескин халақит қилаётгани масаласини кўтарган, шаҳарни нуфузига мос даражада ободонлаштириш, уни маданий бир масканга айлантириш ғоясини дадил туриб илгари сурган эди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўрнатган меъёрлар бўйича шаҳарлар ҳудудининг камида 15 – 20 фоизи кўкаламзор ерлардан иборат бўлиши керак. Шунда аҳолининг тоза нафас олиши, мўътадил иқлимни сақлаб туриш мумкин бўлади.

Бугун Тошкентимизнинг эса нақ 15 минг гектари яшилликдан иборат. Бу умумий майдоннинг 30 фоизини ташкил этади. Демак, айти жиҳатдан амалдаги меъёрларга нисбатан қарийб икки баробар кўп кўкаламзорликка эга эканмиз.

1991 йили киши бошига бор-йўқи 21 квадрат метр яшил майдон тўқри келган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 70 квадрат метрни ташкил этади. Бу ҳар

бир кишининг тоза нафас олиши учун имконияти қарийб уч ярим ҳисса ортганидан далолат беради.

Ўзбекистон истиқлолни боғларини обод қилишдан бошлади, дейиш ҳам мумкин. Чунки 1991 йили Бешёғоч даҳасидаги кўл атрофида жойлашган боғ обод этилиб, Ўзбекистон миллий боғига айлантирилди ва у ана шу “Алишер Навоий йили”да улуғ шоир ва мутафаккир номи билан юритиладиган бўлди.

Боғнинг баланд ерида Алишер Навоий хайкалининг очилиши маросими бўлиб ўтди. Шоир таваллудининг 550 йиллиги шарафига шу боғда катта-катта дошқозонларда ош дамланиб, эл-улусга тортилди.

Эски шаҳарда жойлашган Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи замонавий талаблар асосида обод қилинди.

Мустақиллик майдони амалда яшиллик майдонига айланди. Бу майдон ҳудудидан “Технолог” биноси ўрин олган эди. У бошқа жойга кўчирилди. Шу тариқа Ўзбекистон кўчасининг Мустақиллик майдони туташадиган еридан то Марказий универмаггача келадиган ери кенгайтирилди ва кескин бурилиш бўлиб турган жой тўғри йўлга айлантирилиб, транспорт воситалари учун қулайлик яратилди. Майдоннинг жанубий тарафида ям-яшил боғ барпо этилиб, камёб игнабаргли дарахтлар ўтказилди. Улар қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб, майдонга кўрк бағишлаб туришидан ташқари, йил-ўн икки ой тоза ҳаво иқлимини яратади.

1999 йили Мустақиллик майдони ҳудудида Хотира майдони, 2000 йили Бўзсув ёқасида “Шаҳидлар хотираси” мажмуаси бунёд этилди. Мирзо Улуғбек, Бобур ва Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғларининг қиёфаси ҳам тамоман янгиланди.

Бунёдкорлик

Истиқлол даврида қадимдан шундай буюк шаҳарлар, дунёнинг дурдонаси бўлиб келаётган меъморий обидалар бунёд этган халқ яна қайтадан қандай шаҳарсозлик салоҳиятига эга эканини намоён этиш имконига эга бўлди ҳамда аждодларига муносиб яратувчилик намунасини кўрсатди. Ўзбекистон Миллий боғидаги Олий Мажлис, Мустақиллик майдонидаги Сенат, Эски шаҳардаги Хастимом мажмуаси, Ўзбек миллий либослар галереяси, Болалар ижодиёти маркази, Юнусободдаги Ўзбекистон миллий банки, Бўзсув соҳилидаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси, шаҳар марказидаги Темурийлар даври Тарихи музейи, Марказий банк, Ёшлар саройи, “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи, Ўзбекистон кўчасидаги Банклараро ассоциация, қанчадан-қанча меҳмонхоналар, тиббиёт муассасалари, кўргазма заллари, спорт иншоотлари, бир-биридан гўзал тўйхоналар ана шундай гўзал ва бетакрор иморатлар сирасига киради.

Навоий кўчасида истиқлолнинг дастлабки йиллари ишга туширилган ҳашаматли “Туркистон” саройи, “Пойтахт” бизнес маркази, “Марказий” меҳмонхонаси жойлашган. Шу атрофда эса Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, Ғазначилик биноси қад ростлаб турилди. Яқинда шу

худудда янги Маърифат маркази фойдаланишга топширилади. Унинг таркибига Симпозиумлар саройи ва Ўзбекистон миллий кутубхонаси киради. Бу замонавий бинода минг киши иштирокида йирик халқаро тадбирларни ҳам ўтказиш имкони бўлади. Кутубхона эса 6,5 миллион китобни сақлаш салоҳиятига эга қилиб бунёд этилди. Унинг 16 та мутолаа зали ҳам бор.

Шўро даврининг Эски шаҳарга муносабатдаги услуби аниқ эди. Қадимий уйлар бузиб ташланиб, аҳоли кўпқаватли уйлардан иборат микрорайонларга кўчирилди. Лекин асрлар мобайнида шаклланган миллий шаҳарсозликни шу тариқа қисқа фурсатда бутунлай йўқ қилиб ташлаш ҳеч гап эмас. Президент Ислам Каримов ўз позициясида қатъий турди: эски шаҳарнинг асл қиёфасини сақлаб қолиш, уни шу тарзда ободонлаштириш, аҳоли яшаши учун қулай ҳолга келтириш керак!

Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи қайта барпо этилди. У ерда янгича қиёфада планетарий бунёд этилди. Шу худудда шарқона услубда Болалар ижодиёти маркази ва Миллий либослар галереяси қад ростлади.

2005 йили “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон миллий университети, Тошкент Давлат техника университети бинолари таъмирланиб, янги кўрк пайдо қилди. Талабалар уйлари таниб бўлмас даражада замонавийлашди. Бу ерда “Маънавият ва маърифат” маркази ишга туширилди. Талабалар ва шу атрофдаги аҳолига хизмат қиладиган поликлиника капитал таъмирланиб, энг охирги талабларга жавоб берадиган тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

2007 йили Хастимом (Ҳазрати Имом) мажмуаси обод қилинди. Унинг таркибида Қафқол Шоший мақбараси, Бароқхон мадрасаси, Мўйи Муборак ёдгорлиги, Тилла Шайх масжиди, Ҳазрати Имом мақбараси бор. Янги қурилган масжид, икки баланд минора, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг маъмурий биноси орқали биз истиқлол йилларида қандай бунёдкорлик қувватига эга эканимиз, қадимий меъморчилик анъаналарини замонавий шаҳарсозлик талабларига қай даражада уйғунлаштира олишимизни кўз-кўз қилдик.

“Пахтакор” стадиони жаҳоннинг ман-ман деган спорт иншоотларидан қолишмайдиган даражада таъмирланди.

Юнусободнинг Бодомзор мавзесидаги замонавий иморатларга қаранг. Беш юлдузли “Интерконтиненталь” меҳмонхонаси, Ўзбекистон Миллий банкининг янги биноси, “Тошкентлэнд” боғи, “Ўзэкспомарказ” кўرғазмалар зали, замонавий теннис корти ва сув ҳавзасини уйғунлаштирган универсал спорт саройи, “Бунёдкор” спорт комплекси...

Истиқлол йилларида пойтахтимизда қад ростлаган иморатларнинг ҳаммасини санаб, адо этиш – мушкул. Қисқа қилиб айтганда, бу иморатлар Тошкентимизни маҳобатли замонавий шаҳарга айлантирди. Энг муҳими, уларда миллий меъморчилик анъаналари ва жаҳон архитектурасининг замонавий ютуқлари ўзаро уйғунлаштирилди.

Маънавий қадриятларимиз

Марказий хиёбонлардан бирига Амир Темур номи берилиб, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг икки йиллиги арафасида у ерда Соҳибқирон Амир Темур хайкали ўрнатилди.

Шаҳарда кейинги йилларда Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Низомий, Абай, Саид Аҳмад ва Саида Зунновага хайкал ёки бюст қўйилди.

Истиқлол халқ ва давлат олдига янги мақсад, янги ғоя, янги вазифа қўйди. Шундай вазифалардан бири шаҳардаги жой номларини шўроча қараш, мустабид тузум мафқурасидан холи қилишдан иборат эди.

Ўтган давр мобайнида 6 та туман, 50 га яқин маҳалла ва 1,5 минг атрофида кўча, шунингдек, маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар, метро бекатлари, таълим муассасалари номлари тартибга келтирилди.

Бугун жойларнинг тарихий номларини муҳофаза қилишга ва собиқ тузум даврида унут бўлиб кетган қадимий номларни қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ёруғ манзилларга етаклар йўллар...

Мустақиллик йилларида барпо этилган кичик ҳалқа йўли пойтахт иқтисоди ривожига улкан ҳисса қўшмоқда.

Барча марказий кўчаларда, жумладан, Амир Темур, Мустақиллик, Бунёдкорлик шоҳкўчаларида, Паркент, Мирзо Улуғбек, Дўрмон йўли, Абдулла Қодирий, Қорасарой, Сағбон, Форобий, Маннон Уйғур, Қушбеги, Самарқанд Дарвоза, Аҳмад Дониш, Себзор сингари кўчаларда кенг қамровли таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Тошкент катта автомобиль ҳалқа йўли жаҳон стандартларига мослаштирилди.

Кичик ҳалқа йўли, Қушбеги, Муқимий кўчаларини боғловчи ҳамда Маннон Уйғур кўчасидан Самарқанд Дарвоза кўчаси орқали Оқтепа майдонига олиб борувчи янги трамвай йўналишлари ишга туширилди. Шунингдек, Бешқайрағоч кўчасидан Тошкент ҳалқа йўли орқали Ибн Сино мавзесини боғловчи 3,6 километр узунликдаги трамвай линияси ҳам фойдаланишга топширилди.

Ҳеч бир йўлни кўприкларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, биринчидан, одамлар яшайдиган обод ерларда, албатта, дарё, анҳор ва ариқлар бўлади, иккинчидан, замонавий йўлсозликда йўл ёки темир йўл бошқа йўл билан кесишганда улардан бири йўл ўтказгич орқали ўтказилади.

Бугун Тошкент шаҳрида жами 100 дан ортиқ кўприк бор. Кейинги йилларда 8 та янги кўприк қуриб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, кичик ҳалқа йўли, Амир Темур, Бунёдкор, Гавҳар, Аҳмад Дониш кўчалари йўналишларида замонавий кўприклар бунёд этилди.

Тошкентнинг атрофидан ўтган катта халқа йўли бор эди. Транспорт воситалари ва йўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида кичик халқа йўли барпо этилди. Унинг умумий узунлиги 37 километр. Унда 7 та йўл ўтказгич ва 15 та кўприк бор.

2002 йили қисқа фурсатларда ана шу кичик халқа йўли таркибида жанубий вокзал яқинидаги йўл ўтказгич ишга туширилди. Ана шу кўприк ҳамда унга туташган йўлларнинг умумий узунлиги 6,6 километр.

Илгарилари Фарғона водийсидан Самарқанд йўналишига ёки Самарқанддан Фарғона водийси йўналишига юрадиган автомобиллар, ҳатто, катта-катта юк машиналари ҳам шаҳарга кириб, жанубий вокзал ёнидан айланиб ўтар, натижада бу ҳудудда транспорт қатновини тифизлаштириб кўяр эди. Шунинг учун Сергели йўл ўтказгичи орқали катта халқа йўли Чилонзор буюм бозори ҳудудида Тошкент – Самарқанд йўналишидаги магистраль йўлга туташтирилди.

Илгари шаҳарда 30 га яқин трамвай, қарийб шунча троллейбус маршрути бор эди. Трамвай йўллари катта кўчаларнинг ўртасидан ўтказилган, улар амалда автомобиллар ҳаракатини қийинлаштириб қўйган эди. Ҳозир шаҳарда троллейбус ҳаракати умуман тўхтатилди, 8 та маршрутдагина трамвай ҳаракати сақлаб қолинди. Трамвай кўпроқ кичик халқа йўли ёқасидан ўтадиган бўлди.

Ўзбек миллий ҳовлисозлигида дарвоза ва дарвозахонанинг ўрни – айрича. Ўвлининг амалда қандайлигига меҳмонлар, аввало, дарвозахонага қараб баҳо беришади. Шаҳарнинг дарвозаси эса – аэропорт билан темир йўл вокзали.

Истиқлол йилларида Тошкент аэропорти ҳам, темир йўл вокзали ҳам таниб бўлмас даражада янгиланди, кенгайтирилди, йўловчилар учун қулай шароитлар яратилди, уларнинг кўрк-чиройи очилиб кетди.

Маҳаллий қатновлар йўналишига хизмат қиладиган янги аэровокзал очилди. Бу эса самолётлар қатновини янада қулайлаштирди.

Бозорларимиз кўрки

Чорсу бозорининг олдинги тор ҳолати ёдимиздан чиққани йўқ. Бугун бу ердаги замонавий бозор мажмуаси нафақат ўзимиз, балки хорижлик меҳмонларни ҳам қойил қолдирыпти.

Паркент қурилиш материаллари бозори универсал савдо комплекси сифатида Кичик халқа йўли ёқасига кўчирилди. Олой, Юнусобод, Паркент, Миробод, Қўйлик, Фарҳод дехқон бозорлари ҳамда Чилонзор буюм бозори тубдан таъмирланиб, замон талаблари даражасида тартибга келтирилди.

Навоий кўчасида катта ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бу ердаги кўчанинг чиройини бўғиб турган пастқам савдо шохобчалари ўрнига оқ мрамлар билан безатилган, биринчи қаватларига хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлаштирилган 8 та 7 қаватли уй-жой биноси қурилди. Атрофида турли дарахтлар кўкартирилиб, шаҳар кўркига яна кўрк қўшди.

Улуғвор ишлар ижобати

Тошкентни XII асрда улуғ шоир Низомий Ганжавий, XIV асрда тожик шоири Камол Хўжандий, XV асрда улуғ Алишер Навоий, XVI асрда Захириддин Муҳаммад Бобур ва Зайниддин Восифий, XIX асрда хоразмлик Баёний, XX асрда асли озарбойжонлик бўлган ўзбек шоири Мақсуд Шайхзода ва бошқалар таъриф у тавсиф этганидан хабаримиз бор.

Бироқ агар бу соҳир калам соҳиблари бугунги Тошкентни кўрганида эди, таъриф у тавсиф учун тамоман янги-янги сўзу иборалар излаган ва топган бўлар эди.

Пойтахтимиз истиқлолнинг 23 йили мобайнида Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида ўта замонавий, юксак маданият ва бой коммуникация имкониятига эга, ниҳоятда гўзал, экологик жиҳатдан тоза, кишилар истиқомат қилиши учун ҳар тарафлама қулай бир мегаполис шаҳарга айланди.

Юртбошимиз 2009 йили Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда алоҳида таъкидлаганидек, бетакрор пойтахтимиз кўпмиллатли халқимизнинг фаҳри, тинчлик ва барқарорлик рамзи ҳисобланади.

Бу эса ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ.

2011 йили Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги олдида, ҳар йилгидек, шаҳарда кўплаб иншоотлар фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ўша йилнинг 28 августи куни Тошкент вилоятининг пойтахтга туташ Зангиота тумани ҳудудида бунёд этилган автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган янги “General Motors Powertrain Uzbekistan” қўшма корхонаси ҳамда Тошкент аэропорти маҳаллий авиалинияларининг янги аэровокзали билан танишди. Булар энг улуғ, энг азиз байрамимизга муносиб совға бўлди.

Дунёда жами 252 та давлат бўлса, шундан 18 тасигина автомобиль учун мотор ишлаб чиқаради, холос. Биз шу тариқа 19-давлат бўлдик. Яна бир ўзига хослик шуки, мазкур қўшма корхонада биратўла ҳам қуйиш, ҳам йиғиш ишлари бир жойда амалга оширилади. Бу жиҳатдан айна завод “General Motors”нинг дунёдаги дастлабки корхонаси ҳисобланади.

Бундан буён Асакада ишлаб чиқарилаётган автомобилларга 1,5 ва 1,2 литр сиғимдаги ўзимизда ишлаб чиқарилган моторлар қўйилади ва бу двигателлар “General Motors”нинг глобал тармоғига кирувчи хориждаги бошқа автомобилсозлик корхоналарига ҳам экспорт қилинади.

Янги аэровокзал эса соатига 400 йўловчига намунали хизмат кўрсатиш имконига эга. Халқаро авиайўналишлар билан Тошкентга келган хорижлик сайёҳлар тегишли расмийлаштириш жараёнларидан ўтганидан кейин аэропорт ҳудудидан чиқмай туриб ана шу янги аэровокзал орқали мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига жўнаб кетаверяпти.

Истиқлолнинг 20 йиллиги арафасида Тошкент – Самарқанд йўналишида янги тезюрар “Афросиёб” поезда юра бошлади. У икки соатда манзилга етиб боради. Энг замонавий бундай поезд Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида дастлабки янгилик бўлди. Ҳатто, Америка Қўшма Штатларида ҳам ҳали бу типдаги ўта замонавий поездлар қатнови йўлга қўйилмаган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Тошкентга Чехиянинг “Pragoimex a. s.” компанияси ишлаб чиқарган “Vario LF” русумли икки замонавий трамвай олиб келинди. Компания билан 20 та шундай транспорт воситасини харид қилиш бўйича шартнома имзоланган.

Буларнинг бари юртимизни, жумладан, унинг пойтахтини ривожлантириш, уни энг замонавий даражаларга кўтариш мақсадини рўёбга чиқариш ғояси изчил равишда амалга ошириб борилаётганидан далолат беради.

Бир гапни очик айтиш керак: мамлакатимиздаги ҳар бир меъморий обиданинг яратилиши – унинг ташаббускори, бунёдкори номи билан боғлиқ.

Шу маънода Тошкентда ҳам истиқлол йилларида барпо этилган мухташам иншоотлар, боғ, йўл, кўприклар – бевосита мухтарам Юртбошимиз ҒОЯСИ, ТАШАББУСИ, ЛОЙИҲАСИ, РЕЖАСИ ва РАҲНАМОЛИГИНИНГ ёрқин ифодаси.

Ҳаётини эл-юрт хизмати, эзгу ишлар, бунёдкорлик ва Ватан равнақига бағишлаган, шу тариқа халқнинг дуосини олган улуғ зотларнинг умри боқий бўлмай.

МАЙДОНДАГИ МАЪНОЛАР

Бош майдонимиз

2006 йилнинг 3 февralида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мустақиллик ва эзгулик монументи тўғрисида”ги махсус қарори қабул қилинди. Чунки орада Мустақиллик майдонининг умумманзараси тубдан ўзгартирилди. Бу ердаги эски маъмурий бино ўрнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биноси қад ростлади ва 2005 йил январидан иш бошлади. Мустақиллик монументи пойига чақалоғини бағрига босиб турган Бахтиёр она хайкали ўрнатилди. Парадларга мўлжалланган асфальтлар ўрнига қишин-ёзин ям-яшил майсазору боғ барпо этилди. Майдонга кираверишда Мустақиллик аркаси қурилди ва ҳоказо.

Ҳар юртнинг халқ бошига кўтарадиган муқаддас гўшалари бўлади. Бу жиҳатдан Ўзбекистонимиз жаҳондаги бошқа мамлакатлардан тамоман ажралиб туради. Чунки бизда не-не улуғ қадамжолар, қанчадан-қанча муқаддас маконлар бор.

Аммо ҳар бир давлатнинг бош майдони, энг улуғ, энг азиз гўшаси ҳам бўлади.

Мустақиллик майдони – Ўзбекистонимизнинг ана шундай бир мўътабар парчаси.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов шундай дейди: *“Мустақиллик майдони ҳар бир ватандошимиз учун азиз ва мўътабар бўлиб, Ўзбекистонимизнинг чинакам тимсолига айлансин. Барчамизнинг истагимиз, тилагимиз шуки, бош майдонимиз асрлар давомида халқимизга хизмат қилиб, элимизнинг, юртимизнинг эзгу интилишларини бутун дунёга намоён этсин”*.

Кейинги йилларда муҳтарам Юртбошимиз Ислоом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида бу майдон таниб бўлмас даражада қайта чирой очди, янги мазмун ва моҳият билан бойиди, атрофида не-не гўзал, улуғвор, замонавий бинолар қад ростлади, борлари эса шу руҳ ва ғояга мос равишда қайта таъмирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мустақиллик ва эзгулик монументи тўғрисида”ги махсус қарорига кўра, Мустақиллик ҳайкали ва Бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги монументга Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном берилди. Бу монументга гулчамбар қўйиш расмий маросими жорий этилди, бу маросим расм-русуми белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий давлатлар раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, чет эл делегациялари вакиллари ва бошқа расмий меҳмонларнинг давлат протоколига киритилган ҳолатларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш маросими тартиби тасдиқланди.

Мажмуа

Мустақиллик майдони бугун яхлит бир мажмуага айланди.

Унинг таркибига *Мустақиллик ва эзгулик монументи, Хотира хиёбони, Эзгулик аркаси, Сенат биноси, Вазирлар Маҳкамаси биноси, 14 қаватли маъмурий бино* ва бошқалар киради. Кўчанинг нариги томонида *Тасвирий санъат галереяси, Бизнес маркази, Молия вазирлигининг Ҳазначилиги биноси* бу хиёбон кўркига кўрк, савлатига савлат қўшяпти. Майдоннинг шимолидан ўтган Навоий кўчасида эса *“Туркистон” саройи* салобат тўкиб турибди.

Қушлар тўрт хил бўлади

Қушлар ризқ-рўз мўл-кўл бўлган юртлардагина кўпаяди. Мустақиллик йилларида бизда ғалла етиштириш олти-етти баробар кўпайгани шарофати билан юртимизда тустовуқ урчигандан-урчиди. 2004 йили ҳукумат унинг овига ҳам рухсат берди.

Ўзбекистонимиз – азалдан турфа қушлар макони сифатида ҳам машҳур. Шаҳарларда бўлсин, қишлоқ-овуларда бўлсин, ҳар биримиз ҳар тонг қушлар сайроғи билан уйғонамиз.

Қушларни Ватанимизга алоқаси жиҳатидан, шартли равишда, бир неча гуруҳга бўлиш мумкин.

Б и р т о и ф а с и – ўзимизнинг туғди-битди қушлар. Яъни улар шу юртда муқим яшайди.

И к к и н ч и х и л и ёздагина бизда яшайди. Шу ерда ин қўяди, қўпаяди – бола очади. Лекин қишимизга чидай олмаганидан болаларини “етақлаб”, жануб тарафларга учиб кетади. Баҳорда яна ўз инига қайтади. Шунинг учун бу қушларнинг Ватани – шу ер, деб ҳисоблаш керак. Қалдирғоч, лайлак шундай қушлар тоифасига киради.

У ч и н ч и т у р и бизга қишлаш учунгина келади. Масалан, қарға – асли шимол юртларнинг қуши. Ўша салқин мамлакатларда ин қуради, қўпаяди – бола очади. Яна қиш келиши билан “кўчини кўтариб”, биз томонга қараб қанот қоқади. Кейинги пайтларда айрим тоғли, салқин ҳудудларимизда оз сонли қарғалар қишлаб ҳам қоляпти.

Т ў р т и н ч и т у р и бизда ёзламайди ҳам, қишламайди ҳам. Ёзни биздан кўра салқинроқ мамлакатларда, қишни биздагига нисбатан иссиқроқ юртларда ўтказишади. Фақат баҳорда шимолга қараб, кузда жанубга қараб учаётганда осмонимиздан ўтади. Одам сийрак, сув ичиб, озикланиб олиши учун имкони бор ерларгагина бирров қўниши мумкин. Турна, асосан, шундай қушлар тоифасига киради. Кулранг турналар мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида қишлаб ҳам қолади.

Лайлак ва турна ифодалаган рамзлар

Майдонга Эзгулик аркаси орқали кирилади. Арка устига тўрт лайлак, уч турна тасвирий тимсоли ишланган. Лекин нозиккина бир фарқи бор. Лайлақлар, чиндан, арка устига қўниб, бир оёқда турибди. Турналар эса... тепада чаппар уриб учаяпти.

Бу бежиз эмас. Эслаб ўтилганидек, лайлак – ёзда бизда яшайди. Уларнинг сони тобора қўпайиб бораяпти. Наманганнинг Мингбулоқ туманида, Тошкент вилоятидан чиқиб, Сирдарёдан ўтган ерда, Янгийўл туманининг Саид Ота қишлоғида йўл бўйи симёғочларда лайлақлар шашқатор бўлиб ин қўйган.

Халқимизда турналарнинг юртимиздан учиб ўтиши билан боғлиқ бир талай анъана бор. Турналарнинг учиб ўтганини кўриш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бироқ бир нарса ҳақиқат – турналар ҳам тинч юрт устидангина учиб ўтади.

Лайлақни элимиз азалдан фариштали қуш янглиғ улуғлаб келган. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Охунгузар маҳалласининг XVIII асрда қурилган масжиди миносига лайлак ин қургани учун одамлар кейинчалик бу масжидни “Лайлаққўнди масжиди” деб атаб кетган. Чунки лайлак бахт,

тинчлик, хотиржамлик рамзи ҳисобланган. Ёки Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги Бобошех қишлоғидаги тепалик ёнидаги қадим гужум дарахтига лайлак ин солгани учун бу тепалик Лайлактепа деб юритиладиган бўлиб кетган. Юртимизда лайлак билан боғлиқ бундай жой номлари жуда кўп.

Муҳтарам Президентимиз Мустақиллик майдонида олиб борилаётган эзгу ишларни кузатиш учун келганида бир гапни айтган эди: *“Лайлак қачон бир оёқда туради? Қачонки, хотиржам бўлса”*. Ростдан ҳам, лайлакларнинг хотиржамлиги бу ерда бир тимсол – у юрт хотиржамлигини англатади.

Тинчлик қуши

Европанинг кўплаб шаҳарларидаги майдонлар ғуж-ғуж кабутарларнинг маконига айланган. Улар одамлардан ҳуркимайди, оёқлар остида ўралашиб юраверади...

Мустақиллик майдонида кабутарлар кўна бошлади. Улар орасида хонакилари ҳам, ёввойилари ҳам бор. Болакайлар кетидан қувлаб юради, кабутарлар учмайди – зипир-зипир юриб, қочади.

Майдонга кўнаётган кабутарлар сони кун сайин кўпайиб боряпти. Агар биз уларга дон сепишни йўлга қўйсак, кўрасиз, бу ердан асло аримайдиган бўлиб қолади.

Кабутар – беозор қуш.

Кабутар – тинчлик рамзи.

Бу қушлар бош майдонимизни бекорга макон тутмаган.

Она

Одамнинг қувонса ҳам, бошига кун тушса ҳам, биринчи бўлиб тилга оладиган сўзи – она!

Алишер Навоий Шайх Исмоил Даббос ҳақида бир ажиб ҳикоят келтиради. У ҳажга отланган эди. Шерозда Шайх Мўъминга дуч келади. Унга ниятини айтади. Шайх Мўъмин ундан онаси бор-йўқлигини сўрайди. *“Бор”,* – дейди у. Шунда кутилмаган тарзда уни ҳаждек муқаддас зиёратдан қайтаради: *“Орқага қайтиб, онанг мулозаматида бор. Мен эллик ҳаж қилибмен – бош яланг, оёқ яланг ва зоду (ёлғиз) ҳамроҳсиз. Борчасини сенга бердим. Сен онанг кўнгли шодлигини манга бер!..”*

Ватан-ку – ўзи барчамизга бамисли она. Қайси Ватанда, қайси она қорнидан дунёга келтиришни Яратган ҳеч кимдан сўраб ўтирмайди. Биз Ватанга ҳам “она” сўзини қўшамиз – она Ватан деймиз.

“Менинг икки онам бор...”

Болалигимизда:

*Менинг икки онам бор,
Иккиси ҳам меҳрибон.
Бири менга сут берган,
Бири эса ширин нон.
Бири – туққан онамдир,
Иккинчиси – ҳур Ватан,
Иккисига баробар
Қурбон бўлсин жону тан, –*

деган шеърни кўп ёд айтар эдик. Ростдан ҳам, икки онамиз мавжуд: бири бизни туққан зот бўлса, иккинчиси – Ватан.

Мустақиллик майдонида икки она бор. Бири – 1999 йили бунёд этилган Хотира хиёбонидаги Мотамсаро она ҳайкали. У маънос, ғамгусор. Чунки унинг ўғиллари Ватанни ҳимоя қилиш йўлида – Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган. Иккинчиси – хушбахт, кўлида гўдагини эркалаётган, унга бори меҳрини тўкиб боқиб турган она. Бу Бахтиёр она сиймоси!

Она – Ватан, бола – халқ рамзи. Халқ шу мустақил, тинч, осойишта, гуллаб-яшнаётган Ватан бағрида униб-ўсяпти...

Уйғунлик

Мустақиллик ва Эзгулик монументи...

Исми жисмига мос ёдгорлик.

Баланд постамент устида Ер шари. Унинг ўртароқ қисмида Ўзбекистон ҳудуди бўртиб чиққан ҳолда акс эттирилган. Бу мамлакатимизнинг истиқлолга эришиб, дунё миқёсида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлганини тасдиқлаб турибди. Дунёга биз, бизга дунё боғланди.

Пастдаги она ва бола шодонлиги эса кишига шу истиқлолнинг ширин ҳосиласи янглиғ кайфият бағишлайди.

“Дунё бўлди чаманим маним”

Яқин ўтмишда бу ер тап-тақир майдон эди, бугун боғ бўлди. Ҳарбий парад ва намоёишларга мўлжалланган бетон кенгликлар ўрнида ям-яшил чаман барпо этилди.

Шу кўкламда майсазорлар узра экилган магнолия дарахти бор чиройини кўз-кўз қилиб, қийғос гуллади.

Номидан ҳам билиниб турибдики, магнолия – бизнинг юртда ўсадиган туғди-битди дарахт эмас. Узоқ мамлакатлардан олиб келинган. Ниҳоятда мафтункор гуллайди. Ҳар бир гули пиёладай-пиёладай келади. Тошкентнинг Амир Темур майдонида – “Ўзбекистон” меҳмонхонаси қаршисида ҳам бор.

Ҳар йили баҳорда унинг ёнидан ҳайдовчилар уловини бир секинлатиб, суқ билан қараб-қараб ўтади.

Майдоннинг, хусусан, Олий Мажлис Сенати атрофидаги майсазорлари узра дунёнинг беш қитъасидаги турли мамлакатлардан келтирилган гуллар, буталар, дарахтлар экилган.

Бу билан нима дейилмоқчи?

Айтилмоқчики, Ўзбекистон Аллоҳ ёрлакаган шундай гўзал маконки, унда хоҳлаган минтақадан олиб келинган бир чўп суқсанг ҳам, кўкараверади...

Шу маънода, аввало, бутун Ўзбекистон, қолаверса, унинг бир парчаси бўлмиш шу мўъжаз ва мўъжиз майдон – бир жаннатий макон.

Ўзбекистон бир бутун жисм бўлса, Мустақиллик майдони – унинг юраги!

Темур дарвозаси

Эзгулик аркасининг бир катта, шунингдек, бир хилдаги ўн тўрт кичик дарвозаси бор.

Санъат асари қандай ғоя, қайси маъно-мазмун билан яратилмасин, томошабинда яна кўплаб фикр-туйғулар уйғотаверади. Арка остида туриб, ҳар ким – хаёл суришга, нималардир ҳақида ўзича мушоҳада юритишга, ўз тасаввуротию хаёлотини маҳсулидан баҳра топишга ҳақли.

Қизиқ, Эзгулик аркасига, хусусан, ёнидаги ўн уч қаватли маъмурий бино юқори поғоналаридан туриб қараган кишига у худди Ўзбекистоннинг белидан белбоғ янглиғ кесиб ўтган узун йўлни эслатади. Кейин хаёлда: “*Бу Буюк ипак йўли рамзи-ку!*” – деган фикр кечади. Тўғри чизик эмас, ёйсимон шаклда экани ҳам шунга асос бергандек бўлади.

Ўртадаги катта дарвозанинг чапида ҳам, ўнгида ҳам баб-баробар – еттидан бир хил узунликдаги дарвоза мавжуд. Ўзбекистонимиз таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, ўн икки вилоят ва Тошкент шаҳри, жами ўн тўрт маъмурий-ҳудудий бирлик борлигини инобатга олсангиз, бу шунга мос тушгандек бўлаверади.

Хаёл ришталарининг охири йўқ, дейишади.

Дарвоза деган тушунча бирдан Жиззах ва Самарқанд шаҳарлари ўртасидаги икки тоғ яқинлашган ердан ўтган машҳур Темур дарвозасини кўз ўнгингизга келтиради. *Ие*, дейсиз шунда, *Темур дарвозасининг чапида ҳам етти маъмурий-ҳудудий бўлинма (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари), ўнгида ҳам етти маъмурий-ҳудудий бўлинма (Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри) бор-ку.*

Рамз рамзга уланиб кетаверар экан...

Чемпион кимга гул тақдим этади?

Спортчиларимиздан бири жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритиб, Ватанга қайтганида самолётдан тушишдан бошлаб халқимиз вакиллари унга даста-даста, чаман-чаман гул тутди. Чемпион қаерга борса, халқ уни гулларга ўраяпти.

Жаҳон чемпиони билан халқни боғлаб турган ришта нима?

Ватан, албатта. Айнан Ватан ўттиз бир миллиондан ортиқ кишини бир-бирига чамбарчас боғлайди.

Хўш, чемпион юртга қайтганидан кейин биринчи бўлиб кимга гул тутди?

У Мустақиллик ва эзгулик монументидаги Она ҳайкали пойига гул кўйди!

Буни унинг рамзан Ватанга шукронаси ифодаси деб тушунинг...

Мўъжаз Ватан

Соф худуди маъносида олиб қараганда ҳам, Ўзбекистон дунёдаги катта мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизнинг ер майдони – 448 минг 900 квадрат километр. Бу жиҳатдан у Испанияга яқин туради, Буюк Британиядан қарийб икки, Италиядан бир ярим баробар катта.

Мустақиллик майдони эса – бир неча гектар, холос. Аммо ана шу майдон – бир мўъжаз Ватан. Чунки у мамлакатнинг бош майдони ҳисобланади.

Ўттиз бир миллиондан ошиқ киши тақдири – бевосита ҳам, билвосита ҳам шу майдон билан вобаста. Сабабки, мустақиллик бугун ҳар биримизнинг тақдиримизни эзгулик сари буриб юборгани – айна ҳақиқат.

Ихтиёрийлик

Гапнинг тўғриси айтган – яхши. Дастлаб Мустақиллик майдони зиёрати турли ташкилот ва муассасаларнинг ички режаси асосида, яъни муайян маънода уюштирилган ҳолда амалга оширила бошлаган эди. Бу ҳозир ҳам қисман давом этяпти. Шундай бўлиши керак.

Бироқ...

Ҳар куни кузатамиз, мамлакатнинг ёшу қариси бу муқаддас майдон зиёратига оқиб келяпти. Улар орасида пойтахт аҳли ҳам, мамлакатимизнинг турли минтақа ва ҳудудлари, шаҳару қишлоғу овуллари вакиллари ҳам, ён кўшни давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлару узоқ-узоқ юртлардан келган сайёҳлар ҳам... бор.

Расмий никоҳдан ўтган келин-куёвлару таълим муассасалари битирувчиларини ҳам кўп кўрамыз. Пойтахтдаги малака ошириш тизимида қайта тайёргарлик курсларини тугатаётганлар ҳам гурра-гурра келиб, бу маконни зиёрат қилишяпти.

Хуллас, бу майдонга халқ ички туйғуси, юртга меҳри жўшиб, ўз инон-ихтиёри билан оқиб келиб турибди.

Шу тариқа майдондаги маънолар, уларда яширин нозик фалсафа фуқаролар онгию қалбига, ҳатто, хорижий сайёҳлар тафаккурига ҳам сингиб бораётибди.

Бундай дахлдорлик туйғуси фуқаронинг Ватанга меҳрини жўштириб юборади.

Шундай юртни севмай бўладими?!

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

1954 йили Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги Эҳсон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қирғизон қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. Ўрта мактабни (1971) Олтин медаль, ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) Журналистика факультетини (1976) имтиёзли диплом билан тугатган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида лаборант, катта лаборант, кичик илмий ходим, илмий ходим, катта илмий ходим, докторант, катта илмий ходим (1976 – 1994), Ташқи ишлар вазирлигида “Спич райтер” гуруҳи раҳбари, “Таржима ва таҳрир” бўлими мудири ўринбосари, “Жаҳон” ахборот агентлиги “Ўзбек таҳририяти” мудири (1994 – 1997), Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида консултант, етакчи консултант, бош консултант (1997 – 2000), Республика Маънавият тарғибот (собик “Маънавият ва маърифат”) марказида раҳбар ўринбосари (2000 – 2011) вазифаларида ишлаган.

Ўриндошлик асосида “Вобкент ҳаёти” (собик “Пахта учун кураш”, 1969, 1973), “Бухоронома” (собик “Бухоро ҳақиқати”, 1975) газеталари таҳририятида муҳбир, “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали таҳририятида (1980 – 1984) масъул ходим, “Тафаккур” журнали таҳририятида бўлими мудири (1999 – 2005), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши (ҳозирги Давлат бошқаруви) академиясининг “Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази”да етакчи илмий ходим (1997 – 2000), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази “Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” кафедрасида (2003 – 2006), Тошкент ислом университети “Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” кафедрасида (2004 – 2005), Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида (2007 – 2008, соатбай) доцент вазифасини бажарувчи бўлиб меҳнат қилган.

“Ўзбекистон миллий телерадио компанияси”, шунингдек, “Ўзбектелефильм” давлат унитар корхонаси бадий кенгашлари аъзоси (2000 – 2006), ЎЗРВМ ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси (2006 – 2013), “Тафаккур” журнали жамоатчилик кенгаши (2004 – 2011), “Маърифат гулшани” (2005 – 2012) газетаси таҳрир ҳайъати аъзоси, ЎЗР Халқ таълими вазирлигига қарашли Республика таълим маркази ҳузуридаги Маънавий-маърифий ишлар илмий-методик кенгаши эксперт гуруҳи раҳбари (2009 – 2011), Ўзбекистон тожик миллий маданий маркази раисининг ўринбосари (2007 – 2012) бўлган.

Филология фанлари номзоди (1985), 3 номзодлик диссертациясига илмий раҳбарлик, 8 тасига эса расмий оппонентлик қилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси (1993 йилдан), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармасида доцент вазифасини бажарувчи (2004 йилдан, соатбай), “Нақшбандия” журнали бош муҳаррири (2009 йилдан), Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта

тайёрлаш ва малака ошириш институти “Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари” кафедраси доценти (2011 йилдан), “Тошкент оқшоми” газетаси таҳририяти консултанти (2012 йилдан).

Халқаро Аҳмад Яссавий мукофотини (1994), иккинчи даражали иккинчи котиб дипломатик мартабасини (1995) олган, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби (2001), “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси” (2014).

Журналистика соҳасидаги “Энг улуг, энг азиз” (1998), “Оила йили” (1998), “Истиқлол – бахтим, саодатим...” (2006), “Мен ва жамият” (2007) танловлари ғолибларидан бири. Ҳамкорликда тузилган “Адабиёт” (8-синф, 2006) дарслик-мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси ўтказган “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” Республика танловида 3-даражали диплом билан тақдирланган (2009).

Таржимашунослик, навоийшунослик, тасаввуфшунослик, тарих, умуман, маънавият ва маърифат, миллий ғоя ва мафкура бўйича кўплаб китоб, мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар муаллифи.

“Таржима санъати” (1978, 1980, 1985), “Озарбойжон-ўзбек адабий алоқалари саҳифалари” (Боку, 1985, рус ва озарбойжон тилларида), “Ўзбекистонда бадиий таржима тараққиёти” (1986), “Ўзбекистонда таржимачилик” (1988), “Таржима муаммолари” (1- ва 2-китоб, 1991), “Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар” (1994), “Вобкент тумани” (2002), “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” (12 жилд, 2000 – 2006), “Исломи” энциклопедияси (2004), “Ўзбекистоннинг маданий қиёфаси” (Техрон, 2006, форс тилида), “Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли лугати” (2009, 2013) китоблари ва бошқа кўплаб илмий тўпламлар муаллифларидан, “Ҳомийлар ва шифокорлар йили: мазмун ва моҳият” (2006), “Ижтимоий ҳимоя йили: мазмун ва моҳият” (2007), “Маънавий қиёфа” (2007), “Ўзбекистон Республикаси Президенти Исломи Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини аҳолининг таълим билан қамраб олинмаган қатламлари орасида тарғиб қилишнинг услубий йўриқномаси” (2011) китоблари тузувчиларидан.

“Лермонтовнинг ўзбек таржимонлари” (1989, А. Матёкубов билан ҳамкорликда), “Навоийнинг шеършунос шогирди” (1990), “Навоий асарлари таржималари” (1991), “Ишиқ, ошиқ ва маъшуқ” (1992), “Хожа Баҳоуддин ҳақиқати” (1994), “Байроқ, бурж ва бурч” (1995), “Нақибанд ва Навоий” (1996), “Луқмайи ҳалол” (1997), “Бешик” (1998), “Ҳижоб” (1999), “Миллий мафкура – халқ таянадиган куч” (2000), “Демократия – фуқаролик жамияти” (2002), “Давлатимиз рамзлари” (2003, Ш. Жумаев билан ҳамкорликда), “Мадҳия” (2004), “Истиқлол – бахтим-саодатим” (2007), “Байрамларимиз” (2008, ўзбек, рус ва инглиз тилларида), “Навоий –

ёшларга” (2008), “Сув – илоҳий неъмат” (2009), “14 февраль: севишганлар кунни эмас”, “Бурч” (2012), “Давлат рамзлари”, “Ўзбекистон Республикаси. Қисқача маълумотнома” (2013), “Маънавият ва маърифат хонаси”ни ташкил этиш”, “Тўй-маросимлар ва миллий маънавият” (2014) китоблари муаллифи.

Умумтаълим мактабларида “Ўзбек адабиёти” бўйича ўқув дастури (5 – 11-синфлар, 1991, 2006), “Ўзбек адабиёти” мажмуаси (10-синф, 1993, 1995, 1997), “Адабиёт” дарслик-мажмуаси (8-синф, 2006, 2010, 2014), “Ўқитувчилар учун методик қўлланма” (8-синф, 2006), “Одобнома” (4-синф, 2009) дарслиги тузувчиларидан.

“Дўппи” (2000), “Давлатимиз рамзлари” (2004) телефильмлари, “Қуш тили” спектакли (2005, Авлиёкули Хожакули билан ҳамкорликда), “Кўнгил ови” мусикали драмаси (2014) сценарийсини ёзган. Талай илмий, илмий-оммабоп китобларга масъул муҳаррирлик қилган, сўзбоши ёхуд сўнгсўз битган. Мустақилликнинг 20 йиллигига чоп этилган “Ўзбекистон ёдгорликларидаги дурдона битиклар” (2011) альбоми ўзбекча матнига муҳаррирлик қилган.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиш арафаси ва истиқлол даври тарихини “Қишлоқ ҳаёти” (2006), “Тошкент оқшоми” (2011, 2013) газеталари саҳифалари ва “Истиқлол – бахтим-саодатим” (2007) ва қўлингиздаги “Миллий гоя, мафкура, маънавият” (2014) китобларида батафсил ёритган.

Асарлари Эрон Ислом Республикаси, Озарбойжон Республикаси, Тожикистон Республикасида босилган. Илмий, илмий-оммабоп ва публицистик асарларига Америка Қўшма Штатлари, Хитой Халқ Республикаси, Эрон Ислом Республикаси ва Тожикистон Республикасида мутахассислар муносабатлари чоп этилган.

Амалга оширилаётган туб ислохотлар моҳияти, маънавият ва миллий ғоянинг долзарб масалаларига бағишланган учрашувлар ўтказиш, мамлакатимизда маънавият тарғиботи тизимини шакллантириш ва ривожлантиришда муносиб ҳиссаси бор. Зиёлиларни миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларга жалб этиш, бу борада дастур ва режалар тузиш, давлат ва жамоат ташкилотларидаги миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни ўзаро мувофиқлаштириш, турли минтақа ва ҳудудларда долзарб маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий мавзуларда ҳар хил тадбирлар уюштириш, давлат сиёсатининг халқпарварлик моҳиятини аҳоли турли қатламлари вакиллариغا равон, таъсирчан ва тушунарли тилда етказиш, аҳоли, хусусан, ёшлар онг-тафаккурида турли ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришда ташаббускорлик кўрсатмоқда. Ҳар йили Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳар ҳафта долзарб мавзуларда ўтказиб келинаётган “Маърифат ва сиёсий ўқиш” тадбирлари бўйича 10 дан ортиқ маъруза матни тайёрлаб, “Постда” газетасида чоп этиляпти.

МУНДАРИЖА

<i>Рўзимурод Чориев. Зарур қўлланма (Сўзбоши ўрнида)</i>	4
Б и р и н ч и б о б. Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. <i>Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида</i>	
Ким эдиг-у, ким бўлдик? (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорини ўқиб... ..)	
Истиқлол ишқи	
Эй гўзал маъвом	
И к к и н ч и б о б. Мустақилликка эришиш йўлида (Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби мазмун-моҳияти)	6
У ч и н ч и б о б. Истиқлол – бахтим-саодатим	26
Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!	26
Ватанимсан, ватаним!.. ..	39
<i>Ноухтиёрийлик</i>	39
<i>Халқ билиб айтади</i>	40
<i>Ватан қадр</i>	41
<i>“Ватанимдур, Ватанимдур, Ватанимдур, Ватаним!..”</i>	41
<i>Тараққиёт ҳуқуқи</i>	42
<i>Айтарини айтган юрт</i>	42
<i>Дохиллик</i>	42
Йигирма уч йилнинг буюк моҳияти	43
<i>Уч буюк замон бирлиги</i>	43
<i>Уч буюк қудрат</i>	43
<i>Уч буюк ислоҳот</i>	44
<i>Уч буюк рамз</i>	44
<i>Уч буюк босқич</i>	44
<i>Уч буюк иншоот хосияти</i>	45
<i>Уч буюк йўл</i>	46
<i>Уч буюк сўз шарофати</i>	47
<i>Уч буюк тамаддун</i>	48

Орзудаги шахс ёки эврилишнинг тўрт нуқтаси	49
Т ў р т и н ч и б о б. Янги аср таълимоти	
Б е ш и н ч и б о б. Маънавият ва сиёсат	64
Ўзбекистон Республикасининг миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган қонуности хужжатлари	64
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-451-сон қарори. <i>Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида</i>	64
Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг таркибий тузилиши	
Маънавият – давлат сиёсатининг устувор йўналиши (Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-451-сон қарори шархи)	69
Маънавият ишининг мўътабар манбаси (Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари мазмун-моҳияти)	76
“Юксак маънавият – енгилмас куч” китобидан “Маънавият ва маърифат хонаси”да фойдаланиш учун иқтибослар	86
Ўзбекистон Республикасида йилларнинг номланиши	90
<i>Маънавий-маърифий йўналишидаги йиллар</i>	90
<i>Ижтимоий йўналишидаги йиллар</i>	90
Маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун долзарб мавзулар	88
“Маънавият ва маърифат хонаси” қандай бўлиши керак?	91
“Хона”ми, “маскан”ми ёки “марказ”?	91
<i>Ягона андоза керакми?</i>	93
“Маънавият ва маърифат хонаси” ташкил этиш учун қандай жой танланиши керак?	94
“Маънавият ва маърифат хонаси”ни қандай жиҳозлаш лозим?	94
О л т и н ч и б о б. Халқ, мерос ва маънавият	97
<i>Миллий маънавий-маърифий меросимиз таркиби</i>	97
<i>Маънавиятимиз ва маърифатимизнинг истиқлолга қадар бўлган даврдаги аянчли аҳволи ва бунинг сабаблари</i>	98
<i>Истиқлол туфайли амалга оширилган улугвор ишлар</i>	100
<i>Мерос ва қонун</i>	101
<i>Қарор ва мерос</i>	103
“Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида миллий меросга муносабат	103
Е т т и н ч и б о б. Тарихи – бой, бугуни – гўзал, келажаги – буюк шаҳар	107
Мегаполис	107
<i>Бош кентимиз</i>	107
<i>Маъно ва мазмун</i>	108
<i>Стратегик шаҳар</i>	108
<i>Шарқ дарвозаси</i>	109
<i>Бош майдонимиз</i>	109
<i>Илм-маърифат маркази</i>	111

<i>Оби ҳаёт маскани</i>	112
<i>Фавворалар фалсафаси</i>	112
<i>Гўзаллик тимсоли</i>	114
<i>Тантаналар шаҳри</i>	115
<i>Ободлик маҳалладан боиланади</i>	115
<i>Озод юртга боғ ярашар</i>	116
<i>Бунёдкорлик</i>	117
<i>Маънавий қадриятларимиз</i>	118
<i>Ёруғ манзилларга етаклар йўллар...</i>	119
<i>Бозорларимиз кўрки</i>	120
<i>Улугвор ишлар ижобати</i>	120
Майдондаги маънолар	122
<i>Бош майдон</i>	122
<i>Мажмуа</i>	123
<i>Қушлар тўрт хил бўлади</i>	123
<i>Лайлак ва турна ифодалаган рамзлар</i>	124
<i>Тинчлик қуши</i>	125
<i>Она</i>	125
<i>“Менинг икки онам бор...”</i>	125
<i>Уйғунлик</i>	127
<i>“Дунё бўлди чаманим маним”</i>	127
<i>Темур дарвозаси</i>	128
<i>Чемпион кимга гул тақдим этади?</i>	128
<i>Мўъжаз Ватан</i>	129
<i>Ихтиёрийлик</i>	129
Муаллиф ҳақида	130